

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ
ИНСТИТУТИ**

Нажмиддинова Ёқутхон Рухиддиновна

**КОЛЛЕЖ ЎҚУВЧИЛАРИДА
КАСБИЙ КЎНИКМАЛАРНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ
МЕТОДИКАСИ**

Монография

**«Sano-standart» нашриёти
Тошкент – 2018**

УЎК:37.02.377.10

КБК:74.56.

Н25

Нажмиддинова Ё.Р. Коллеж ўқувчиларида касбий кўникмаларни ривожлантириш методикаси. Монография. – Т. «Sano-standart» нашриёти, 2018. – 128 бет.

Педагогика фанлари доктори, профессор
А. Р. Ходжабоевнинг умумий тахрири остида

Тақризчилар

Исмоилова З.К. – педагогика фанлари доктори, профессор
Абдурахмонов Ш. – педагогика фанлари номзоди, доцент

Ушбу монографияда бўлажак мутахассисларда касбий кўникмаларни ривожлантиришнинг илмий-назарий, психологик-педагогик, амалий асослари, метод ва шакллари, баҳолаш масалалари ҳақида сўз юритилган. Коллеж ўқувчиларида касбий кўникмаларни ривожлантириш муаммоси “Гидромелиоратив машина ва жиҳозларидан фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш механиги” касби мисолида қараб ўтилган. Мазкур китобда Ўзбекистон-Швейцария «Касбий кўникмаларни ривожлантириш» лойиҳаси доирасида тўпланган тажрибалар ва муаллифнинг кўп йиллик илмий-педагогик тадқиқотлари натижалари умумлаштирилган. Монографиядан касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасаларида умумкасбий ва махсус фанлар ўқитувчилари, шунингдек илмий изланувчилар, тадқиқотчилар, бакалавр-талаба ва магистрлар фойдаланишлари мумкин.

*Ушбу монография Наманган муҳандислик-қурилиш институти
илмий Кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган*

ISBN 9789943-4999-9-7

© «Sano-standart» нашриёти, 2018

© Нажмиддинова Ё.Р.

Сўз боши

Республикамизда амалга оширилаётган чуқур ижтимоий-иқтисодий ислохотлар натижасида жамиятимиз тараққиёти асослари ва миллий мустақиллигимиз пойдевори мустаҳкамланиб бормокда. Ҳозирги шароитда мутахассислар кўп қиррали билимга эга, чуқур мушоҳада ва мулоҳаза асосида қарорлар қабул қилишга қодир, ўз касбини пухта эгаллаган бўлиши шарт. Бу эса, ўз навбатида, мустақил давлатимиз келажаги бўлимиш ёшларни тарбиялашда ва уларнинг баркамол инсон бўлиб шаклланишида ўқитувчилар, муҳандис-педагоглар, педагог олимлар зиммасига ўта масъулиятли вазифаларни юклайди.

Касб-хунар коллежларининг асосий мақсади ўқувчиларга фақат касбий билим бериш эмас, балки уларда замон талаблари асосида кенг қўламдаги касбий кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришдан ҳам иборат. Чунки бугунги кунда касбий кўникмалар ҳар бир мутахассис, яъни илмий ходим, педагог, шифокор, муҳандис, техник-механик, тадбиркор ва бошқаларнинг амалий фаолиятда муҳим аҳамиятга эга эканини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Бу долзарб масалани ҳал этиш учун эса таълим муассасалари, айниқса қишлоқ хўжалиги йўналишидаги касб-хунар коллежлари ўқувчиларида касбий кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришнинг замонавий технологияларини ишлаб чиқиш, педагогик изланишлар олиб бориш зарур.

Қишлоқ хўжалиги йўналишидаги касб-хунар коллежлари ўқувчиларига касбий билим бериш, уларда касбий кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш муаммосини илмий-педагогик нуқтаи назардан ўрганиш ва таҳлил этиш орқали илмий-услубий ишланмаларни яратиш, уларни инновацион ёндашувлар асосида такомиллаштириш зарур.

Касб-хунар коллежларида умумкасбий ва махсус фанларни компетенциявий ёндашув асосида ўқитиш, хусусан, гидрометелоратив машина ва жиҳозларидан фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш механиги касби мисолида ўқувчиларда касбий кўникмаларни ривожлантириш назарияси ва амалиётига доир тадқиқот ишлари деярли олиб борилмаганини, мазкур муаммо ечимини топиш борасидаги изланишлар ўқувчиларда касбий кўникмаларни ривожлантириш методикасини ишлаб чиқиш лозимлигини кўрсатади.

Мутахассислар тайёрлаш тизимини ислоҳ қилишнинг замонавий концепцияси таълим мазмунини такомиллаштириш, ўқув дастурлари йўналишларини ўзгартириш ва мутахассислар тайёрлашнинг янги моделини яратишни кўзда тутди. Мутахассиснинг рақобатбардошлиги, энг биринчи навбатда, унинг касбий билими ва кўникмаларининг ривожланганлиги даражасига боғлиқ. Ушбу монографияда қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи ўқувчиларида касбий кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришнинг ижтимоий-педагогик аҳамияти асослаб берилган, ўқув жараёнида таълим олувчиларда касбий кўникмаларни босқичма-босқич ривожлантириш тизими ва методикаси баён этилган. Ундан касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасаларида умумкасбий ва махсус фанларни ўқитишда, педагогик амалиёт жараёнида фойдаланиш мумкин.

I БОБ. КАСБИЙ КЎНИКМАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Коллеж ўқувчиларида касбий кўникмаларни шакл- лантириш ва ривожлантириш муаммоси ва унинг педагогик талқини

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармонида “касб-хунар коллежлари ўқувчиларини бозор иқтисодиёти ва иш берувчиларнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган мутахассисликлар бўйича тайёрлаш ҳамда ишга жойлаштириш борасидаги ишларни такомиллаштириш¹” лозимлиги кўрсатиб ўтилган[1].

Республикамизда кейинги йилларда «қишлоқ хўжалигини механизациялаш», «гидромелиорация ишларини механизациялаш», «мелиорация ва сув хўжалиги», «гидротехника иншоотларидан фойдаланиш» ҳамда қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқларининг бошқа йўналишлари бўйича кўплаб муҳандис-техник кадрлар тайёрланди. Амалиёт кўрсатадики, ўқув жараёни билан ишлаб чиқаришнинг ўзаро боғлиқлигини кучайтириш, илмий-методик базани ишлаб чиқишда таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш, ўқитувчилар малакасини ошириш масалаларида корхоналар ва таълим муассасалари ўртасида етарлича узвий боғлиқлик мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикасида 2017 йил қишлоқ ва сув хўжалиги соҳалари учун техник-механик кадрлар тайёрлашни янада ривожлантириш оид чора-тадбирлари² белгиланди[2], шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги «Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳалари учун техник-механик кадрлар тайёрлашни янада ривожлантириш оид чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПК-3003-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

январдаги ПФ-5313-сонли “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони³ ижросини таъминлаш мақсадида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда[3]. Уларда белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, республика-миздаги касб-хунар коллежларида қишлоқ хўжалиги соҳалари учун малакали кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш, ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини самарали ташкил, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини кучайтириш, ишлаб чиқариш тармоқлари мутахассисларининг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш барасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Касбий таълим муаммоси назарий жиҳатдан анча ўрганилган бўлса-да, лекин касбий кўникмаларни компетенциявий ёндашув асосида шакллантириш ва ривожлантириш муаммоси етарлича тадқиқ этилмаган. Касб-хунар коллежлари ўқувчиларида компетенциявий ёндашув асосида касбий кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш йўллари излаш, уларни амалда жорий этиш касбий таълим назарияси ва методикасининг долзарб муаммоси ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги йўналишидаги касб-хунар коллежларида касбий таълим бериш ҳолати ва мазмунини назарий ўрганиш ўқувчиларда касбий кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришда муайян муаммолар мавжудлигини кўрсатди. Бизнингча, улар қуйидагилардан иборат:

– қишлоқ хўжалиги йўналишидаги касб-хунар коллежлари ўқувчиларида касбий кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш масаласи компетенциявий ёндашув асосида махсус тадқиқ этилмаган ва бу борада методик тавсиялар ишлаб чиқилмаган, мазкур педагогик жараёндаги аҳамиятга молик масалалар назарий ва амалий жиҳатдан чуқур ўрганилмаган;

– замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан касбий кўникмаларни ривожлантиришда фойдаланиладиган методик ишланмалар етарли эмас, ўқитишнинг фаол усуллари, фан-

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги ПФ-5313-сонли “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й.

лараро боғлиқлик ва ўзаро алоқадорликни самарали жорий этиш тажрибалари умумлаштирилмаган;

- назарий касбий таълим, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиёти, кўшимча таълим жараёнида узвийлик ва узлуксизлик тамойилига етарлича амал қилинмайди;

- дарслик ва қўлланмаларга замонавий қишлоқ хўжалиги машина ва жиҳозлари, айниқса, гидромелиоратив машина ва жиҳозлар, уларнинг техник характеристикалари ҳақида етарлича маълумотлар киртилмаган, уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича йўриқномалар ишлаб чиқилмаган;

- бутун узлуксиз касбий таълим жараёнида (боғча, мактаб, касб-хунар коллежи, олий ўқув юртида) таълим олувчиларда касбий компетентликни шакллантириш ва ривожлантириш қаратилган таълим-тарбия ишлари тизимли тарзда олиб борилмайди;

- қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежлари ўқувчиларида касбий кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича корхона ва ташкилотлар, муассасалар ва бошқа ижтимоий ҳамкорлар билан узвий ва изчил алоқа йўлга қўйилмаган.

- касб-хунар коллежи ўқувчиларига касбий билим бериш, уларда касбий кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича илмий-методик адабиётлар, ишланмалар, кўрсатмалар, замонавий педагогик дастурий воситалар жуда кам яратилган.

Қишлоқ ва сув хўжалиги касб-хунар коллежларининг “Сув хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаштириш” тайёрлов йўналиши ўқувчиларида касбий кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш жуда мураккаб жараён бўлиб, биринчидан, бунда унинг мазмун-моҳияти жамият ва инсон эҳтиёжлари асосида белгиланади, иккинчидан, қишлоқ хўжалиги соҳасида қўлланиладиган машина ва жиҳозларнинг хилма-хиллиги эътиборга олинади.

С.Я. Батишевнинг фикрича, касбий билим ва кўникма мутахассиснинг муҳим касбий хусусиятлари. Олим касбий малака ва кўникмалар каторига қуйидагиларни киритади: техник ҳужжатлардан фойдаланиш, қайта ишлаш тартибини аниқлаш ёки аниқлаштириш билан боғлиқ зарур ҳисоб-китобларни амалга ошириш, иш ўринларини тайёрлаш ва иш мазмунини белгилаш, машиналар, жиҳозлар ва асбобларни ишлатиш, сақлаш, назорат қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш, меҳнат усулларини бажариш,

материалларга ишлов бериш, материаллар сифатини аниқлаш, назорат-ўлчов асбоблари ва мосламаларини ишлатиш. Унинг эътироф этишича, меҳнат (касб) кўникмаси – бу инсоннинг эгаллаган билимларини амалий фаолиятида қўллаш қобилияти. Олим кўникмаларни тўрт гуруҳга ажратади: 1) ҳаракат кўникмалари; 2) сенсор меҳнат кўникмалари (аниқ ҳис этиш, идрок ва кузатишни талаб этувчи ҳаракатларни бажариш кўникмаси); 3) техник кўникмалар; 4) ишни ташкил эта олиш кўникмалари⁴. Унинг фикрича, бўлажак мутахассислар ушбу кўникмаларни эгалламасдан туриб, ишлаб чиқариш соҳасида малакали мутахассис бўла олмайди[6]. Албатта, бугунги кунда интеллектual кўникмалар, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш мутахассиснинг касбий шаклланиши ва ривожланишида муҳим ўрин тутати.

Қишлоқ хўжалиги йўналишидаги касб-хунар коллежларининг “Сув хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаштириш” тайёрлов йўналишида «Гидромелиоратив машина ва жихозлардан фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш механиги” касби бўйича таълим олаётган ўқувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашда махсус фанлар учун жами 898 соат вақт ажратилган бўлиб, уларнинг 630 соати назарий машғулотлар учун, амалий машғулотлар учун эса 384 соат вақт ажратилган. Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, қишлоқ хўжалиги йўналишидаги касб-хунар коллежлари ўқувчиларида касбий кўникмаларни ривожлантириш учун 128 соатга мўлжалланган «Гидромелиоратив машиналарга хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш” фанидан сабоқ беришнинг ўзигина етарли эмас. Ўқувчиларга чуқур касбий билим беришни ўқув соатини кўпайтириш ҳисобига амалга оширишга қаратилган уриниш асосли эмаслигини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Бундан кўринадики, касб-хунар коллежларида ўқувчиларга танлаган ихтисослиги бўйича касбий билимларини чуқурлаштириш, уларда касбий кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришга кўмак берувчи алоҳида касбий ўқув курси – «Касбий

⁴ Батышев С. Я. Производственная педагогика: Учебник для работников, занимающихся профессиональным обучением рабочих на производстве. 3-е изд. перераб. и доп. – М.: Машиностроение, 1984. – 672 с.

кўникмаларни ривожлантириш методикаси» ва унинг дастурини яратиш мақсадга мувофиқ. Бизнингча, касб-хунар коллежлари ўқувчиларида касбий кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришнинг ғоявий асослари қуйидагилар ҳисобланади:

1. Таълим мазмунининг илмийлиги.
2. Касбий таълим узвийлиги.
3. Педагогикадаги янги технологиялар.
4. Умумкасбий ва махсус фанлар узвийлиги ва самарадорлиги.

Бу иерархик кетма-кетлик тизими касб-хунар коллежлари ўқувчиларида касбий кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришда назарий асос қилиб олиниши лозим. Бунда касбий таълим мазмуни ва унинг дастурий тузилмаси ўзига хос психологик педагогик ижодий ёндашув талаб этиши ҳам ҳисобга олинади.

3450302-“Гидромелиоратив машина ва жиҳозларидан фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш механиги” касби ихтисосликлари бўйича таълим олаётган бўлажак техник-механиклар, таъмирловчи-чилангар, мелоратив техникалари операторлари, кенг профилли тракторчилар, ҳайдовчилар техник-электрикларга қўйиладиган малакавий талаблар қуйидагиларни ўз ичига қамраб олади:

– касбий компетентлик – битирувчининг назарий билими ва амалий тайёргарлиги бирлиги, унинг тайёрлов йўналиши ёки ихтисослик бўйича таълим стандартлари билан белгиланадиган касбий фаолият турларини амалга ошириш қобилияти;

– коммуникатив тайёргарлиги – ўз она тилидаги адабий, ёзма ва оғзаки нутқ маданиятини эгаллаш, шунингдек дунёда кенг тарқалган хорижий тиллардан бирини минумим даражада билиш; техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш кўникмаси, гидромелиоратив машина ва жиҳозларидан фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш, компьютер, ахборот ва алоқа воситалари, телекоммуникация тармоқлари ва замонавий технологиялардан фойдаланиш кўникмаси; мулоқот психологияси ва этикасини билиш; гуруҳлар ёки жамоани бошқариш кўникмасини эгаллаш;

– касбий масалаларни ечишга ижодий ёндашиш қобилиятини, ностандарт шароитларда йўналиш ола билиш ва иш режаси-

ни ишлаб чиқа олиш кўникмасини, иш режасини амалга оширишга тайёргарликни ва унинг бажарилиши учун масъулият ҳиссини ривожлантириш;

– ўз касбига барқарор, онгли, ижобий муносабатни шакллантириш, камол топишга доимий интилиш;

– ишлаб чиқаришни техник-иқтисодий таҳлил этиш методларини, шунингдек ишлаб чиқаришнинг экологик таъминотини ва атроф-муҳитнинг муҳандислик ҳимояси методларини эгаллаш;

– моделлаштириш, прогнозлаштириш, лойиҳалаштириш методларини, шунингдек интеллектуал кадриятлар ва моддий маҳсулотларни яратиш учун зарур бўлган тадқиқот ва синов методларини эгаллаш;

– фан ва техника ривожланишининг асосий йўналишлари ва тенденцияларини тушуниш.

Касбий ривожланиш – бу шундай жараёнки, бу жараёнда мутахассис ўзининг касбий кўникма ва малакалари сифати даражасини доимо ошириб боради ва улардан бутун ҳаёти давомида самарали фойдаланади. Бошқача айтганда, мутахассис учун касбий маҳоратини атиги бир марта юксак даражада оширишнинг ўзи етарли эмас. Мутахассис доимо ўз касбининг устаси (профессional) бўлиб қолиши учун ўзини ўзи узлуксиз равишда касбий ривожлантириб бориши керак.

Касбий ривожланиш – бу мутахассиснинг янги касбий кўникма ва малакаларни ўзлаштириши, шунингдек бутун меҳнат фаолияти давомида касбий вазифасини бажариш учун зарур бўладиган билимларни мунтазам равишда мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, касбий аҳамиятга эга шахсий сифатларини ривожлантиришидир.

Касбий кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришни мажбурий ёки расмий равишда амалга ошириш ярамайди, уни ҳар бир ўқувчи ёки шахснинг ҳаёт тарзига, фойдали одатига айлантириши лозим.

Касбий кўникмаларни мустақил ривожлантириш бўлажак мутахассислардан онгли, мақсадга йўналтирилган фаол таълимни талаб этади. Бундай таълим ўқитишнинг бошқа шаклларида шу билан фарқ қиладики, у юқоридан берилган буйруқ, кўрсатма асосида амалга оширилмайди. Ўз фаолиятининг қайси йўна-

лиши бўйича касбий кўникмаларни ривожлантириш зарурлигини, қандай усуллар асосида билим-ахборот олиши ва қай тарзда уларни ўзлаштириш масаласини таълим олувчининг ўзи мустақил ҳал этади. Шу боис бўлажак мутахассисларни мустақил равишда касбий кўникмаларини ривожлантиришга тайёрлаш муҳим ижтимоий-педагогик аҳамиятга эга. Касбий кўникмаларни ривожлантиришнинг уч йўналиши мавжуд.

Биринчи йўналиш – бўлажак мутахассисда ҳали етарлича шаклланмаган, аммо унга келгусидаги иш-фаолиятида жуда зарур бўладиган касбий кўникма ва сифатларни шакллантириш ҳамда ривожлантириш. Бу ишда унга маслаҳатчилар, ўқитувчи ва тренерларнинг ёрдами керак бўлади. Уларнинг ёрдамисиз бу масалани у мустақил ҳал эта олмайди. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ўзини ўзи касбий ривожлантиришнинг ушбу йўналишида яратилган етарлича ташкилий шарт-шароитлар анча самарали натижалар бериши мумкин.

Иккинчи йўналиш – бўлажак мутахассисда шаклланган дастлабки касбий кўникмалар ва ижобий шахсий сифатларни янада ривожлантириш. Улар мақсадга йўналтирилган ҳолда такомиллаштирилиши лозим. Акс ҳолда самара бермаслиги мумкин. Бу ишни ўқитувчи ва маслаҳатчиларнинг ёрдамларсиз ҳам муваффақиятли амалга оширса бўлади. Бунга касбий фаолиятга оид турли амалий топшириқларни бажариш орқали эришилади.

Учинчи йўналиш – бўлажак мутахассисларнинг ўқув ва амалий фаолияти самарадорлигини пасайтирувчи ёки касбий ривожланишга ҳалакит берувчи камчилик ва чекланишларни бартараф этиш. Камчиликларни бартараф этишда бўлажак мутахассисларга педагоглар, тренерлар ва маслаҳатчиларнинг ёрдами зарур бўлади.

Бўлажак мутахассисларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган учта йўналиш бўйича мустақил ишлашлари учун улар баъзи ресурсларга ҳам эга бўлишлари керак.

Биринчиси – бу касбий кўникмаларни ривожлантириш учун ажратиладиган вақт.

Иккинчиси – ахборот ва билимлар манбалари.

Учинчиси – касбий фаолият ёки ишлаб чиқариш шарт-шароитларининг методик таъминоти, яъни тадбирлар тизими,

бўлажак мутахассис ўзининг касбий кўникмаларини ривожланиши учун фойдаланадиган ўқув-машқлар технологияси ва таълимий дастурлардир.

Бу ерда гап ҳамма учун мажбурий бўлган таълимий тадбирлар ёки касбий кўникмани шакллантириш курси ҳақида эмас, балки касбий кўникмаларни ривожлантиришга мўлжалланган дастурлар тўғрисида кетмоқда. Ўзининг касбий кўникмаларини ривожлантиришдан манфаатдор ҳар қандай бўлажак мутахассис тақдим этилган дастурлардан фақат ўзи учун керакли ва фойдалиларини танлайди. Шубҳасиз, улар унинг келгусидаги эҳтиёжи ва касбий ривожланиши йўналишларига мувофиқ бўлиши лозим.

Бўлажак мутахассисда касбий кўникмаларни ривожлантиришдан ташкилот, ишлаб чиқариш корхонаси, шу жумладан, улар таълим олаётган таълим муассасаси манфаатдор бўлмоғи лозим. Бўлажак мутахассисда касбий кўникмаларни ривожлантириш ташкилот ва таълим муассасаси, қолаверса, бутун тизимнинг ривожланиши учун хизмат қилади. Бунинг учун эса, касбий кўникмаларни ривожлантириш бўйича индивидуал таълим дастурлари илмий-методик асосда ишлаб чиқилиши зарур. Ана шундагина коллеж ўқувчисида касбий кўникмаларни ривожлантиришда самарали натижаларга эришилади.

1.2. Ривожлантирувчи таълимнинг умумий методик тамойиллари

Ривожлантирувчи таълим ўқитиш назарияси ва амалиётидаги муҳим йўналишлардан бири. Ривожлантирувчи таълим дейилганида ўқитишни шундай тарзда ташкил этиш тушуниладики, бунда ўқув жараёни мазмуни, ўқитиш метод ва шакллари ўқувчини ҳар томонлама ривожлантиришга йўналтирилади. Энг аввало, ривожлантирувчи таълимнинг муҳим фарқли жиҳатлари ҳақида тўхталиб ўтмоқ лозим. Ривожлантирувчи таълим ҳам ахборот-репродуктив таълимдаги сингари учта асосий педагогик вазифа, яъни ўқитиш(билим бериш), ривожлантириш ва тарбиялаш вазифалари орқали амалга оширилади. Бу вазифалар ҳар бир дарсда мавзунини ўрганишда жорий этилиши мумкин.

Аммо ривожлантирувчи таълим ахборот-репродуктив (факат маълумотлар бериш, куруқ ёдлаш, тайёр билимларни ўзлаштиришга асосланган) таълимдан фарқ қилади. Ривожлантирувчи таълимда: а) *таълимий вазифа* (ўқитиш, билим бериш вазифаси) ахборот-репродуктив тизимдаги каби тайёр маълумот-материалларни куруқ ёдлашни эмас, балки назарий тушунчалар(қонуниятлар, қонунлар, назариялар)ни ва амалий кўникмаларни пухта эгаллашни назарда тутати. Улар муҳим белгиларига кўра ўқув ахборотидан алоҳида ажратиб ўрганилади; б) *ривожлантириш вазифаси* илмий ижодкорлик методларини ўзлаштириш учун ўқув фаолиятининг барча босқичларида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятига устуворлик беришни назарда тутати; в) *тарбиялаш вазифаси* ўқувчиларда ижтимоий ижодкорликнинг асосий технологиялари (ёки уларнинг айрим амаллари)ни мустақил қўллаш кўникмаларини ривожлантиришни назарда тутати. Бу эса ўқитувчи ва ўқувчиларнинг изчил мулоқоти ва ҳамкорлигини тақозо этади.

Ривожлантирувчи таълим тузилмаси қийинлаштирилиб бориладиган предмет масалаларидан иборат бўлиб, улар ўқувчиларда янги билим, кўникма ва малакаларни эгаллашга эҳтиёж уйғотади, ечимларнинг янги схемаларини яратиш ва фаолиятнинг янги усулларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Бунда нафақат илгари ўзлаштирилган билим ва фаолият усуллари фаоллаштирилади, балки янги фаразлар илгари сурилади, ғоялар изланади ва оригинал ечимлар ишлаб чиқилади. Бунинг натижасида ўқувчилар таълим жараёнида интеллектуал ва шахсий сифатларини, касбий кўникмаларини ривожлантириш имконига эга бўладилар. Ривожлантирувчи таълим жараёнида ўқитувчининг асосий вазифаси ўқувчиларнинг мустақил билиши ва касбий кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган ўқув фаолиятини ташкил этишдан иборат.

Таълимнинг ривожлантириш вазифаси ўқувчиларни ижодий тасаввурларини, фикрлаши, хотираси, нутки, амалий касбий кўникмаларини бойтишга қаратилган турли фаолиятларга жалб этиш орқали амалга оширилади. Ўқитувчи ўқувчиларни турли амалий ўқув фаолиятига жалб этиб, уларнинг билим ва кўникмаларини янада ривожлантиради. Ривожлантирувчи таълимдаги энг асосий масалалардан бири – бу ўқувчининг ўқув-билиш фао-

лиятини ривожлантиришдир. Ривожлантирувчи таълимда ўқувчи нафақат муайян билим ва кўникмаларни ўзлаштиради, балки ўзининг ўқув фаолиятини бошқариш усуллари ҳам эгаллайди.

Ривожлантирувчи таълимга қатор умумий талаблар қўйилади. Улардан энг муҳимлари қуйидагилар ҳисобланади: мақсадга йўналганлик, мотивация, амалий йўналганлик, ўқитишнинг босқичма-босқич амалга оширилиши, шунингдек қайтар алоқанинг мавжудлиги.

Таълимнинг мақсадга йўналганлиги ўқитиш мақсадини аниқ тасаввур этишни назарда тутади.

Таълим мотивацияси турлича бўлиши мумкин: янги билим ва кўникмаларни эгаллашга қизиқиш; келгусида ўзи эгаллаган касб бўйича ишлашга интилиш; бошқалар билан мулоқотга киришиш истаги ва бошқалар.

Таълимнинг амалий йўналганлиги. Ишлаб чиқариш таълими, энг аввало, аниқ корхона ёки ташкилотда муайян амалий ишларни бажариш учун зарур бўладиган билим ва кўникмаларни эгаллашга йўналтирилади.

Ўқитишнинг босқичма-босқич амалга оширилиши дастурнинг изчиллигини ва таълимни комплекс амалга оширишни назарда тутади.

Қайтар алоқанинг мавжудлиги. Бу тамоийлнинг моҳияти шундан иборатки, таълим натижаси унинг мақсадларига мувофиқ келиши лозим. Таълим самарадорлиги ўқитиш мақсадига эришиш натижасига ёараб баҳоланади.

Ўқиш жараёнида ўқувчиларни доимий равишда ақлий жиҳатдан ривожлантириш ва тарбиялаб бориш лозим. Бунинг учун, энг аввало, ўқитувчи ўқувчиларнинг ривожланиш даражасини қайд этишни ўрганиши зарур. Агар ўқувчилар олдида аниқ мақсад қўйилса ва билимларни мустақил ўзлаштириш зарурати туғилса, уларнинг ақлий жиҳатдан ривожланиши анча муваффақиятли бўлади. Ўқувчи муайян вазифани амалга ошириш учун фикрлайди, изланади. Бу иш бир неча амалларни ўз ичига камраб олади. У кузатади, таҳлил қилади, ўқув масалаларини ечиш учун маълум қоидаларни қўллайди. Шунинг учун, ўқитувчи ўқувчини чуқур фикрлашга ўргатиши керак. Таълимнинг ривожлантириш вазифаси ана шундан иборат. Таълим ҳам, тарбия ҳам ўқувчи шахсини ривожлантиришга хизмат қилади.

Шу боис, таълимнинг ривожлантириш вазифаси ҳақида сўз юритишга зарурат йўқдек туюлади. Аммо амалиёт кўрсатадики, ўқитиш жараёнида таълимнинг ривожлантириш вазифасини муваффақиятли равишда амалга ошириш мумкин. Бунда таълимнинг махсус ривожлантирувчи йўналиши шакллантирилади. Ўқувчилар сенсор қабул қилиш, ҳаракат, интеллектуал, иродавий, эмоционал, мотивацион ва касбий кўникаларини ривожлантиришга қаратилган фаолият турларига жалб этилади. Ана шунга боғлиқ ҳолда, ўтган асрнинг олтинчи йилларида педагогикада «ривожлантирувчи таълим» атамаси пайдо бўлди. Ривожлантирувчи таълим ўқувчиларда нафақат билим ва махсус кўникмаларни, балки шу билан бирга уларни умумий ривожлантиришни ва бу борада махсус чора-тадбирлар ишлаб чиқишни назарда тутади.

Л.В.Занковнинг эътирофича[14], таълим жараёнида ўқувчиларнинг ижодий фикрлашини жадал ривожлантириш учун ўқитишни қийинлик даражаси ортиб борадиган тартибда ташкил этиш, ўқувчиларнинг ўз ўқув фаолияти мазмунини англаб етишини таъминлаш зарур. Шу билан бирга, ўқувчида «фикрлаш» ёки «касбий кўникмаларни ривожлантириш» тушунчасини “шакллантириш” тушунчаси билан тенглаштириб бўлмайди⁵.

Ривожланиш шахснинг барча соҳаларини қамраб олади. Ва шунинг учун ҳам, ҳозирги замон дидактикасида таълимнинг ривожлантирувчи таъсирини кенгайтириш йўллари изланмоқда. Таълимнинг ривожлантириш вазифасининг ўзига хослиги шундаки, у мустақил равишда мавжуд бўла олмайди, балки ўқитиш (билим бериш) ва тарбиялаш вазифаларининг натижаси ҳисобланади. Ўқувчининг ривожланиши ўқитиш жараёнида таълимий ва тарбиявий вазифаларнинг қанчалик даражада муваффақиятли жорий этилганлигига боғлиқ. Таълимнинг бу уч вазифасини ўқув жараёни оқида «бир-бирлари билан кесишмайдиган уч параллел чизиқ» тарзида тасаввур этиб бўлмайди. Улар бир-бири билан қўшилиб кетади ва ўзаро узвий боғлиқ бўлади: бири иккинчисидан олдин амалга ошиб, бошқаси учун сабаб бўлиши, учинчиси унинг оқибати бўлиб, айтилиш вақтида биринчи сабабни фаоллаштириши мумкин. Ўқитиш (билим бериш) ва

⁵ Занков Л. В. Избр. пед. Труды. –М., 1990. С. 102-115.

тарбиялаш вазифаларининг бирлиги таълимнинг ривожлантириш вазифасининг асосини ташкил этади. Ривожлантириш вазифаси таълимий ва тарбиявий вазифаларни жадаллаштиради. Таълимнинг вазифалари диалектик характерга эга.

Россиялик олим В. В. Давидов[11] психологиянинг муҳим қонунларидан бирини таърифлаб берган. Унинг эътироф этишича, таълим ривожланишга олиб келади. Шахс таълим мазмуни туфайли ривожланади. Билим олиш фаолият ҳисобланади. Ўқув фаолиятининг асосини мулоқот ва ҳамкорлик ташкил этади⁶.

Биз ўқувчиларда касбий кўникмаларни ва ижодкорлик қобилиятини ривожлантириш ҳолатини ўрганиш мақсадида сўнгги йилларда нашр этилган бир қанча психологик-педагогик ва ўқув адабиётларини таҳлил қилиб чиқдик. Уларда асосан ўқувчиларга билим бериш методикаси ва уларни касбий фаолиятга тайёрлаш машқлари ҳақида сўз юритилган. Ҳолбуки касбий кўникмалар ва ижодкорлик қобилиятининг ривожланиши бевосита амалий фаолият билан узвий боғлиқ. Шу боис, энг аввало, касбий кўникмаларни ва ижодкорлик қобилиятини ривожлантириш йўллари ҳақида сўз юритмоқ лозим.

Ижодкорлик қобилияти ва касбий кўникмаларни ривожлантиришда нафақат ўқувчиларнинг фикрлаш хусусиятлари(янгилик излаш, бирданига топиш, фаҳмлаш, сезгирлик ва ҳоказолар)га, шунингдек ички омиллар(қизиқиш, ҳавас, ишқибозлик, ирода, мақсадга интилиш, яратувчанлик қувончи, руҳланиш) га ҳам эътибор қаратилиши лозим. Бундан келиб чиқадики, бутун узлуксиз таълим жараёнида, яъни мактаб, коллеж ва олий таълим муассасаларида таълим олувчиларда касбий кўникмаларни ва ижодкорлигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бу малакали ва ижодкор мутахассислар тайёрлаш омилларидан биридир.

Касбий кўникмалар ва ижодкорлик амалий фаолияти, узлуксиз меҳнатни тақозо этади. Ижодкорлик фаолияти натижаси – янгиликдир. Аммо янгилик яратиш ҳар кимнинг қўлидан келар-вермайди. Биз қуйида ижодкорлик фаолияти маҳсулининг янгилиги даражалари, ижодкорлик, ривожланиш ва таълимнинг ўзаро бирлиги ҳақида сўз юритамиз.

⁶ Давидов В. В. Проблемы развивающего обучения – М.: Директ-Медиа, 2008. – 613 с.

XX асрнинг 40-йилларида рус олими Генрих Саулович Альтшуллер (1926-1998) «Техника соҳасида маълум мақсад асосида янги ихтироларни қандай яратиш мумкин?» деган саволга жавоб излайди. Шуни таъкидлаш жоизки, ўша даврга қадар техника соҳасидаги деярли барча ихтиролар, шунингдек фан ва санъат соҳасидаги кашфиётлар синов ва хатолар методи ёрдамида яратилган. Аммо у пайтларда ижодий фаолиятнинг бирор илмий асосланган технологияси мавжуд эмас эди. Ана шу муаммони ҳал этиш мақсадида Г. С. Альтшуллер[4] техник ихтиролар патент фондини таҳлил қилади ва натижада техниканинг ривожланиш қонуниятини аниқлайди. У 60-йиллар бошида ихтирочилик масалаларини ечиш алгоритми(ИМЕА)нинг илк вариантини яратди. Ана шу вақтдан бошлаб Г. С. Альтшуллер инженерлар учун ўқув семинарларини ташкил этди. Бунда тингловчиларга техник масалаларни ечиш учун алгоритмни амалий қўллаш усули ўргатилди ва айни бир вақтда Ихтирочилик масалаларини ечиш назарияси(ИМЕН)ни такомиллаштириш устида иш олиб борилди. Кўп йиллик тадқиқот ишлари натижасида Г.С. Альтшуллер техниканинг ривожланиш қонунларини ифодалайди. Ихтирочилик масалаларини ечиш назарияси(ИМЕН) ана шу тарзда яратилган⁷.

Г. С. Альтшуллернинг давомчилари ИМЕН элементларини фанининг бошқа йўналишларида кенг қўллай бошладилар. Натижада касбий фаолиятда янги йўналишлар юзага келди: ИМЕН – педагогика, ИМЕН – бизнес, ИМЕН – санъат, ИМЕН – тиббиёт ва бошқалар. Бу соҳадаги ишлар муҳим ижодий натижалар берди. Улар кўплаб илмий мақолаларда акс этган. Ҳозирги вақтда ИМЕН бутун дунёда мувафакқиятли равишда ривожланмоқда ва ҳатто Халқаро ИМЕН уюшмаси ташкил этилган. ИМЕН элементларининг педагогикада қўлланилиши натижасида «ривожлантирувчи таълим тизими» тушунчаси пайдо бўлди.

Ривожлантирувчи таълим тизими қуйидаги компонентларни ўз ичига олади: 1) назарий асослаш; 2) ўқув фаолияти мазмуни; 3) методология; ўқув фанларини ўқитишда қўлланиладиган методика намуналари; 4) дарсликлар, ўқув қўлланмалари, методик қўлланмалар.

⁷ Альтшуллер Г. С., Верткин И. М. Как стать гением: Жизненная стратегия творческой личности. –Минск: «Беларусь», 1994. С. 5.

Ривожлантирувчи таълимнинг кўплаб тизимлари мавжуд. Уларнинг назарий асослари, мазмуни ва методик намуналари етарли даражада пухта ишлаб чиқилган. Ривожлантирувчи таълим тизими ва бошқа тизимлар методологиясида муаммоларни ечиш, ўрганилаётган объектлар ва жараёнларни ривожлантириш учун фикрлашни фаоллаштириш методларидан фойдаланилади.

Шуни эслатиб ўтиш лозимки, ривожлантирувчи таълим ўқувчиларни тизимли ўқитишдан иборат. Ижодкорликка ўргатиш ўқувчиларни ижодий фаолият методлари ва технологиялари билан таништиришни талаб этади. Муаммоларни ечиш ва тизимларни ривожлантириш методлари энг муҳим ҳисобланади. Муаммоларни ечиш ва тизимларни ривожлантиришнинг илмий асосланган методлари бугунги кунда ривожлантирувчи таълим тизимида етишмайди. Бирок улар учун ИМЕН ишлаб чиқилган. Шунинг учун ҳам, ривожлантирувчи таълимда айнан ИМЕНни қўллаш мақсадга мувофиқ.

Ривожлантирувчи таълим жараёнида ўқувчиларга қийинлик даражаси ортиб боровчи турли ижодий топшириқлар берилади. Бунда фаолият маҳсулининг ижодий янгилигини баҳолаш учун ижодий янгилик даражаларидан фойдаланиш мумкин. Фаолият маҳсулининг ижодий янгилиги даражаларини Г. С. Альтшуллер «ихтирочилик масалаларини ечиш назарияси» доирасида ишлаб чиққан. Олимнинг эътироф этишича, фаолият маҳсулининг ижодий янгилиги даражалари қуйидагилардан иборат[4]:

1-даража – *ўхшаш қисм(элемент)ларни алмаштириш*: тизимда тузилиши ва бажарадиган вазифаларига кўра айнан бир хил бўлган битта ёки бир нечта (ўхшаш) қисмларни алмаштириш. Бундай ижод жуда оддий ижодкорлик бўлиб, субъектив янгилик ҳисобланади, унда объектив янгилик бўлмайди. Ўз мазмун-моҳиятига кўра, бу иш нусха кўчириш, холос. Шуни таъкидлаш жоизки, ҳақиқий ижод ҳамиша нусха кўчиришдан бошланади. Масалан, бирор машина, жиҳоз ёки тақсимлагичнинг бир деталини бошқа машина, жиҳоз ёки тақсимлагичнинг деталига алмаштириш(тузилиши жиҳатидан ва бажарадиган функциясига кўра айнан ўхшаш бўлган детални алмаштириш); бирор касбий масала ёки топширқларнинг мазмунини ўзгартирмасдан бажариш усулларига ўзгартиришлар киритиш, касбий вазифалар амалга ошириладиган жойларни ўзига хос тарзда тав-

сифлаш; айни бир касбий фаолият турини ҳар хил усул ва шаклларда амалга ошириш.

2-даража – бир-бирига мос элементларни(гомологик) алмаштириш: тизимда тузилиши жиҳатидан фарқ қилувчи, аммо айни бир хил вазифани бажарувчи бир ёки бир неча қисмни алмаштириш. Бу даражадаги ижодкорликда элементнинг фақат айрим деталлари ўзгартирилади ва у объектив янгилик ҳисобланади. Масалан, трактор ғидираги болти ёки касбий фаолиятда қўлланиладиган асбоб-ускуналар дастасининг шаклини, касбий фаолият амалга ошириладиган хоналардаги жиҳозлар жойлашишини ўзгартириш; янги материалдан буюм, детал тайёрлаш; техник хизмат кўрсатиш воситаларини бошқаси билан алмаштириш; иш фаолияти жойини бошқача тасвирлаш, безаш.

3-даража – тизимга янги элемент киритиш: бунда тизимнинг ўзи ўзгартирилмайди, балки унга янги элемент киритилади. Бу даражадаги ижодкорлик объектив янгилиги билан характерланади – тизимда илгари мавжуд бўлмаган янги элемент яратилади. Масалан, трактор, эксковатор, машиналар янги деталлар яратиш; касбий фаолиятда ишлатиладиган янги асбоб-ускуналар ясаш; янги деталлар яратиш; касбий фаолиятга янги йўналишлар киритиш; меҳнат усулларини ўзгартириш.

4-даража – тизимли янгилик: аввалдан маълум бўлган ёки мутлақо янги элементлардан тизим яратиш; масалан, жиҳозлар, мосламалар, трактор ва машиналарнинг янгича моделларини ясаш. Бу даражадаги ижодкорликнинг энг асосий шarti – илгари мавжуд бўлмаган объектив янги тизим яратиш.

5-даража – кашфиёт қилиш (янгилик яратиш): янги йўналишда тизим яратиш. Бу – ижодий фаолиятнинг юқори даражаси. Масалан, К.Э.Циалковскийнинг фазони ўзлаштириш назариясини яратиши, М.Улуғбекнинг юлдузлар хариталарини тузиши; радио ва телеалоқалар тамойилларининг яратилиши; Г.С. Альтшуллер томонидан ихтирочилик масалаларини ечиш назариясининг ишлаб чиқилиши(бу назария янги ихтироларни ва шахсни ривожлантириш назариясини яратишга имкон берди, унинг ёрдамида нафақат ижодкорни тарбиялаш жараёнини, балки шахснинг ҳаётий карьерасини лойиҳалаш мумкин); янги озиқ-овқат турларини, дорилар ва шифобахш шарбатларни яратиш; адабиёт соҳасида янги йўналиш – фантастиканинг шакл-

ланиши; таълимда замонавий педагогик технологиялар ва ривожлантирувчи таълим назарияси.

Ўтган асрнинг охириги йилларида йилларида машҳур рус психологи В. В. Давидовнинг «Ривожлантирувчи таълим назарияси» [12] номли тўплами нашр этилган эди. Унда олим ўша пайтларда шаклланган ривожланиш ва таълимнинг ўзаро муносабати ҳақидаги назарияларни таҳлил этади. Биринчи назарияга кўра, ривожланиш таълим билан боғлиқ эмас ва у ўз қонунлари бўйича амалга оширилади⁸.

Иккинчи назарияга кўра, таълим – бу ривожланиш, ҳар қандай таълим ривожлантирувчидир.

Учинчи назария эса, юқоридаги икки назариянинг бирга қўшилишидан юзага келган бўлиб, унга кўра ривожланиш таълимга тайёрлайди, таълим эса ривожланишга имкон беради. Ушбу назарияларни таҳлил этиш асосида В. В. Довидов таълим ва ривожланишнинг ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги ўз фаразини илгари суради. Унинг фикрича, таълим «яқин ривожланиш зонаси»ни яратади. «Яқин ривожланиш зонаси» кўра, ўқувчи катта ёшдагилар ва ўз ўртоқлари билан ўзаро мулоқотга киришиши натижасида психик жиҳатдан ривожланади. Бу «яқин ривожланиш зонаси»да ўқувчи ўқув фаолиятининг янги метод ва шакллари, энг аввало, ижодий фаолият методларини ўзлаштиради. Уларни ўзлаштириш эса ўқувчининг фикрлаши, нутқи, тасаввури, кўникмалари ва бошқа психик функцияларининг ривожланишини таъминлайди. Таълимнинг асосий вазифалари амалиёт орқали жорий этилади[12].

Таълим, ижодкорлик ва ривожланишнинг боғлиқлиги муаммосини қараб ўтишда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим: ўқувчининг шахси ва касбий кўникмаларини ривожлантириш ва уни ижодий ёндашувларга ўргатиш анча мураккаб инволюцион-эволюцион жараён бўлиб, унинг натижасида ҳулқ-атвори, шахси, фаолияти ва ақл-идрокида прогрессив ўзгаришлар юз беради. Жамият тараққиёти бўлажак мутахассислар шахси, касбий кўникмалари, ижодкорлиги ва ахлокий имкониятларини ривожлантиришга мутлақо янгича ёндашувларни тақозо этмоқда. Бу эса таълимда истиқболли йўналишларни белгилаш ва янги стратегияларни ишлаб чиқишни талаб қилади.

⁸ Давидов В. В. Теория развивающего обучения. – М.: Академия, 2004. – 288 с.

1.3. Ўқувчиларда касбий кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришнинг психологик-педагогик асослари

Психологик ва педагогик адабиётларда “билим”, “кўникма”, “малака” тушунчалар турлича ва батафсил талқин қилинган: кўникма муайян билимлар йиғиндиси, бирор нарсани ўрганганлик, малакалар; таълим олишнинг асосий якуний натижаси- (бу айнан шахсга йўналтирилган) таълимнинг ўзлаштирилган ва ижтимоий хусусиятини ифодалайди; ишни бажаришнинг тўғри усуллари танлаш ва қўллаш ҳамда маълум шароитларни ҳисобга олиб, иш-ҳаракат ёки анча мураккаб фаолиятни муваффақиятли амалга ошириш; қўйилган масалани ҳал қилиш учун ишни бажаришга тайёрлик; ўзлаштирилган билим ва кўникмаларни амалий қўллаш орқали иш фаолиятини бажариш усули; субъектнинг мақсад ва шарт-шароитларга мувофиқ равишда иш-фаолиятини бажариш имконияти; шахснинг ўзгарувчан шароитларда фаолияти мақсадларига эришишини таъминловчи ҳиссий, интеллектуал, иродавий, ижодий, эмоционал сифатларини ўз ичига оловчи мураккаб тизимли таълим натижаси; кўникма бу – ўзгарувчан шароитларда олинган билимлар асосида у ёки бу фаолиятни амалга ошириш қобилияти. кўникма – фаолият элементини самарали бажариш имконияти; кўникма бу – фаолият элементларини бажариш усуллари, бироқ малакалардан фарқли ўлароқ, улар албатта машқ қилишни назарда тутмайди; кўникма – фаолиятни амалга оширишда қўлланиладиган билим; кўникма – маълум ҳулосага келингандан кейин бажариладиган фаолият тури; кўникма – инсоннинг бирор ишни янги шароитларда бажариш қобилияти; кўникма – психик ва амалий фаолиятнинг мураккаб тизимини эгалаш; кўникма бу – билимлардан кейин келадиган оддий фаолият, шунингдек, кўникма маҳорат (усталик) маъносини ҳам англатади [12; 15].

Келтириб ўтилган таърифлардан маълум бўладики, кўникманинг асосини билим ташкил этади. Билим – ҳар қандай фаолиятнинг назарий базаси. Инсон нимани билса, ўшани қила олади ва аксинча, нимани қила олса, удалай олса, ўшани билди. Кўникма мутахассиснинг касбий билимларни қанчалик даражада ўзлаштирганини намоён этади. У ўзининг амалий фаолияти жараёнида кўникмаларини намоён эта олмас экан, унда

кўникмалар мавжудлиги, бинобарин, билимларнинг шаклланганлиги ҳақида гапириш ўринсиздир.

О. В. Цаплиннинг нуктаи назарича[24], «уддалай олиш» дегани, жуда умумий маънода қараганда, инсоннинг ўз эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда турли вазиятларда мустақил йўналиш ола билиш, янги зарурий билимларни эгаллаш, объектив қонунлар ҳамда мавжуд ҳолатларга мувофиқ равишда фаолият мақсадини тўғри белгилаш ва унга эришишга қодирлигини билдиради⁹. Бу таърифни «касбий кўникма» тушунчасига оид деб ҳисоблаш мумкин. Касбий кўникма касбий компетентлик тузилмасига киради.

Касбий компетентлик – бу умумий таълим базасида шаклланидиган ва шахс учун касбий аҳамиятга эга сифатлар йиғиндиси. У тажриба, назарий билимлар, амалий кўникмалар ва шахсий аҳамиятга эга сифатлар интеграцияси асосида шаклланган мураккаб индивидуал-психологик тузилма сифатида талқин этилади. Касбий компетентлик инсоннинг аниқ меҳнат фаолияти турида ўзини тўла намоён этишига имкон беради. Бошқача айтганда, касбий компетентлик инсоннинг касбий фаолиятга фаол киришишини белгилайди.

Коллеж ўқувчиларида касбий кўникмаларнинг ривожланганлиги даражаси унинг компетентлигини белгилайди ва меҳнат бозорида рақобатбардошлигини таъминлайди. Касбий кўникмаларнинг маълум даражада ривожланганлиги касб-хунар таълими муассасаси ўқувчисининг тайёргарлиги сифати, кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади ва у, ўз навбатида, таълим жараёни сифати билан белгиланади. Бизнинг нуктаи назаримизча, касбий кўникмаларнинг ривожланганлиги кўшимча кўрсаткич эмас, балки таълим жараёни самарадорлигининг асосий кўрсаткичи ҳисобланади, бу ҳол эса ўқувчиларни амалий касбий тайёрлашни қучайтириш зарурлигини кўрсатади.

Бизнинг нуктаи назаримизча, «касбий кўникма» тушунчасини дастлаб инсоннинг касбий фаолиятни у ёки бу даражада бажара олиш қобилиятини белгилаб берувчи махсус билимлар, касбий фаолият тўғрисидаги тасаввурлар сифатида талқин қилиш мумкин.

⁹Цаплин О. В. Формирование профессиональных умений у студентов колледжа. Современное общество: территория посмодрена: Сб. науч. трудов. – Саратов: СГТУ, 2005. – 60-65.

Т.В. Кудрявцев[17] касбий кўникмаларнинг ўзига хос хусусиятларини алоҳида қайд этиб ўтади: биринчидан, уларнинг ўзига хос ишлаб чиқариш масалаларини ечишга йўналганлиги; иккинчидан, ечимларнинг кўп вариантлилиги ва афзал вариант-ни танлаш имконияти мавжудлиги; учинчидан, назарий-амалий хусусиятга эгаллиги, ақлий ва амалий фаолиятларнинг узвий бирлиги ва ўзаро таъсирлашиши билан изоҳланади¹⁰.

Э.Ф.Зеер[15] касбий кўникмаларга хос бўлган хусусиятларни кўрсатиб берган: ҳаракатларнинг жуда аниқ ва тез бажарилиши; барқарорлик – тўқинлик қилувчи ҳолатларга қарамай, иш-ҳаракатларнинг аниқлиги ва суръатини сақлаб қолиш қобилияти; мослашувчанлик – ўзгарувчан шароитларда ишни бажаришга оқилона ва ижодий ёндашиш, у ёки бу аниқ ҳолатларда энг самарали ҳисобланган усуллар ёрдамида ишни амалга ошириш қобилияти; мустаҳкамлик – кўникмаларнинг узоқ вақт қўллан-маслигига қарамай, уларнинг узоқ вақт сақланиб қолиши¹¹.

Агар инсон фаолияти давомида мавжуд кўникмасига янги кўникмалар қўшилса ёки дастлабки кўникмалари билан боғлиқ бўлган қатор янги кўникмалари ривожланса, у ҳолда мураккаб (аралаш) кўникмаларнинг ҳосил бўлгани ҳақида гапириш мумкин. Масалан, станокда детал яшаш жараёнида қатор кўникма ва малакалар тақозо этилади. Хусусан, болванкани танлаш ва мустаҳкамлаш, резц очиш, станокни ишга тушириш, деталларни йўниш билан боғлиқ кўникмалар. Шу боис, бизнинг нуктаи назаримизча, касбий кўникмани аралаш кўникмалар сифатида қараш мумкин.

Юқорида айтиб ўтилганларга асосланиб, касбий кўникма турли фаолият элементлари тизимидан иборат бўлиб, фаолият натижаси уларнинг бир-бирига мувофиқлигига боғлиқ, деб ҳисоблашимиз мумкин. Касбий кўникма тушунчасини бу тарзда талқин қилиб, айтиш мумкинки, у турли кўникмаларнинг яхлит узвий синтезидан иборат анча мураккаб тузилмадир. Касбий кўникмалар тузилмаси ўз *ичига амалий кўникмалар, интел-лектуал кўникмалар* (ёки билиш) ва *коммуникатив кўникма-ларни* камраб олади.

¹⁰ Кудрявцев Т. В. Психология технического мышления. Учебное пособие. – М.: Педагогика. 2005.-304 с.

¹¹ Зеер Э. Психология профессионального образования: Учебное пособие для студентов, аспирантов, педагогов. – М.: 2006. – 480 б.

Интеллектуал кўникмаларни ўқув ёки касбий фаолият жараёнида муаммоли вазиятларни тезкор ҳал қилишда, турли масалаларни қўйиш ва ечишда эгаллаган билим ва кўникмаларини қўллаб, фикрий амалларни муваффақиятли амалга ошириш кўникмалари сифатида тушуниш мумкин. Шубҳасиз, ушбу кўникмалар касбий фаолиятнинг ўзига хос назарий асосидир, бироқ унинг амалий асоси биринчи навбатда умуммехнат кўникмалари ҳамда махсус ишлаб чиқариш-технологик кўникмаларидан иборат эканлиги олимлар томонидан эътироф этилмаган.


З.А.Решетова[20] касбий фаолиятда намоён бўладиган барча кўникмаларни жуда оқилона тарзда бирлаштирган, уларни ривожланиш даврида ҳам, қўллаш даврида ҳам ҳар бир касбий кўникмага хос бўлган фаолият турлари бўйича тақсимлаган: фаолиятнинг йўналтирувчи асоси ва уни бевосита ижро этиш фаолияти. Муаллиф фикрича, йўналтирувчи фаолият шакли, мазмуни ва вазифаси бўйича билиш, ижодкорлик фаолияти ҳисобланади, шунинг учун касбий кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришда ўқув-амалий ва касбий-амалий топшириқларни фарқлай билиш керак. Улар шакли, мазмуни бўйича бир хил, аммо функциялари бўйича ўхшаш эмас. Биринчи фаолият турини бажарганда йўналтирувчи асосни ташкил этиши керак бўлган билимлар эндигина ривожлана бошлайди, иккинчи тур фаолият бажарилганда улар ривожланган бўлади ва кўникманинг йўналтирувчи асоси функциясини бажаради. Ижро этиш фаолияти (амалий) фаолият йўналтирувчи билан узвий боғлиқ, улар йўналишдаги ўзгаришлар – унинг умумлаштирилиши ва уйғунлаштирилиши билан параллел равишда такомиллашиб боради, бунинг натижасида онгли назорат майдони ҳам тораяди. Ушбу босқичда кўникма малака сифатида тавсифланиши мумкин.¹²

Касбий кўникма бевосита амалий фаолият жараёнида намоён бўлади. У ҳаракатлардан ташкил топади. Фаолиятнинг йўналтирувчи асоси билиш ва умуммехнат характеридаги ҳаракатларни бирлаштиради. Ушбу ҳаракатлар кўп жиҳатдан ўқувчиларнинг махсус фанлар ва умумкасбий фанлардан олган назарий билимлари сифатига боғлиқ. Касбий кўникмалар

¹² Решетова З. А. Психологические основы профессионального образования. – М.: Из-ва Московского университета, 2001. – 207 с.

кўпроқ фанлараро характердаги билимларни талаб қилади. Бошқа ҳаракатлар (ўзига хос тарзда) ижро этиш фаолиятини таъминлайди. Бунда намуна ва норматив кўрсаткичлар бўйича хизмат кўрсатилади ва техник операциялар бажарилади. Кўрсатиб ўтилган барча ҳаракатлар бир-бири билан боғлиқ бўлиб ўзаро биргаликда мақсадга эришишни таъминлайди. Ана шундан келиб чиққан ҳолда, биз “касбий кўникма” тушунчасини таърифлаймиз.

Касбий кўникма – бу касбий-меҳнат фаолиятини энг мақбул даражада (оптимал) бажариш мақсадида маълум изчиликда амалга ошириладиган билиш, умуммеҳнат фаолияти ва махсус фаолиятлар мажмуаси. Касбий кўникма моҳияти юқорида келтирилган таърифда ўз ифодасини топган. Касбий кўникма моҳияти унинг тузилишини аниқлашга имкон беради. Бизнинг нуқтаи назаримизча, касбий кўникмани тузилмавий жиҳатидан уч хил фаолият гуруҳлари билан характерлаш мумкин. Булар: *билиш фаолиятлари* (хусусан, ақлий-ижодий фаолиятлар), *умуммеҳнат фаолиятлари* ва *махсус фаолиятлар* (ишлаб чиқариш фаолияти).



1.3.1-расм. Касбий кўникма тузилиши

Қуйида касбий кўникма тузилишини (1.3.1-расм) батафсил кўриб чиқамиз. Кўникма фаолият жараёнида амалий қўлланилади, демак, маълум мақсадга бўйсунади ва унинг махсули сифатида натижага эришиш билан якунланади. Фаолиятлар мажмуаси уч гуруҳдан ташкил топади.

Биринчи гуруҳ – билиш фаолиятлари: таҳлил этиш кўникмалари (касбий фаолият, касбий муаммолар ва вазифалар, ишлаб чиқариш-технологик жараёни таҳлил қилиш кўникмаси); таҳлил натижаларини ўрганиш ва уларни умумлаштириш асосида хулосалар чиқариш ва қонуниятлар, сабаб-оқибат боғланишлари ва боғлиқликларни аниқлаш кўникмаси.

Иккинчи гуруҳ – умуммехнат фаолиятлари: ташкил этиш кўникмалари (ишлаб чиқариш вазиятини ҳисобга олиб, ўз фаолиятини ташкил эта билиш, ўз фаолиятини режалаштириш, ўзининг имкониятлари ва атроф-муҳит ресурсларини касбий вазифани бажаришга сафарбар эта билиш); прогностик кўникмалар (касбий мақсад ва вазифаларни қўйиш, ишлаб чиқариш жараёнларининг ривожланиш вариантларини таққослаш, танланган методлар ва технологияларнинг самарадорлигини прогноз қилиш, эришилган натижалар сифатини баҳолаш кўникмаси); проектив кўникмалар (ўзининг касбий фаолиятини тактик ва стратегик режалаштириш, ишлаб чиқариш-технологик жараёни моделлаштириш, касбий масалаларни ечишга ижодий ёндашиш кўникмаси).

Учинчи гуруҳ – махсус фаолиятлар. Махсус (касбий кўникмалар) ўз навбатида уларнинг технологиклиги даражасига қараб, умуммахсус ва специфик фаолиятга ажратилади. Аниқ касбий фаолиятлар ёки кўникмаларни кўриб чиқамиз:

а) умуммахсус фаолиятлар: материаллар, технологик режимлар, жиҳозлар, мосламалар, назорат-ўлчов воситаларини танлаш учун норматив адабиётлар ва маълумотномалар ҳамда бошқа ахборот манбаларидан фойдаланиш; график, ҳисоблаш, лойиҳалаш ва бошқа ишларни бажаришда амалий дастурий таъминотдан фойдаланиб, компьютер техникасини қўллаш; меҳнат жараёнларини нормалаштириш; хом ашё, материаллар, воситалар ва энергиянинг операцион сарф-ҳаражатларини ҳисоблаш; амалдаги норматив базага мувофиқ лойиҳа-конструкторлик, технологик ва бошқа техник ҳужжатларни расмий-

лаштириш; корхона, ишлаб чиқариш участкаси (цех) фаолиятининг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоблаш, ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини баҳолаш.

б) специфик фаолиятлар: технологик жараёни ишлаб чиқиш; ишлаб чиқариш операциялари, тажриба майдонлари ва иш жойларини лойиҳалаштириш; конструкторлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш; лойиҳалаштириш ва жиҳозлар самарадорлигини текширишда ҳисоблашларни амалга ошириш; технологик мосламаларни лойиҳалаштиришга оид техник топшириқларни ишлаб чиқиш ва расмийлаштириш; турли гуруҳ ва турдаги жиҳозларни ишлатишнинг ўзига хослигини ҳисобга олиш ва созлаш услубларидан фойдаланиш; жиҳозни ишга тайёрлаш ва ундан фойдаланиш методлари, воситалари ҳамда уни созлашнинг асосий услубларини билиш; бошқарув дастурларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш; ишлаб чиқариш операцияларини бажаришнинг тўғри усулини, ишнинг асосий услубларини танлаш; транспорт воситалари, конвейерлар, механизациялаш ва автоматлаштириш воситаларини тўғри танлаш; маҳсулотларни технологик қайта ишлаш кўникмасини қўллаш ва метрологик текширишни амалга ошириш;

Бундан ташқари, касбий кўникмалар таркибида мотив тузилма компоненти сифатида алоҳида ажиратиб кўрсатилади. З.А.Решетованинг фикрича[20], касбий кўникмаларни ривожлантириш асоси кўп жиҳатдан дастлабки мотивацияга, яъни таклиф этилаётган масалага ва уни ечиш усулига қизиқишга боғлиқ бўлади¹³.

Касбий кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш ёки қўллаш жараёнининг қандай кечишини белгилаб берувчи мақсадли ва мотивацион компонентлар, фаолиятлар гуруҳи кўринишида ажратиб кўрсатилган йўналтирувчи ва ижро этиш компонентлари «натижани таҳлил қилиш ва баҳолаш» кўринишида схемада тақдим этилган назорат-коррекцион компонентлар ўзаро боғлиқ ва ягона мақсадга, яъни маълум билиш (ишлаб чиқариш) фаолияти билан белгиланган масалани ҳал қилишга қаратилган. Кўпчилик олимларнинг фаолият ёрдамида

¹³ Решетова З. А. Психологические основы профессионального образования. – М.: Из-ва Московского университета, 2001. – 207 с.

кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришга эътибор қаратишлари бежиз эмас. Қ.Т.Олимов, О.А.Абдуқуддусовлар [19] ўқитишнинг бундай усули («иш бажариб таълим олиш усули»)ни макбул ҳисоблайдилар. Чунки у нафақат билим олиш ва кўникмалар ҳақида тасаввурга эга бўлишга, балки уларни амалиётда мустаҳкамлашга ҳам имкон беради¹⁴.

Касбий кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришда ўқувчининг ўзига хос хусусиятларидан ташқари қатор индивидуал қобилиятлари ҳам катта аҳамият эга: ментал қобилиятлари (масалан, стратегик фикрлаши, ҳаракатчанлиги ва қарашларининг кенглиги, келажакни олдиндан кўра билиши); ташкилотчилик қобилиятлари (масалан, аниқ вазиятда тўғри қарор қабул қилиш, жамоа билан ишлашни билиш, қарор қабул қилиш учун одамларни бир мақсад сари йўналтира билиш); коммуникатив қобилиятлар (масалан, инсонлар билан ўзаро муносабатларда тезкор ҳаракат қилиш, перцептив кўникма ва малакалар, низоларнинг олдини олиш ва келишишни билиш), креатив қобилиятлар ва бошқалар. Айнан шунинг учун мутахассисни тайёрлаш жараёни нафақат касбий билим бериш, кўникма ва малакаларни ривожлантиришга, балки унинг шахсини ҳам ривожлантиришга йўналтирилган бўлиши керак.

Ушбу қобилиятларнинг юқори даражада ривожланганлиги, А.М.Новиков¹⁵[18], Ҳ. Ш. Қодиров¹⁶[27] фикрича, индивидга касбий фаолиятни унинг иерархик уч даражасидан исталган бирида самарали амалга оширишга имкон беради.

1) касбий фаолиятнинг операцион даражаси: бунда мутахассис фақат айрим технологик операцияларни бажаради (муҳим кўникмалар – технологияни тушуниш, англаб етиш; аниқ технологик ишни бажариш);

2) касбий фаолиятнинг тактик даражаси: бунда мутахассис ўзгарувчан шароитларда кундалик масалаларни ечиш учун

¹⁴Олимов Қ. Т. Абдуқуддусов О. А. Узокова Л. Ахмеджонов Ҳ. Жалолова Д. Касб таълими услубиёти. Тошкент, «IQTISOD-MOLIYA» 2006.

¹⁵Новикова. М. Динамика формирования трудовых умений и навыков: монография. – М.: Б. И. – 2003. – 135 с.

¹⁶ Қодиров Ҳ. Ш. Касб таълими ўқитувчиларининг билим ва кўникмаларини шакллантиришда ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш методикасини такомиллаштириш. Пед. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. 2017.

барча мавжуд воситалар ва фаолият усулларида фойдаланиб, тўла технологик жараёнларни бажаради (муҳим кўникмалар – ўзгарувчан шароитларда тез йўналиш олиш қобилияти; фаолият элементлари ва уларнинг изчиллигини тўғри ташкил этишнинг умумий алгоритмларини ўзлаштириш; фаолият элементларини режалаштириш; маълумотнома ва махсус адабиётлардан фойдаланиш кўникмалари);

3) касбий фаолиятнинг стратегик даражаси: бунда мутахассис бутун атроф-муҳит, иқтисодий, технологик, ижтимоий муносабатларга таянади, ўзи ишлайдиган муассаса ёки ташкилотнинг умумий мақсадлари билан мос ҳолда ўз фаолиятининг мақсади ва ўрнини мустақил белгилайди (муҳим кўникмалар – билиш кўникмаларининг юксак ривожланганлиги; ижодий фаолликка қобилият; фаолият жараёни ва натижаларини мустақил таҳлил қилиш; дунёқарашнинг кенглиги ва чуқурлиги; мулоқотмандликнинг юқори даражада ривожланганлиги).

Касбий фаолият сифати ва самарадорлигига талаблар ортаётган ҳозирги шароитда бўлажак мутахассисларда касбий кўникмаларни ривожлантириш, уларни амалий фаолиятга тайёрлаш катта аҳамият касб этади. Касбий кўникмалар дейилганда фаолият субъектининг шундай индивидуал сифатлари тушуниладики, улар фаолият самарадорлигига ва уни ўзлаштириш даражасига катта таъсир кўрсатади. Психологик нуқтаи назардан, касбий кўникмалар шахснинг алоҳида динамик хусусиятлари, шунингдек маълум касбий талабларга жавоб берадиган жисмоний, психик ва психомоторик хусусиятлари сифатида талқин этилади. Касбий кўникмалар тегишли касбларни муваффақият билан эгаллашга имкон беради. Улар касбий лаёқатнинг муҳим омили. Касбий кўникмалар нафақат маълум қобилиятни характерлайди, балки унинг узвий таркибий қисми ҳисобланади.

Касбий кўникмаларни ўрганишда шуни ёдда сақлаш зарурки, уларнинг айримлари туғма(табиий) ва нисбатан барқарор бўлиши(масалан, асаб тизимининг типологик хоссалари), баъзилари эса, аксинча, ривожлантириш ва машқ қилишни тақозо этади (кўплаб психик сифатлар). Шу боис, бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашда уларни шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган машқлар ўтказилиши мақсадга мувофиқ. Бундай машқларни касбий кўникмаларнинг

ривожланиш даражаси паст, аммо касбий фаолиятни эгаллаш учун мотивация кучли бўлган ҳолларда ўтказиш фойдадан холи бўлмайди. Ишлаб чиқариш жараёнида бўлажак мутахассисда касбий кўникмалар ривожланмаса, бу ҳол унда айни фаолият тури учун касбий лаёқатнинг йўқлигини билдиради. Эҳтимол, у бошқа фаолият соҳасида жуда яхши мутахассис бўлиши мумкин. Шуни таъкидлаш жоизки, касбий кўникмаларнинг шаклланганлиги ва ривожланганлиги даражалари ўзаро бир-бирига боғлиқ. Ҳар бир аввалги даражаси кейингисига, яъни юқори даражага нисбатан кириш (пропедевтик) ҳисобланади. Бир даражадан иккинчисига ўтишда касбий кўникма таркибида сифат-микдори ўзгаришлари содир бўлади.

1.4. Ўқувчиларда касбий кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари

Педагогик шарт-шароитлар аниқ бир натижага эришиш мақсадида педагог томонидан у ёки бу даражада онгли равишда лойиҳаланган педагог жараёнининг боришига таъсир кўрсатувчи ташки шарт-шароитдир. Бундан кўринадики, индивиднинг психикасини, кўникма ва малакаларини ривожлантириш учун муҳим бўлган педагогик шарт-шароитларни олдиндан лойиҳалаш зарур.

Н.Иппалитова, Н.Стерхова[16] фикрича, педагогик шарт-шароитлар педагогик тизим (компонентларидан бири бўлиб, айни тизимнинг шахс ва процессуал аспектларига таъсир этувчи, унинг самарали ишлаши ва ривожланишини таъминловчи таълимий ва моддий-ижтимоий муҳит имкониятлари йиғиндисини акс эттиради. Педагогик шарт-шароитлар, уларнинг эътироф этишича, бу – таълим жараёнида ютуқларга эришишни таъминловчи ёки аксинча унга эришишга тўсқинлик қилувчи ҳолатдир¹⁷.

Илмий-педагогик тадқиқотларни таҳлил қилиш натижаси кўрсатадики, педагогика назарияси ва амалиётида педагогик шарт-шароитларнинг куйидаги турлари учрайди: *ташқилий педагогик* (айни педагогик шарт-шароитлар таълимий масалаларни ечишни таъминловчи бирор имкониятлар йиғиндиси,

¹⁷ Н. Иппалитова, Н. Стерхова. Анализ понятия “педагогические условия”: сущность, классификация. Central Professional Education. 1|2012. pp 8-14.

кўйилган вазифани ҳал этишни таъминловчи объектив имкониятлар йиғиндиси, педагогик фаолият мақсадига эришишга қаратилган яхлит педагогик жараён мазмуни, шакли ва методлари имкониятлари йиғиндиси), *психологик-педагогик* (педагогик жараён субъектлари шахси ёки объектларини ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи муайян педагогик тадбирларни таъминлашга қаратилган педагогик шарт-шароитлар назарда тутилади), *дидактик шарт-шароитлар* (дидактик мақсадларга эришиш учун ўқитиш мазмуни, шакли, методини, шунингдек ташкилий шакллари мақсадга йўналтирилган ҳолда танлаш).

Биз қишлоқ ва сув ҳўжалиги соҳалари учун тайёрланадиган техник-механикларда амалий кўникмаларни компетенциявий ёндашув асосида шакллантириш учун энг мақбул педагогик шарт-шартлар қаторига қуйидагиларни киритдик:

Биринчи педагогик шарт-шароит – касбий кўникмаларни шакллантиришга таъсир кўрсатишга йўналтирилган касб таълими мазмунини такомиллаштириш ва унинг амалий йўналишини кучайтириш (бизнинг педагогик тадқиқотимсиз мисолида, қишлоқ ва сув ҳўжалиги касб-ҳунар коллеж ўқувчиларида гидро-мелиоратив машина ва жиҳозларидан фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича касбий кникмаларни компетенциявий ёндашув асосида шакллантиришга таъсир кўрсатиш).

Иккинчи педагогик шарт-шароит – ўқув машғулотларини Давлат таълим стандартларига мос ҳолда компетенциявий ёндашув асосида ташкил этиш ва уларнинг ташкилий-методик таъминотини ҳамда амалий касбий йўналганлигини таъминлаш.

Ушбу шарт-шароитнинг долзарблиги, бизнинг фикримизча, шундан иборатки, қишлоқ ҳўжалиги касб-ҳунар коллежларида бўлажак техник-механикларда илк амалий касбий билим ва кўникмалар шаклланади, бунда фаолиятнинг асосий тури ўқувбилиш, ўрганиш, амалий ўқув фаолияти жараёнларидан иборат бўлиб, кейинчалик у амалий касбий фаолиятга айланади. Шу боис касб-ҳунар коллежининг иш фаолияти самарадорлигини оширишнинг энг асосий воситаси, биринчи навбатда, педагогик тизимларнинг илмий-методик, моддий-техник, ижтимоий-маданий таъминотининг комплекс тизимини яратиш, иккинчидан, юқори малакали касб таълими ўқитувчиларининг фаолияти билан белгиланади. Ўқувчиларда касбий кўникмаларни шакл-

лантиришда фаолиятини ва шахсга йўналтирилган ёндашувларга асосланган технологиялар оптимал технологиялар ҳисобланади. Шунинг учун педагогнинг ўқувчилар шахсига йўналтирилган таълимни амалга ошириш бўйича методик фаолияти муҳимдир. Касб-хунар коллежлари ўқув жараёнида турли педагогик технологияларни қўллаш муҳим, чунки уларнинг бир-бирларини тўлдириши, бир-бирига мазмунан қўшилиши имконияти ўқувчиларда касбий кўникмаларни компетенциявий ёндашув асосида шакллантириш жараёнини илмийлик, изчиллик, босқичма-босқичлик, тизимлилик, узлуксизлик тамойилларини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш имконини беради. Ушбу жараёни яхшилаш учун, бизнинг фикримизча, фаолиятга асосланган, ривожлантирувчи муаммоли-изланиш педагогик технологиялар катта аҳамиятга эга. Ахборот-ривожлантирувчи билишга ва шахсга йўналтирилган технологиялар бу ерда кўшимча роль ўйнайди, лекин улар қатор ҳолларда юқорида кўрсатиб ўтилган фаолиятга асосланган, ривожлантирувчи технологияларни амалга оширишнинг асоси сифатида иштирок этади, бу ҳол бўлажак мутахассис шуғулланадиган касбий фаолиятнинг хусусиятлари ва тури билан белгиланади.

Касбий кўникмаларни компетенциявий ёндашув асосида шакллантириш назарий билимларни тўплаш билан узвий боғлиқ. Касбий кўникмаларни компетенциявий ёндашув асосида шакллантириш кўп жиҳатдан касб-хунар коллежларининг моддий-техник базаси ва ўқув машғулотларининг дастурий-методик таъминотини такомиллаштириш билан белгиланади. Хусусан, бу таълимнинг техник воситалари, тақдирот технологиялари ва мультимедияли ўқув курсларидан фойдаланишни, педагогик жараёнда электрон таълим тренажёрлари ва мажмуаларини қўллашни, ўқувчиларнинг мустақил билим олиш шакллари, амалий касбий кўникмаларини компетенциявий ёндашув асосида шакллантиришни, ўқувчиларни ғояларни амалга оширишга жалб қилишни (модулли-блоки таълим тизими орқали) кўзда тутати.

Учинчи педагогик шарт-шароит – бу контекстли ёндашув доирасида ўқувчиларда касбий кўникмаларни шакллантиришнинг барча босқичларида ўқитишнинг фаол метод ва шакллари-дан фойдаланишдир. Бизнинг фикримизча, бу ўқувчиларда

касбий кўникмаларни компетенциявий ёндашув асосида шакллантиришни оптималлаштиришга хизмат қилади.

Ўқитишнинг фаол методлари касбий кўникмаларни шакллантиришда катта роль ўйнайди. Касб таълими доирасида ўқитишнинг фаол методларини қўллаш ўқувчиларнинг интеллектуал, шахсий ва ижтимоий фаолликларини намоён этишларига ёрдам берувчи дидактик ва психологик шарт-шароитларни яратиши аниқланди. Ўқитишнинг фаол методларини икки гуруҳга ажратиш мумкин: имитацион ва ноимитацион методлар. Биринчи гуруҳдаги методлар икки кичик гуруҳга ажратилган: ўйинли (ролли, амалий, ўқув, ишлаб чиқариш, муаммоли-амалий, инновацион, касбий фаолиятга оид тақлидий ўйинлар, ўйинли лойиҳалаштириш, ташкилий фаолиятли ўйинлар, индивидуал ўйинли машғулотлар); ўйинсиз методлар (аниқ вазиятларни таҳлил қилиш, имитацион машқлар, тренинг). Ўқитишнинг ноимитацион фаол методлари гуруҳига қуйидагилар қиради: муаммоли маърузалар ва семинарлар, тематик мунозаралар, «ақлий хужум», давра суҳбати, касбий ўйин машқлари.

Касбий масалаларни таҳлил қилиш методи ўқувчиларга маълум касбий вазиятларни намойиш қилишдан иборат. Унда иштирокчиларга касбий фаолият шароити ва иш-ҳаракати кўрсатиб ўтилади.

Тўртинчи педагогик шарт-шароит – коллеж ўқувчилари касбий билим, кўникма ва малакаларни эгаллаши билан бирга, келгусида касбий функцияларни муваффақиятли амалга оширишга тайёр бўлиши керак. Бу бўлажак мутахассисдан фундаментал амалий касбий билимлар тизими ва асосий касбий кўникмаларни талаб қилади. Тадқиқот натижалари кўрсатадики, замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида ўқувчиларда муайян мақсад асосида касбий кўникмаларни босқичма-босқич шакллантиришнинг дидактик тизими ишлаб чиқилса ва амалда жорий этилсагина самарали натижаларга эришиш мумкин.

Компетенциявий ёндошувни жорий этиш мақсадида таълим жараёнида машғулотларни ўтказишнинг фаол ва интерфаол шакллари(компьютер тренажёри ва экскаватор-стимуляторда машқлар, ишбилармонлик ўйинлари, касбий вазиятларни таҳлил

этиш, касбий тренинглар, гуруҳий мунзараларлар)дан ўқувчиларда умумий ва амалий касбий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган синфдан ташқари ишлар ва амалий машғулотлар билан узвийликда фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Бешинчи педагогик шарт-шароит — танланган касбга ижобий муносабатни шакллантиш. “Мотив” тушунчаси лотинча “moveo” сўзидан келиб чиққан бўлиб, ҳаракатлантираман деган маънони билдиради. Мотивация шахс фаоллигини, унинг ҳуққатвори ва фаолияти мувофиқлигини таъминловчи асосий омил ҳисобланади. Психологик-педагогик илмий тадқиқот ишларида шахснинг фаоллиги муаммоси биринчи ўринга қўйилади. Фаолият мотивсиз бўлмайди¹⁸[9].

Ҳозирги вақтда тадқиқотчилар шунга аминки, ўқувчиларнинг ўзлаштиришлари, касб эгаллаши фақат табиий қобилиятга эмас, балки ўқув мотивациясининг ривожланишига ҳам боғлиқ. Мотивацияни кучайтириш учун ўқув фаолиятига ижобий муносабатни шакллантиришга ўйналтирилган турли фанларда қўлланиладиган анъанавий ва инновацион ўқитиш шакллари, методлари ва педагогик услублар интеграцияланади. Интерфаол – имитацион технология ўқув жараёнида ишлаб чиқариш, амалий фаолият имитациясини (қайта тиклаш)ни таъминлаш имконини беради, бу эса ўқувчиларда катта қизиқиш ўйғотади ва уларда амалий касбий кўникмаларни пухта эгалашга мотивация ўйғотади. Мотивацияни фақат сўзлар орқали ишонтириш методи ёрдамида бойитиб бўлмайди, бунда таълим ва ижтимоий-иқтисодий сиёсат мувофиқлигини таъминловчи комплекс чора-тадбирлар зарур.

Олтинчи педагогик шарт-шароит — таълим олувчининг амалий касбий фаолиятини моделлаштириш ва жорий этиш. Қишлоқ ва сув хўжалиги касб-хунар коллежларининг 50300-“Сув хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаштириш” тайёрлов йўналиши бўйича таҳсил олаётган бўлажак техник-механикларда амалий касбий кўникмаларни компетенциявий ёндошув асосида шакллантиришнинг зарурий шарт-шароитларидан бири касбий фаолиятни моделлаштириш ҳисобланади ва у педагогик лойиҳалаштиришнинг барча босқичларида жорий этилади.

¹⁸ Вишнякова С.Я. Профессиональное образование. Словарь. М.: Новь, 1999. -538 с.

С. Я. Батышев[6] ўзининг тадқиқот ишларида ўқув жараёнининг касбий йўналганлиги тамойилларини алоҳида кўрсатиб ўтган. Улар қўйидагилардан иборат: политехник; назария билан амалиётнинг бирлиги; ўқув жараёнида касбий фаолиятни моделлаштириш¹⁹.

Ўқув жараёни касбий йўналганлигининг политехник тамойили, яъни политехник таълим ўқувчиларни ишлаб чиқариш жараёнларининг асосий тамойиллари билан таништиради ва шу билан уларнинг ишлаб чиқариш соҳасида қўлланиладиган оддий асбоб-ускуналар, жиҳозларни ишлатиш кўникмаларини эгаллашларига имкон яратади. Политехник тамойил ўқувчиларнинг ўзлаштиришига йўналтирилган дидактик воситалар йиғиндисини таъминлашни назарда тутди.

Ўқув жараёни касбий йўналганлигининг назария билан амалиёт бирлиги тамойили шуни билдирадики, коллеж битирувчисини ишга қабул қилишда иш берувчи унинг касбий компетентлигини олган назарий билимларини ва эгаллаган кўникмаларини амалда қўллай олишига қараб баҳолайди. Таълимнинг сифат ва самарадорлиги амалиёт орқали текширилади, зеро амалиёт – ҳақиқат ўлчови, кўрсаткичи ва мезони, билиш фаолияти манбаи ҳамда таълим натижаларини қўллаш соҳасидир. Шу боис педагогик лойиҳалаштириш таълим олувчини келгусидаги ишлаб чиқариш фаолиятига тайёрлаш ва онгли равишда жалб этишга йўналтирилган бўлиши лозим.

Ўқув жараёни касбий йўналганлигининг учинчи тамойили – ўқув жараёнида касбий фаолиятни моделлаштиришдир. Ўқув жараёнида касбий фаолиятни моделлаштириш деганда типик масалаларни аниқлаш, уларнинг ўқув-ишлаб чиқариш масалалари таркибига киритилиши, ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўқитиш методларини танлаш тушунилади. Бошқача айтганда, таълим мазмунини амалиётга йўналтирилган масалалар, ҳаётий ва касбий вазиятлар билан бойитилади.

Шундай қилиб, бўлажак техник-механикларда амалий касбий кўникмаларни компетенциявий ёндашув асосида шаклланди.

¹⁹ Батышев С. Я. Производственная педагогика: Учебник для работников, занимающихся профессиональным обучением рабочих на производстве. 3-е изд. перераб. и доп. – М.: Машиностроение, 1984. – 672 с.

тиришда энг мақбул натижага эришиш учун ўқув жараёнининг касбий йўналганлиги тамойилларини амалга ошириш зарур.

Еттинчи педагогик шарт-шароит – ишлаб чиқариш корхоналари билан таълим муассасасининг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги орқали таъминланади.

Ўқувчи-ёшларда касбий кўникмаларни шакллантириш ишлаб чиқариш корхоналари билан таълим муассасасининг ўзаро манфаатли ҳамкорлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўналишидаги ишлар муваффақияти қатор омиллар билан узвий боғлиқ.

Биринчи омил: Меҳнат бозорининг объектив талаблари ҳисобга олинганлиги. Дарҳақиқат, бизнинг тадқиқотимиз доирасида меҳнат бозори ва ишлаб чиқариш корхоналарининг кадрларга бўлган эҳтиёжи ҳамда коллеж битирувчилари – бўлажак мутахассисларнинг касбий малакасига қўйилган талаблардан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежларининг 3450302-“Гидромелиоратив машина ва жиҳозларидан фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш» таълим йўналишидаги ҳамкорлик танланди. Ижтимоий ҳамкорлик доирасида мазкур мутахассислик бўйича барча ўқув-меъёрий хужжатлар ва танишув амалиёти дастури ҳамкорликда яратилади. Уларни яратишда экспертлар билан бир қаторда коллеж ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш корхоналарининг етакчи мутахассислари ҳам катнашдилар.

Иккинчи омил: Ўзаро ҳамкорликдан нафақат коллеж, балки ишлаб чиқариш корхоналарининг ҳам манфаатдор эканлиги. Замонавий техника ва технологиялар, гидромелиоратив машина ва жиҳозлари асосида ишлайдиган давлат унитар корхоналарига юқори малакали, касб сирларини чуқур эгаллаган мутахассислар зарур. Кадрлар масаласини биргина корхона ёки коллежнинг ўзи ҳал эта олмагани боис кадрлар тайёрлашда уларнинг ўзаро ҳамкорлик қилиши ҳар томонлама фойдалидир.

Учинчи омил: Касб-ҳунар коллежи ва ишлаб чиқариш корхонаси ўртасидаги муносабатларни янги босқичга кўтаришда ва ҳамкорликда самарали натижаларга эришишга ҳар иккала томоннинг бир хил масъулияти. Касб-ҳунар коллежи ва ишлаб чиқариш корхонаси ҳамкорлиги доирасида коллеж битирувчилари якуний давлат аттестациясидан ўтказилади. Бунинг учун

эса касблар бўйича амалий имтиҳонни ташкил этишнинг янги модели ишлаб чиқилади. Мазкур моделда ишлаб чиқариш корхоналари вакилларининг иштирокига алоҳида эътибор қаратилди. Касб-хунар коллежларида касблар бўйича амалий имтиҳон ва битирув малакавий иши ҳимоясини ўтказиш бўйича яратилган услубий тавсиялар асосида корхонанинг масъул ходимлари ва коллежларнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарлари иштирокида амалий семинар ўтказилади. Ишлаб чиқариш корхоналари ва касб-хунар коллежларининг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги малакали кадрлар тайёрлаш имкониятларини янада кенгайтиради.

Саккизинчи педагогик шарт-шароит – педагогик лойиҳалаштиришнинг ресурс ва методик таъминотини таъминлаш. Ахборот ресурслари (интернет ресурслари, электрон почта, электрон конференция, замонавий кутубхона, даврий нашрлар,) техник ресурслар (гидромелиоратив машина ва жиҳозлар, экскаватор-сумулятор, техник воситалар, техник қурилмалар, компьютер хоналари, интерфаол доска, симсиз микрофонлар, компьютер телекоммуникация), кадрлар ресурси (малакали ўқитувчилар, педагогик лойиҳалаштириш билан шуғулланадиган амалиётчилар, услубчилар, инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлайдиган раҳбарлар)сиз ва педагогик лойиҳалаштиришда қўйилган масалаларни ечиш учун зарур бўлган методик таъминотни яратмасдан туриб, бўлажак техник-механикларда амалий касбий кўникмаларни компетенциявий ёндошув асосида шакллантиришда самарали натижаларга эришиб бўлмайди.

Касбий кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнига қисқача тўхталиб ўтамиз. Н.А.Сорокин[21] томонидан таклиф этилган касбий кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш методи анча қизиқлидир. У касбий кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришнинг кетма-кет бажариладиган босқичларини келтириб ўтади²⁰:

а) кўникмаларнинг моҳияти ва амалий қийматини тушунтириш;

б) ўқувчилар хотирасида зарурий назарий билимларни тиклаш ва тегишли қоидаларни ривожлантириш;

²⁰ Сорокин Н. А. Дидактика: учебное пособие.-М. – М.: Просвещение. – 1994.–250с.

в) иш-ҳаракатларни тўғри бажаришни кўрсатиш;
г) ўқитувчи ёрдамида синов машқларини бажариш;
д) ўқувчиларнинг мустақил равишда мунтазам машқ қилишлари;

- е) йўриқнома асосида аниқ топшириқларни бажариш;
ж) топшириқларни бажаришда тўла мустақиллик бериш;
з) ижодий ҳаракатдаги топшириқларни бажариш

Охирги уч босқич ривожланган кўникмаларни мустаҳкамлаш босқичи ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш шарт-шароитлари ва масалаларини таҳлил қилиш методи ўқувчиларга маълум ишлаб чиқариш вазиятларини намоиш қилишдан иборат. Унда иштирокчиларнинг фаолияти шарт-шароити ва иш-ҳаракати кўрсатиб ўтилади (таъмирлаш, созлаш, хизмат кўрсатиш, тавсифлаш, амалий фаолиятга оид видеолавҳаларни намоиш этиш, роллар ўйнаш).

Вазиятни таҳлил қилиш амалий ўйин иштирокчилари фаолиятининг тўғрилиги ва вазиятни баҳолаш бўйича асосли хулоса чиқаришга имкон бериши керак. Ўқувчиларнинг эгалладиган мутахассислиги ва касбий кўникмаларига мос ҳолда вазиятларни танлаб, таҳлил этиш асосий талаб ҳисобланади.

Шундай қилиб, ўқитиш жараёнида ўқувчи вазифа шартлари (моделлаштирилаётган вазият)дан келиб чиқиб, касбий фаолиятни амалга оширади, бу унда тегишли касбий кўникмаларнинг шаклланиши ва ривожлантиришга сабаб бўлади. Бундан кўринадики, ўқувчиларда касбий билим, кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнининг муваффақияти фақат педагогик шарт-шароитлар, ўқув машғулотларини ташкил этиш хусусиятлари билан эмас, балки ўқувчиларнинг шахсий хусусиятлари ва касбий фаолиятга индивидуал психофизик тайёрлиги билан ҳам белгиланади.

1.5. Касбий кўникмаларни ривожлантиришнинг ташкилий-педагогик босқичлари

Ўқувчиларда гидромелиоратив машина ва жиҳозларидан фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш механиги касби бўйича кўникмаларни ривожлантиришнинг ташкилий тузилмаси ёки уни ташкил этиш жараёнини шартли равишда бир неча босқичга ажратиш мумкин.

Диагностик босқич. Ушбу босқичда ўқувчиларнинг гидромелиоратив машина ва жиҳозларидан фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш механиги касби, касбий фаолиятда қўлланиладиган тушунчалар, касбий фаолият ҳақидаги билимлари, касбий кўникмаларининг шаклланганлик даражаси, танлаган касбга қизиқиши, касбий кўникмаларга бўлган муносабати ва эҳтиёжи савол-жавоб, суҳбатлар, тестлар ёрдамида аниқланди. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари, вилоят ёки тумандаги бандликка кўмаклашувчи марказлар, ижтимоий ҳамкорлар, ишлаб чиқариш корхоналари, олий таълим муассасалари, ўқувчиларнинг ота-оналари ҳамкорлигида маркетинг тадқиқотларини амалга оширган ҳолда, меҳнат бозори ва таълим хизматларининг ривожланишидаги асосий йўналишлар, тегишли касблар, хусусан, гидромелиоратив машина ва жиҳозларидан фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш механиги касби бўйича бугунги кунда талаб этилаётган кўникма ва малакалар, бўлажак техник-механикларда касбий кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришдаги муаммолар аниқланади. Мутахассис тайёрлаш сифати, қўшимча касбий таълим хизматлари, иш берувчиларнинг талаб ва эҳтёжлари, коллежнинг моддий-техник базаси ва ўқувчиларнинг имкониятлари, таълим мотивацияси ва бошқалар ўрганилади.

Тахлилий босқич. Диагностик босқичда олинган маълумотлар таҳлил қилиниб, ўқувчиларда гидромелиоратив машина ва жиҳозларидан фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича касбий кўникмаларни ривожлантириш йўналишлари ўрганилади. Учрашувлар, касб билан танишув амалиёти, маслаҳатлашув, давра суҳбатлари, ишчи гуруҳларнинг амалга оширган ишлари натижалари асосида таълим дастурига

ўзгартиришлар киритилади ёки махсус курс, унинг дастури ишлаб чиқилади.

Таълимий босқич. Республикамиз ва хорижий мамлакатларда ўқувчиларда касбий кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш борасида тўпланган педагогик тажрибалар ўрганилади, турли мавзуларда ташкил этиладиган психологик-педагогик ва методологик семинарларда, педагогик кенгашларда, ёш педагоглар ва ёш тадқиқотчилар мактабларида, индивидуал ва гуруҳлар учун ташкил этилган педагогик маслахатларда иштирок этилади. Педагогика ва психология, умум-касбий ва махсус фанлар соҳасидаги билимлар чуқурлаштирилади, шахсий педагогик фаолият ва ҳамкасблар фаолияти таҳлил қилинади, ўқувчиларга ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги босқичида талаб этилаётган касбий кўникмалар ва уларнинг амалий фаолиятдаги аҳамияти ҳақида тушунчалар берилади

Ташкилий-фаолиятӣ босқич. Бу босқичда диагностик маълумотлар, таҳлил натижаларига асосланиб, бўлажак мутахассисларда касбий кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш муаммоларини ҳал этишга қаратилган аниқ комплекс фаолият турлари ва шакллари, уларни амалга ошириш алгоритмлари танланади ва жорий этилади. Ўқувчиларда “Гидромелиоратив машина ва жиҳозларни ишлатиш”, “Гидромелиоратив машиналарга техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш” махсус фанларни, “Коллеж ўқувчиларида касбий кўникмаларни ривожлантириш методикаси” курсини ўрганишга мотивацияни, ўқув кўникмалари ва касбий мотивация шакллантирилади. Бунинг учун касб-хунар коллежининг шаҳар, туман ва вилоят халқ таълим бошқармалари, умумтаълим мактаблари, ижтимоий қархоналар ва бошқа ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлигида ташкил этилган ишлар муҳим аҳамиятга эга. Бу босқичда ҳамкорликнинг анъанавий шакллари – кўргазмалар, саёҳатлар, очик эшиклар куни, қўшимча таълим хизматлари, ўзаро маълумотлар алмашиш, ота-оналарнинг таълим муассасалари мажлисларида қатнашиши кенг йўлга қўйилади. Бу ишлар таълим жараёнида ўқувчиларда ўқув ва касбий мотивацияларни шакллантириш ҳамда келгусида уларни янада ривожлантиришга замин яратади.

Бўлажак кичик мутахассисларда гидромелиоратив машина ва жиҳозларидан фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича касбий кўникмаларни ривожлантиришда ишлаб чиқариш амалиётини давлат таълим стандарти талабларига мувофиқ ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Касб-ҳунар коллежлари ва турли мулкчилик шаклига эга катта-кичик корхоналарда ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш, бўлажак мутахассисларни амалиётда қўлланилаётган янги техника ва жиҳозлар билан таништириш, амалий топшириқлар уларда замонавий асбоб-ускуналар ва жиҳозлар билан ишлаш кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Баҳолаш босқичи. Бу босқичда бўлажак кичик мутахассисларда касбий кўникмаларнинг ривожланганлик даражаси ва самарадорлиги аниқланади. Ўқувчиларнинг касбий кўникмалари мутахассислар, таълим берувчилар, ижтимоий ҳамкорлар, иш берувчиларнинг вакиллари иштирокида тест, амалиёт ва баҳолашнинг бошқа шакллари орқали баҳоланади.

Бўлажак мутахассисларда гидромелиоратив машина ва жиҳозларидан фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича касбий кўникмаларни ривожлантиришга комплекс ёндашиш куйидагиларни кўзда тутати: коллеж ва таълим хизматлари буюртмачилари ўртасидаги ҳамкорликнинг ўзаро манфаатдорлик асосига қурилган янги тизимини шакллантириш; бўлажак мутахассисларда гидромелиоратив машина ва жиҳозларидан фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича касбий кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш учун барча моддий ва маънавий имкониятлардан фойдаланиш; таълим хизматлари ва мустақил таълим олиш дастурларини кенгайтириш; шахснинг индивидуал эҳтиёжлари ва меҳнат бозори талабларини эътиборга олиш; замонавий таълим механизмларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури юксак умумий ва касб-ҳунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаоллик, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истикбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилган.

II БОБ. КАСБИЙ КЎНИКМАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ШАКЛ ВА ВОСИТАЛАРИ

2.1. Касбий кўникмаларни ривожлантиришда компьютер ва “Экскаватор-симулятор” ўқув тренажёридан фойдаланишнинг ташкилий-методик асослари

Бўлажак мутахассиларда касбий кўникмаларни ривожлантириш ва уларнинг касбий тайёргарлигини оширишда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, компьютерли назорат тизимлари, ўқув электрон дастурлари, қўлланмалари, методик ишланмалар, тренажёрлар, масофавий таълим маълумотлар базасига таяниш самарали натижалар беради. Қуйида “Коллеж ўқувчиларида касбий кўникмаларни ривожлантириш методикаси” ўқув курсини, “Гидромелиоратив машиналарга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш” махсус фанини ўқитишда компьютер тренажёри ва «Excavator Simulator» ўқув тренажёрларини қўллаш методикасини назарий асослаш ва амалда жорий этиш ҳақида сўз юртилади.

Бўлажак мутахассиларда гидромелиоратив машина ва жихозларидан фойдаланиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича касбий билим ва кўникмаларни ривожлантиришнинг самарали воситаларидан бири компьютер тренажёридир. Шу боис унинг дидактик хусусиятлари ва функцияларини аниқлаш талаб этилади.

Дидактик хусусиятлар дейилганда таълим воситалари хусусиятлари тушунилади. Компьютер тренажёридан фойдаланиб ўқитиш мазмунини танлаш таълим тамойилларига асосланилди. Танланган ўқув материаллари ва ўқув элементлари ўртасидаги боғлиқлик тузилмавий-мантикий схема кўринишида тақдим этилади.

Компьютер тренажёри, биринчидан, масофавий таълимнинг асосий дидактик ва ташкилий-касбий воситаси ҳисобланади, унинг ёрдамида педагогик тизим ривожлантирилади, иккинчидан, электрон дарсликлар, қўлланмалар, методик ишланмалар ташкилий ҳамда функционал жихатдан бошқа дидактик воситалардан тубдан фарқ қилади. Бу ҳол компьютер тренажёри

мазмунини аниқлаш ва технологияларини ишлаб чиқишга ўзига хос ёндашувларни талаб қилади.

Умумқасбий(Техникавий механика) ва махсус фанлар (“Гидромелиоратив машина ва жихозларнинг тузилиши ва ишлатилиши”, “Гидромелиоратив машиналарга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш”, “Трактор ва автомобиллар тузилиши, техник хизмат кўрсатиш” фанлари), шунингдек “Ўқувчиларда касбий кўникмаларни ривожлантириш методикаси” курсни ўргатишда компьютер тизимларини қўллаш имконияти катта. Бу йўналишда MathCAD тизими алоҳида аҳамиятга эга. Бу эса MathCADнинг амалий хусусияти билан боғлиқ: содда кириш тили, ҳужжатнинг исталган жойига формулалар, матнлар, графикларни қўйиш мумкинлиги, бунинг оқибатида улар математик матн саҳифаси сифатида кўринади, MS Office билан бирга ишлаш даражаси юқори. Мана шу хусусиятлари сабабли фойдаланувчилар MathCAD тизимида ишлаш кўникмаларини тез ва самарали ўзлаштирадilar. Компьютер тренажёрларини яратиш учун MathCAD универсал пакетидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Биз компьютер тренажёри деганда ўқув жараёнини дидактик компьютерли таъминлаш вазифасини бажарувчи анча кенг электрон ресурслар турларини тушунамиз. Мана шундай ресурсларга алоҳида файллар ҳам киради, мисол учун, файллар-ўқув топшириқлари масалалари, масалалар параметрлари генерацияси файллари, ўқув топшириқлари карточкалари, интерфаол тестлар ҳамда қўйилган ўқув масалаларини амалга оширувчи ягона дидактик ресурслардан иборат бўлган гиперилловалар ва объектив боғлиқликлар билан бирлашган файлли тизимлар.

Компьютер тренажёрининг мақсадлари қуйидагилар ҳисобланади: назарий билимларни мустаҳкамлаш, касбий кўникма ва кўникмаларни ривожлантириш; ишлаб чиқариш масалаларини ҳал қилиш кўникмаларини ривожлантириш; мустақил билим олиш, ўқиш ва ўз-ўзини назорат қилиш услуб ва усулларини эгаллаш кўникмаларини ривожлантириш.

Компьютер тренажёри машқлар ва назорат топшириқлари блокларидан иборат бўлади. Улар ўқувчиларга топшириқлар шакллари танлашларига имкон беради: саволлар, машқлар,

масалалар, турли хилдаги тестлар, изланиш-тадқиқотчилик, ўқув ва амалий касбий топшириқлар. Компьютер тренажери назарий билимларни ўзлаштириш ўқув масалларини амалга оширувчи файллар тўпламлари, технологик-касбий масалаларни ечишга ёрдам берувчи MathCAD файл-хужжатлар, ўқув топшириқларини автоматик генерациялаш MathCAD файл-хужжатлари, параметрик шаклда карточкалар, топшириқлар, Word файл-хужжатлар, параметрлар ва жавобларни сақлаб қолиш Excel хужжатларига эга бўлади

Компьютер тренажеридан фойдаланиш учун дастлаб таълим мақсадлари, мазмуни, шакли, усуллари ва воситалари аниқланади, компьютерли қўллаб-қувватлаш вазифалари ва функциялари ифода этилади, тегишли электрон ресурсларни ишлаб чиқиш зарур бўлади. Бизнинг тадқиқотимизда бу тематик маърузалар ва лаборатория машғулотлари тўпамидан иборат.

Бизнинг мисолимизда компьютер тренажеридан фойдаланиб ўқитиш тизими ўзида қуйидагиларни мужассам этган: “Гидромелиоратив машиналарга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш” фани ўқув дастури; фан мазмунини очиб берувчи материаллар; ўқув-касбий мақсадларга эришишга ёрдам берувчи кўргазмали элементлар; амалий топшириқларни бажариш учун тавсиялар, ўқувчиларнинг материалларни ўзлаштиришлари даражасини мустақил баҳолашлари учун ўзини ўзи текшириш учун назорат саволлари

“Гидромелиоратив машиналарга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш” фани бўйича биз таклиф этаётган компьютер тренажерининг асосий мазмуни қуйидагиларни ўз ичига олади: аннотация (қисқача таърифи); фойдаланувчилар учун йўриқнома; маърузалар матни; маълумотнома (ахборот); глоссарий.

Аннотацияда материал пухта ишлаб чиқилган бўлиши керак (бўлим ва бутун курс тартиби ҳамда улар ўртасидаги боғлиқлик кўрсатилиши лозим).

Ўқувчи кўрсатилган компьютер тренажери билан ишлашда ундан урта режимда фойдаланиши мумкин:

1. Таълим режими касбий масалаларни ечишга ўргатиш ҳамда асосий назарий билимларни ўзлаштириш учун мўлжалланган. У қуйидаги иловаларни ўз ичига олади: аннотация (компьютер тренажерининг қисқача таърифи); фойдаланувчилар

учун йўриқнома; «“Гидромелиоратив машиналарга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш” фани бўйича маърузалар матни; маълумотнома ахборот; глоссарий. Ўқув режимида маълумотнома-материалларидан чекланишларсиз фойдаланиш мумкин.

2. Машқ қилиш режими маъруза машғулотида олинадиган назарий билимларни мустақамлаш, педагогик муаммо ечимларини лойиҳалаштириш ҳамда касбий кўникмаларни ривожлантиришга имкон беради. Машқ қилишда аниқ мисоллар қўлланилади. Ушбу режимда ишларни бажариш давомида ўқувчилар маълум алгоритмлар бўйича топшириқларни бажарадилар, берилган индивидуал топшириқларга мувофиқ кўрсаткичлар, педагогик жараёнлар таҳлил қилинади, бажарилган топшириқлар бўйича ҳисоботни чоп этадилар.

3. Назорат режими билимларни текшириш учун хизмат қилади. Материални ўзлаштириш даражасини баҳолаш учун оралиқ тест синовлари ўтказилади, у ўқувчиларнинг ўқитувчи билан индивидуал ёки мустақил ишлашлари учун имкон яратади. Назорат тест синови режими тренажёр таркибига ишга мустақил тайёрланиш ва ўзини ўзи текшириш мақсадларида киритилади.

Ўқувчи саволлар рўйхатидан эркин фойдаланиши, ҳар қайси саволга қайтиши, жавобни тузатиши мумкин. Билимларнинг текширилиши ҳақидаги гап фойдаланувчининг ишлаш вақти учун чегара ўрнатилади дегани эмас, саволлар рўйхати ўқув материалининг мазмун-моҳиятни ҳисобга олиб тузилган бўлиб, ўқувчининг уни яхши ўзлаштиришига ёрдам беради.

Энди замонавий мелиоратив техника, машина ва механизмлар операторларини тайёрлашда “Экскаватор-симулятор” ўқув тренажёридан фойдаланиш хусусияти ҳақида қисқача сўз юритамиз.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақкамасининг 2011 йил 1 ноябрдаги 01-03-11-35-сонли йиғилиш баёнида белгилаб берилган замонавий мелиоратив техника, машина ва механизмлар операторларини ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича мутахассисларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ташкил этиш бўйича топшириқлар ижросини таъминлаш долзарб вазифалардан қисобланади. Ушбу вазифани бажариш мақ-

садида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-қунар таълими маркази ва “Ўзмелиомашлизинг” давлат лизинг компаниясининг 2011 йил 18 ноябрдаги №189/23/кб/70-ш/т-сонли қўшма буйруғида экскаватор ва бульдозер машинистларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича қатор чора-тадбирлар белгиланган. Унга кўра, Тошкент ирригация ва мелиорация институти Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш маркази ҳамда республикамызда қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаси учун кадрлар тайёрлайдиган бир неча касб-қунар коллежлари базасида ҳар йили 110-150 нафар экскаватор ва бульдозер машинистларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш вазифаси қўйилган.

Ўзбекистон-Швейцария “Ўзбекистонда сув хўжалиги соҳасида касбий кўникмаларни ривожлантириш” лойиҳаси доирасида келтирилган “Экскаватор-симулятор” ўқув тренажёридан малака ошириш марказлари ва касб-қунар коллежлари таълим жараёнида кенг фойдаланилмоқда.

“Экскаватор-симулятор” ўқув тренажёрининг электрон қисми қуйидагилардан иборат: тренажёрнинг электрон қурилмаларини бошқаришни амалга оширувчи компьютер; экскаватор кабинасидан кўринишни моделаштирувчи кенг форматли экран; бошқариш жиҳозларидан келадиган маълумот сигналларга ишлов берувчи плата; ҳақиқий экскаваторнинг бошқариш жиҳозларини тақлид (имитация) қилувчи бошқариш жиҳозлари.

“Экскаватор-симулятор” ўқув тренажёрининг имкониятлари: экскаватор машинисти кабинасининг бошқарув органлари, назорат-ўлчаш асбоблари таркиби ва жойлашишини ўрганиш ҳамда бошқарув органларидан амалий фойдаланиш қоидаларини ўргатиш; ҳаракатланаётган экскаваторларни бошқариш кўникмаларига эга бўлиш; турли хилдаги тупроқлар билан ишлаш қоидаларини ўргатиш; ариқча, траншея қавлашда, кўтармалар кўтаришда ва бошқа иншоотларни ҳосил қилишда тупроққа ишлов бериш; тупроқни ташиш воситасига юклаш; йўл қўйилган хатоларни автоматик тарзда қайд этиш ҳамда ўрганувчилар машқларни бажариш натижалари тўғрисида маълумотлар базасини шакллантириш.

“Экскаватор-симулятор” ўқув тренажёрида амалий машқларни бажариш бўйича умумий йўл-йўриқлар:

Ихтиёрий машқнинг биринчи босқичи двигателни ўт олдириш ва ишдан олдин экскаваторнинг бошқариш жихозларини ишлатиб кўришдан иборат. Бу жараённинг осонлигига қарамасдан ўқитишнинг жуда аҳамиятли босқичи ҳисобланади. Чунки, двигатель ресурсидан тўғри фойдаланиш ва ундаги носозликларни ўз вақтида аниқлаш экскаваторларнинг ишлаш муддатини сезиларли ошириши мумкин.

Таълим олувчи топшириқ матнини ўқиб бўлгандан кейин амалий машқларни бажаришга киришали. У, энг аввало, экскаватор двигателини ўт олдириши керак. Дастурда келтирилган барча машқларни экскаваторда бажариладиган иш мазмунидан келиб чиқиб, икки турга, яъни ҳаракатланиш ва қазиш машқларига ажратиш мумкин.

Тренажёрнинг имкониятлари қуйидагилардан иборат: экскаватор машинисти кабинасининг бошқарув органлари, назорат-ўлчаш асбоблари таркиби ва жойлашишини ўрганиш ҳамда бошқарув органларидан амалий фойдаланиш қоидаларини ўргатиш; ариқча, траншея кавлашда, кўтармалар кўтаришда ва бошқа иншоотларни ҳосил қилишда тупроққа ишлов бериш; тупроқни ташиш воситасига юклаш; йўл қўйилган хатоларни автоматик тарзда қайд этиш ҳамда ўрганувчилар машқларни бажариш натижалари тўғрисида маълумотлар базасини шакллантириш.

Ҳаракатланиш машқларига қуйилагилар киради: ҳаракатланиш, тралга чиқиш, тралдан тушиш.

Ҳаракатланиш машқларини бажариш қоидалари: ҳаракатланишда кабина тўғри ҳолатда бўлиши керак, яъни экскаватор хартуми гусеницага параллел бўлиши лозим; кабинанинг бошқа ҳолатларида ҳаракатланиш машқларини бажариш тақиқланади; тралдан тушиб кетиш тақиқланади (кўпол хато!).

Ўқув тренажёрида қазиш машқларини бажариш: қазиш машқига қуйидагилар киради: тупроқни казиб чиқариш, тупроқни юклаш, хандақ қазиш, қувурни кавлаб олиш.

Қазиш машқларини бажариш қоидалари: тупроқни ағдармасдан четга тўкиб юбориш мумкин эмас; белгиланган

худуднинг ташқарисини қазииш мумкин эмас; қазилган чуқурлик 1 м 50 см (акс ҳолда, котлован ўпирилиши мумкин).

“Хандақ қазииш” ва “Қувурни кавлаб олиш” машқида қазииш талаб этилган хандақ шаклини бузмаслик, яъни унинг ташқарисини қазимаслик керак. Чунки, нотўғри шаклдаги, кенгайиб кетган хандақ кейинги ишларда ноқулайликларка олиб келиши мумкин.

Қувурни кавлаб олиш: қувурларни кавлаб олиш машқини бажариш қоидалари: қувурлар устига юриб келиш (улардан ўтиш) мумкин эмас, қувурлар устидан фақат белгиланган жойдан ўтишга рухсат этилади; чўмич билан қувурга тегиш тақиқланади (бу қувурнинг шикастланишини олиб келади (қўпол хато); тупрокни хандақдан четга, камида бир метр масофада, хандақнинг бир томонига (экскаваторнинг бошланғич ҳолатига нисбатан ўнг томонга) тўкиш талаб этилади.

2.2. Машқлар воситасида касбий кўникмаларни ривожлантириш

Касбий кўникмаларни шакллантиришда машқларнинг ўрни катта. Машқлар дейилганда маълум ҳаракат-амалларни такомиллаштириш мақсадида уларни онгли равишда кўп марта такрорлаш тушунилади. Машқ – фаолиятга жалб этиш усулларида бири, таълим-тарбиянинг амалий методи. Бунда талаб этилган амаллар жуда кўп марта бажарилади, ҳатто автоматик равишда бажариш даражасига етказилади. Машқ натижаси – ўқувчиларнинг барқарор сифатлари – кўникма ва малакалар.

Машқнинг самарадорлиги қуйидаги муҳим шартларга боғлиқ: машқлар тизими; машқларнинг мазмуни; машқларнинг осонлиги ва тушунарлилиги; ҳажми; такрорлаш оралиги; назорат қилиш ва тузатишлар киритиш; ўқувчиларнинг шахсий ўзига хос хусусиятлари; машқларни бажариш жойи ва вақти; машқларни гуруҳ ва жамоа бўлиб ёки индивидуал тарзда бажариш. Машқларнинг тури хилма-хил бўлиб, уларни асосан уч гуруҳга ажратиш мумкин: *репродуктив, ижодий машқлар, изланиш машқлари, диагностик босқичлар.*

Машқларнинг ушбу турлари, маълум даражада шартли характерга эга. Чунки ҳар қандай машқда репродуктив ва продуктив компонентлар мавжуд.

Репродуктив машқлар. Бу машқларнинг муҳим хусусиятларидан бири – билимларни қўллашнинг чекланганлигидир. Бундаги масалалар асосан тушунчалар, билимлар, ахборотларни ўзлаштиришга қаратилади. Бундай машқларнинг характерли жиҳатларидан бири ҳужжатларни, қурилмалар тузилишини, материалларни ўрганиш ҳисобланади. Бундай машқлар топшириқни ёзма шаклда бажариш тарзида ўтказилади. Ўқувчилар тасвирланган предмет (трактор ва машиналар тузилиши, гидро-мелиоратив машина ва жиҳозлар, механизм, асбоб, аппаратларнинг умумий кўриниши) расми (ёки схемаси)га қараб, айрим қисмлари, деталларининг вазифаси, номи, жойланишини кўрса-тиши керак.

Репродуктив машқларнинг типик кўринишига машиналар элментларига қараб расмлар, чизмалар, схемалар, графиклар, диаграммалар чизиш ва уларни таҳлил қилиш репродуктив машқларнинг типик намунаси ҳисобланади. Бунда ўқувчиларнинг билиш фаолиятини шундай шаклда ташкил этиш муҳимки, биринчидан, у ўрганилаётган объект моҳиятини “ёпмаслиги”, иккинчидан, ҳар бир машқ маълум фикрий юкланишни юзага келтириши мақсадга мувофиқ. Махсус фанлар учун касбий, хусусан, техник, технологик ҳужжатларни ўрганиш бўйича машқлар типик ҳисобланади.

Ижодий машқлар. Бундай турдаги машқларни бажариш жараёнида ўқувчилар олган билими ва кўникмаларидан турли комбинацияларда фойдаланадилар, қўйилган масалаларнинг оригинал ечимларини иш-фаолият усулларини мустақил топадилар, улар учун субъектив янги билиш ва амалий характердаги муаммоларни ечиш кўникмаларини эгаллайдилар. Бундай кўникмалар, хусусан, тизимлаштириш машқларини ўтказишда шаклланади. Бунда таълим олувчилар ўрганиладиган предметлар, ходисалар, хоссалар, усулларни гуруҳлар ва кичик гуруҳлар бўйича фикран тақсимлайдилар, уларни таснифлайди, фаркли белгиларига кўра таққослайди. Ижодий машқларнинг типик кўринишларидан бири продуктив масалаларни ечиш ҳисобланади:

– танлашга доир (технологиялар, инструментлар, мосламалар, қайта ишлаш усуллари, тузатишлар);

– боғлиқликларни аниқлашга доир(хоссалар, талаблар, ҳодисалар ўртасидаги алоқалар);

– таққослаш ва баҳолашга доир (ишларни бажариш усуллари, у ёки бу жараёнларнинг қўлланилиши самарадорлиги);

– турли ҳодисалар ва жараёнларни тушунтиришга доир.

Изланиш машқлари. Изланиш машқларида ўқувчилар эгаллаган билим ва кўникмаларини ижодий қўллайдилар. Аммо бунда уларнинг фикрий фаоллиги анча юқори бўлади. Изланиш машқларининг умумқасбий ва махсус фанлар учун характерли бўлган қуйидаги турларини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин.

Диагностик машқлар. Бундай машқларнинг асосий дидактик моҳияти – ўқувчиларнинг касбий фикрлашининг диагностик ташкил этувчиларини ривожлантириш. Улар бир неча босқичда амалга оширилади.

Биринчи босқичда ўқувчилар машина ва унинг қисмларидаги дефектлар, носозликлар, бузулиш турларини аниқлайдилар. Бунда улар дефектлар коллекцияси, типик носозликларга оид жадваллар, топшириқ-картотекалардан фойдаланадилар.

Иккинчи босқичда прогностик масалалар ечилади. Бунда асосий мақсад ўқувчиларда турли вазиятларда йўналиш ола билиш кўникмаларини шакллантириш ҳисобланади (“нима бўлади, агарда.... бўлса?”, “бу ишнинг охири нима билан тугайди...?”).

Учинчи босқичда ўқувчилар ташхисга ўргатилади. Бунда ўқувчилар ҳужжатлар, технологиялардаги хатоларни излаш, машина ва техник жиҳозлардаги носозликларни топиш бўйича машқ қиладилар, яъни диагностик масалаларни мустақил ечадилар. Бундай машқларни носозликларни излаш алгоритмининг ва тренажёрларни қўллаш орқали самарали ўтказиш мумкин. Изланиш машқлари қаторига конструкторлик машқларини киритиш мумкин. Одатда, улар маълум тизим асосида ўтказилади. Бунда ўқувчиларнинг мустақиллиги ва ижодий касбий фикрлаши даражаси секин-аста оширилиб борилади:

– мавжуд технология, машина деталлари, жиҳозлар элементларига ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар бериш ва масалалар ечиш;

– технология, машина ва жиҳозларда етишмайдиган деталлар (бўгин)ларни тиклашга доир масалаларни ечиш;

– берилган схема бўйича технологиялар, жиҳозлар ва конструкцияларни лойиҳалаштириш;

– умумий ғоя ва муайян талаблар асосида технологиялар, объектларни мустақил лойиҳалаш, конструкциялаш, машқларни бажариш мотивацияси ва омиллари.

Ўргатиш методи машқ методи билан узвий боғлиқ. Ўргатиш асосида ўқувчилар касбий фаолиятга тайёрланади, машқлар эса шахсий ва касбий аҳамиятга эга кўникмаларни шакллантиришга хизмат қилади.

Машқлар таснифи. Машқларнинг ҳар хил турларини ажратиш уларни ўтказиш ва методлари мазмунининг ўзига хос хусусиятларини қараб ўтиш учун муҳим ҳисобланади. Машқларни таснифлашга икки хил ёндашув бор.

Биринчиси – машқларни дидактик мақсадлари бўйича таснифлаш: кўникмаларни шакллантириш (ёки ривожлантириш); дастлабки кўникмаларни шакллантириш; мураккаб кўникмаларни ривожлантиришга оид машқлар.

Иккинчиси – машқларни мазмуни бўйича таснифлаш: касбий фаолият усулларини бажариш; касбий фаолият элементларини бажариш; технологик жараёнларни ва машиналарни бошқариш, меҳнат жараёнларини бажариш; ахборот технологияларини касбий фаолиятда қўллаш; меҳнатни ташкил этишга оид машқлар.

Машқларни дидактик мақсадларига кўра ажратиш амалий қўллаш нуқтаи назаридан унчалик мақбул эмас, чунки бундай машқларни амалий таълимнинг бирор даврида бажариш вақтига кўра тақсимлаш анча қийин иш.

Машқларни мазмунига кўра таснифлаш эса кўп даражада амалий таълим даврига тўғри келади, уларни ажратиш, маълум вақт доирасида чеклаш мумкин. Машқларнинг ушбу хусусиятидан келиб чиқан ҳолда, бутун амалий таълим жараёнини ўқувчиларда касбий маҳоратни шакллантириш мақсадида машқларни бирин-кетин мураккаблаштириб бориш жараёни сифатида қараш мумкин. Ана шу нуқтаи назардан, «машқ амалий таълимнинг асосий методи ҳисобланади», деган даъво ўринлидир. Машқ методини бундай тушуниш машқни ҳар томонлама тал-

кин қилиш чегарасини анча кенгайтиради. Машқ – касбий фаолиятнинг муайян элементини эгаллаш усули. Ўқувчилар дастлаб машқ қилиш орқали касбий фаолият усуллари эгаллайди. Уларни эгаллашдан асосий мақсад шахсий ва касбий кўникмаларни шакллантиришдир.

Машқлар ва мустақил иш. Машқлар методини қараб ўтишда «машқлар» ва «мустақил иш» тушунчаларининг ўзаро боғлиқлиги ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлмоқ зарур. Бу тушунчалар кўпинча ёнма-ён ишлатилади. Мустақил иш эса қатор ҳолларда амалий таълимнинг мустақил методи қаторига кирилади. Умумий қабул қилинган мулоҳазага кўра, амалий таълим – бу машқларнинг кетма-кетлиги занжири. «Мустақил иш» атамасини амалий таълим методини тушунтириш учун қўллаш ноўриндир. Ўқувчиларнинг мустақил ишини амалий таълимнинг маълум даврлари учун хос бўлган машқлар сифатида ҳам қараш мумкин. Бу даврларда ўқувчиларнинг фаолияти сезиларли даражада мустақиллик хусусиятига эга бўлади, яъни педагогга боғлиқ бўлмайди. Бунда ўқувчиларнинг касбий мустақиллигини шакллантириш асосий дидактик мақсад ҳисобланади. Уларнинг касбий мустақиллиги турли даражада шаклланиши мумкин. Шундай қилиб, ўқувчиларнинг «машқлари» ва «мустақил иши» бир бутун ва қисм сифатида ўзаро қиёсланади.

Тренажёрларда машқлар. Баъзида ишлаб чиқариш шароитида касбий кўникма ва малакаларни шакллантирадиган машқларни реал ҳолда самарали ташкил этиш имкони бўлмайди. Ана шундай ҳолларда, шубҳасиз, тренажёрлардан фойдаланилади. Тренажёрдаги ҳар бир вазият назорат-ўлчов асбобларининг кўрсаткичлари, сигналларининг муайян тарзда бирлашиши натижасида юзага келади. Агар тренажёрда қурилма, аппарат, системанинг барча зарурий кўрсаткичлари ва параметрларини тиклаш имкони бўлмаса, у ҳолда улардан айримлари оғзаки баён этилади. Авария ҳолати, одатда, кўнғироқ, сигнал лампасининг ёниши ва бошқалар орқали маълум қилинади. Ўқувчи топшириқ олиб, дастлаб нормадан четланишлар бор-йўқлигини ва уларнинг характерини аниқлайди. Кейин қурилма-тренажёрнинг бошқариш воситаси ёрдамида у асбобларнинг маълум кўрсаткичлари катталигини ўзгартиради, система меъёрий ҳолатга

келмагунига қадар зарурий улаш, ўчириш ва бошқа ишларни амлага оширади. Ушбу масалани ечганидан сўнг ўқувчи ўзининг бажарган ишларини тўла асослаб беради. Ўқувчиларнинг иш-фаолияти етарли даражада асосли, аниқ ва ишончли бўлмагунга қадар тренажёрда машқлар давом эттирилади.

Ҳақиқатан, касбий маҳоратни эгаллаш – бу янги-янги ўқув-ишлаб чиқариш масалаларини ечишнинг кетма-кет қадами – босқичлари, янги мақсадларга кетма-кет эришиш демакдир. Бу эса машқларнинг муҳим белгиси ҳисобланади. Дастлаб, усул ва меҳнат-амалларини ўрганиш – касбий фаолиятни тўғри амалга ошириш, кейин эса, аниқликка, тезликка, маҳоратга эришиш бўйича машқлар қилинади; комплекс характердаги ишларни бажаришда (меҳнат жараёнларини бажариш бўйича машқлар; технологик жараёнларни бошқариш бўйича машқлар) амалий таълимнинг янги мақсадлари амалга оширилади.

Шундай қилиб, машқларнинг узлуксиз занжири сифатидаги амалий таълим жараёни ҳақидаги тушунча мантикий хулоса эмас, балки реал дидактик ҳодисадир.

2.3. Лаборатория машғулотларида бўлажак мутахассисларда касбий куникмаларни ривожлантириш

Ўқувчилар лаборатория ишларини бажариши учун унинг мазмуни, ишни бажариш тартиби тўғрисида билимга эга бўлишлари керак. Лаборатория ишини бажариш жараёнини ўқитувчи ёки лаборант кузатиб боради.

Ҳар бир иш ўрнида 2–3 ўқувчи тажриба ўтказиши мумкин. Иш ўрнида, яъни лаборатория ишини ўтказиш жойида фақат мазкур лаборатория ишига тегишли асбоб-ускуна ва жиҳозлар бўлиши лозим. Ишни бошлашдан олдин жиҳозлар ёки асбобларнинг тўғри йиғилганлиги, ишлаш-ишламаслиги текшириб кўрилади. Асбоб ва жиҳозлар талаб даражасида тоза бўлиши шарт.

Ўқувчи лаборатория ишини бажараётган пайтда олинган маълумотларни дафтар ёки журналга қайд қилиб боради. Лаборатория ишларини бажарганидан сўнг ҳисобот тайёрлайди. Ҳисобот дарс охирида ёки келгуси дарснинг бошида ўқитувчига кўрсатилади.

Ҳисобот куйидаги тартибда тайёрланади:

- лаборатория ишининг номи;
- ишни бажаришдан мақсад;
- тажриба объекти ва назорат-ўлчов асбоблари;
- қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари турлари ва уларнинг ишлаш тартиби;
- синаш натижалари ва олинган маълумотларни қайта ишлаш;
- хулоса.

Амалда қўлланилаётган қишлоқ хўжалиги, мелиоратив машина ва жиҳозларини педагогик технологиялар асосида ўрганиш бўйича услубий тавсиялар деярли ишлаб чиқилмаган.

Шу боис биз ТИМИ ўқитувчилари А. У. Атажонов ва Ф. Ф. Бекжонов[5] томонидан «Мелиорация машиналари»²¹ фанидан лаборатория ишларини бажариш учун ишлаб чиқилган методик кўрсатмалардан фойдаланишни тавсия этамиз.

Лаборатория машғулоти

Мавзу: Плугли канал қазғичларнинг иш жиҳозини ўрганиш

Ишининг мақсади: Осма ва тиркамали плугли канал қазғичлар иш жиҳозлари конструкцияси ва вазифасини ўрганиш.

Кўргазмали қурол ва жиҳозлар

1. Пассив иш жиҳозли осма ва тиркамали плугли канал қазғичлар макетлари, плакатлар, слайдлар ва асл нусхаси.

2. Осма плугли канал қазғич иш жиҳозининг асл нусхаси.

3. Тиркамали плугли канал қазғич иш жиҳозининг асл нусхаси.

4. КЗУ-0,3 канал қазғич-текислагичнинг асл нусхаси.

Ишни бажариш тартиби

1. Пассив иш жиҳозли плуг канал қазғичларнинг вазифалари ва умумий тузилишини ўрганиш.

2. Осма ва тиркамали ишчи жиҳозли плугли канал қазғичларнинг конструкцияларини ўрганиш.

3. Плугли осма ва тиркамали ишчи жиҳозли канал қазғичларнинг конструктив чизмасини чизиш.

4. КЗУ-0,3 канал қазғич конструкциясини ўрганиш ва конструктив чизмасини тайёрлаш.

²¹ Атажонов У., Бекжонов Ф.Ф «Мелиорация машиналари» фанидан лаборатория ишларини бажариш учун методик кўрсатмалар. – ТИМИ, 2008.


5. Плугли осма ва тиркамали ишчи жиҳозли канал қазгичларнинг индексланиши (русумланиши)ни ўрганиш.

Умумий тушунчалар

Плугли МК-16 канал қазгич(2.3.1-расм) тубининг эни 0,6 м ва чуқурлиги 0,5-0,6 м бўлган муваққат суғориш каналларини қазишга мўлжалланган. Ундан каналларни тозалашда ҳам фойдаланиш мумкин. МК-16 канал қазгич лемехли стойка, ағдаргичлар, таянч чанғи ва нишаб зичлагичлардан тузилган.

Стойканинг кесими қутисимондир. Унинг пастки қисмига лемех учун лист пайвандланган бўлиб, унга яширин каллакли тўртта болт ёрдамида тоблаб пухталанган лемех маҳкамланган.

Ўнг ва чап ағдаргичлар стойкага косинкалар, обирралар ва кашаклар ёрдамида маҳкамланган.



2.3.1-расм. Плугли МК-16 канал қазгич схемаси:

1-стойка; 2-лемех; 3-ағдаргич; 4-чанғи;

5-нишабларни зичлагич

Стойканинг пастки қисмига ўқ воситасида чанғига бириктирилган поводок шарнир ёрдамида маҳкамланган. Чанғи ёрдамида канал қазгич қазилаётган каналнинг тубига таяниб туради. Ағдаргичларнинг пастки қирраларига шарнирлар ёрдамида нишаб зичлагичлар бириктирилган, зичлагичлар керакли вазиятда винтли кашаклар билан котириб қўйилади.

Чанғининг лемехнинг кесувчи қиррасига нисбатан вертикал вазияти учуда дастаси бўлган ростлаш винти ёрдамида ўзгартирилиши мумкин. Нишабларнинг нисбати 1:1 бўлган каналлар қазишда канал қазгич шундай вазиятида (грунтга ботирилган ҳолатда) туриши керакки, бунда ағдаргичларининг юқориги четлари даланинг юзасига паралел жойлашган бўлсин.

Бундай вазиятга ўрнатиш қурилмасининг юқориги тортқисининг узунлигини ростлаш йўли билан эришилади. Шундай ростланганда нишабларнинг қиялиги 0,75-1,25 атрофида бўлади. Қазиладиган каналнинг чуқурлиги таянч чанғининг ҳолати ва канал қазиладиган грунтнинг зичлигига боғлиқ. Масалан, чанғининг винти 12–15 айланишга бураб чиқариб қўйилса, канал 0,5 м чуқурликда қазилади. Нишаб зичлагичларнинг вазияти қазиладиган каналнинг чуқурлиги ва грунтнинг зичлигига мослаб ростланади. Далада иш бошлаш олдидан канал қазгичнинг тракторга тўғри ўрнатилганлигига, пухта маҳкамланганлигига ишонч ҳосил қилиш ва пайқалган нуқсонларни йўқотиш лозим.

Канал қазгич гидротаксимлагичнинг “эркин” вазиятида ишлаши керак (таксимлагич дастаси чекка ҳолатда қотириб қўйилади). Шундагина канал тубининг сирти текис чиқади. ўртача зичликдаги грунтларда канал қазгич канални бир ўтишдаёқ қазий олади. Каналдаги сув сатҳи дала юзасидан юзада бўлиши ва дамба грунтини қўшимча зичлаш талаб этилганда канал икки ўтишда қазилади.

Биринчи ўтишда каналнинг чуқурлиги 0,4 м га тенг бўлади. Иккинчи ўтиш вақтида трактор гусеницалари билан дамбанинг грунтини зичлайди, каналнинг чуқурлиги 0,5-0,6 м га етади. Биринчи ўтишда каналнинг чуқурлиги канал қазгичнинг таянч чанғиси вазиятини ўзгартириш билан ростланади. Канал қазгичдан мунтазам фойдаланилганда таянч чанғи ва нишаб зичлагичларнинг винтли қурилмалари ҳафтада бир марта солидол билан мойланади.

Бундан ташқари, плугли канал қазгичлари кўрсаткичларини билиш зарур.

Ҳисобот мазмуни: 1.Назарий тушунчалар. 2.Плугли канал қазгичларнинг тузилиши ва ишлаш тартиби. 3.Осма ва тиркамали плугли канал қазгичларнинг асосий кўрсаткичлари. 4. Бажарилган иш бўйича хулосалар.

Назорат учун саволлар.

- 1.Плугли канал қазгичлар қандай турларга бўлинади?
- 2.МК-16 канал қазгичлар қандай жиҳозлардан тузилган?
- 3.МК-16 канал қазгичлар тракторга қандай ўрнатилади?
- 4.Осма ва тиркама канал қазгичларнинг қандай афзаллик ва камчиликлари бор?

2.4. Ўйин технологияси асосида ўқувчиларда касбий кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш

Ўқитишнинг ўйинли технологияси анъанавий таълим ва тарбия методларидан тубдан фарқ қилади. Ўқитишнинг ўйинли технологияси таълимнинг бошқа методларидан яна шуниси билан фарқ қиладики, бунда ўқувчи бирор вақт давомида «реал» ҳаётий вазиятларда «яшаб кўради» Шундай бўлса-да, ўқитишнинг ўйинли технологияси замонавий ва анъанавий ўқитиш методларининг ўрнини боса олмайди, аммо уларни мазмунан бойитади, ўқитувчининг педагогик фаолияти доирасини кенгайтириб, қўйилган мақсадга эришишга имкон беради, ўқувчиларнинг ижтимоий-касбий ривожланишини оптималлаштиради.

С.Бобокуловнинг фикрича[7], ўқитишнинг ўйинли технологиясини тўлақонли жорий этиш қуйидагиларни тақозо этади: ўйинни касбий билим асослари бўйича ўқув дастури, таълим йўналишлари ва ўйин иштирокчилари контингентига мослаштириш; ўқитишнинг ўйинли технологияси мазмуни билан ўйин иштирокчиларини аввалдан таништириш; ўйинни кўргазмали қилиб ташкил этиш ва ўтказиш; ўйин жараёнини мувофиқлаштирувчи педагогларни тегишли методик ҳужжатлар, ўйинни ташкил этиш ва ўтказиш услублари билан таништириш; ўйиннинг асосий жиҳатларини тушуниб олишлари учун педагоглар билан тренинг машғулотлари ўтказиш; ўйинга оид методик ҳужжатларни тақдим этиш; ўйинни тайёргарлик кўрган тажрибали педагоглар ёрдамида ўтказиш²².

Таълим-тарбия жараёнида ўқитишнинг ўйинли технологиясидан фойдаланиш қуйидагиларни тақозо этади.

Илмий раҳбарлик ва маслаҳат. Ўқитишнинг ўйинли технологиясини жорий этиш мақсадга йўналтирилган илмий-педагогик тадқиқотлар ўтказилишини назарда тутати. Илмий-педагогик тадқиқотлар ўйин технологияси самарадорлигини ўқитишда қўлланиладиган бошқа методикаларники билан қиёслаш учун ўтказилади. Фаолиятнинг мазкур йўналиши доирасида илгари ишлаб чиқилган ўйин технологиялари мазмуни коллежларда фойдаланилаётган ўқув дастурларига мослаштирилади.

²² Бобокулов С. Иқтисодий таълим: технология, тренинг, маҳорат. –Т., Иқтисод-молия, 2008.

Фаолиятнинг мазкур йўналишида коллежда ўқитишнинг ўйинли технологиясини жорий этишга илмий раҳбарлик қилиш бўйича ўқитувчиларга маслаҳатлар берилади.

Ахборот таъминоти. Ўйин технологиясидан фойдаланиши учун ўқитувчига у ҳақида муфассал ахборот зарур. Ўқитувчилар таълим-тарбия методикаси, педагогик фаолиятда ўқитишнинг ўйинли технологиясидан фойдаланишга оид адабиётлар билан таъминланиши зарур. Ахборот таъминоти педагогнинг энг самарали ўйин технологияларини танлаши ва улардан унумли фойдаланиши учун имконият яратади. Ўйин технологиясидан фойдаланиш борасида зарурий ахборотнинг йўқлиги жиддий кийинчиликлар туғдиради.

Методик таъминот. Ўқитишнинг ўйинли технологиясидан фойдаланишга киришаётган ҳар бир ўқитувчи ўрганилаётган курснинг мақсад ва вазифалари, ўқувчиларнинг ёши, коллеждаги таълим йўналишлари ва шарт-шароитларга, тажрибаси ва бошқаларга боғлиқ равишда турли ўйинларни танлайди. Ўйин технологиясини самарали қўллаш учун коллежда ўрганилаётган ўқув предмети бўйича методик ишланмалар, методик адабиётлар кутубхонасини шакллантириш зарур. Бунда ўқитувчининг нафақат ўқув дастурлари, балки ўқитиш методикасини ҳам танлаш имконига эга бўлади. Методик таъминотсиз ўқитишнинг ўйинли технологиясидан самарали фойдаланиб бўлмайди. Ўйиннинг таълимий имкониятларини кўрсатиш учун видеоматериаллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Методик материалларга алоҳида талаблар қўйилади. Унда ўйинни тайёрлаш ва ўтказиш методикаси, ўйин жараёнини назорат қилиш, якуний ҳулоса қилиш масалалари акс этади.

Психологик тайёргарлик. Психологик тайёргарлик касбий фаолиятни амалга ошириш, биринчи навбатда, ўйинни ўқувчилар контингенти ва таълим-тарбия йўналишларига мослаштиришни назарда тутати(уларнинг ёши, ҳуқуқий саводхонлиги даражаси, ўйинда иштирок этиш тажрибаси, жамоада ўзаро муносабатларга киришиш кўникмасини ҳисобга олиш). Ўйинда ушбу масалалар эътиборга олинмаса, маъмурият ҳам, ўқитувчи ҳам кутаётган натижага эриша олмайди. Коллеж ўқувчиларини ўйинга олдиндан психологик тайёрлаш лозим. Бу ижтимоий-психологик тренинг шаклида ўтказилади ва иштирокчиларга ўйин тажрибасини “ёдга

тушириш” ҳамда келгусида ўқув ўйинларида мунтазам иштирок этиш имконини беради. Шунинг учун унинг психологик тайёрилиги муҳимдир. Бунинг учун ўқув-методик семинарлар ўтказилиши керак.

Техник таъминот. Таълимий ўйинларни ўтказиш учун моделлар, иллюстратив материаллар, акциялар, қимматли қоғозлар, чек дафтарчалари, ҳисоб варақлари, меъёрий ҳужжатлар ва техник воситалар билан жиҳозланган махсус хона зарур. Қийинроқ таълимий ўйинларни ўтказиш учун замонавий компьютер ва тегишли дастурий таъминотдан фойдаланилади. Яхши моддий-техник база коллежда таълимий ва тарбиявий ўйин технологияларини муваффақиятли жорий этиш шартларидан биридир.

Ташкилий-тузилмавий таъминот. Ўқитишнинг ўйинли технологиясини жорий этиш қатор расмий тартиб-қоидаларга риоя қилишни талаб этади: ўйинни ўқув фани мазмунига кириштириш; ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги буйруқ тайёрлаш; жорий этишга масъул шахсларни тайинлаш, уларнинг вазифалари ва бурчларини аниқ белгилаш; ўйин машғулотини самарали ўтказиш, педагогларнинг таълим-тарбиявий иш режаси, ўйинларни ўтказиш муддатлари, аниқ ижрочилар, иштирокчилар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқалар.

Ўйин технологиясининг жорий этилишини назорат қилиш хатоларга йўл қўймаслик имконини беради. Ташкилий таъминот фақат маъмурий чораларнигина назарда тутмайди. У педагогларнинг ижодий ташаббусларига боғлиқ. Ўйин технологиясини жорий этиш борасидаги ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, педагогларни рағбатлантириш, илғор тажриба ва методик янгиликларни кенг ёритиш мақсадга мувофиқ.

Ҳуқуқий таъминот. Ҳуқуқий таъминот – ташкилий фаолиятнинг бир қисми. Коллеж маъмурияти, таълим ташкилотларининг буйруғи ўйин технологиясини жорий этишни фаоллаштиради. Ўйин технологияси мазмунини ишлаб чиқиш амалдаги қонунчиликка, таълим тизимининг ишини тартибга солишчи норматив актлар, қоидалар, йўриқномаларга зид бўлмаслиги лозим. Ўйин технологиясини ишлаб чиқиш ва жорий этишда педагогнинг ҳуқуқий саводхонлиги муҳим ҳисобланади.

Молиявий таъминот. Ҳозирги вақтда коллежларда ўқитишнинг ўйинли технологиясини ишлаб чиқиш ва жорий

этиш учун алоҳида пул-маблағлар ажратилмайди. Бироқ таълимга ўйин технологияларини жорий этиш маълум даражада маблағ сарфланишини тақозо этади. Бунинг учун қўшимча молиялаш манбаларини излаш лозим. Биринчи имконият – хайрия жамғармалари, шу жумладан, ота-оналарнинг ҳомийлик ёрдами. Иккинчи имконият – таълим муассасаларининг тижорат фаолиятини амалга ошириш ва даромаднинг маълум қисмини таълим-тарбия жараёнида ўйин технологиясини қўллашга сарфлашдир.

Кадрлар таъминоти. Ўйин технологиясини ташкил этиш ва ўтказишда фаол иштирок этадиган ўқитувчилар, тарбиячилар, синф раҳбарлари, директорларнинг ўқув ишлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарларини илмий-методик тайёрлаш ва малакасини ошириш фойдан холи эмас. Ўйин иштирокчиларини тизимли ўқитиш, турли ўйинлардан фойдаланиш методикаси билан таништириш ижобий натижалар беради. Бу йўналиш замонавий коллеж учун жуда муҳим, чунки кўпчилик ўқитувчилар ўйин технологиясини қўллаш бўйича тажрибага эга эмас. Ўйинларни жорий этишдаги асосий қийинчиликлардан бири – бу ўйинни ташкил этадиган ва бевосита ўтказадиган раҳбар (ўйинни мувофиқлаштирувчи)ни тайёрлашдир. Ҳар қандай мохир педагог, шу жумладан, ўз фанини яхши биладиган ўқитувчилар ҳам ўйинни самарали бошқаришга қодир бўлавермайди. Дастлаб ўтказиладиган ўйин модели ва уни ўтказиш тартиб-қоидалари ишлаб чиқилади. Ишбилармонлик ўйини модели – бу реал воқеликнинг соддалаштирилган муайян модели бўлиб, усиз ўйинни амалга ошириб бўлмайди.

Ўйинни ташкил этишга оид ҳужжат методик кўрсатмалар тўплами, одатда, таълим муассасаси, кафедра, ўқув фани, ўйин номи, муаллиф ва сана кўрсатилган титул varaқасини қамраб олади. У муаллиф ва қайси мутахассисликлар учун тайёрланганлиги ҳақида тўлиқ тасаввур бериб, ўйин мазмунини бўлимлар бўйича тақсимланган ҳолатда келтирилади.

Биринчи бўлим – ўйин мавзуси, унинг мақсади ва вазифалари. Бу бўлимда унинг вазифалари дидактик асосланади.

Иккинчи бўлим – ишбилармонлик ўйини ҳақида дастлабки ахборот. Унда имитацион моделлаштириш объекти кўрсатилади ва қисқача тавсиф асосида ўйин қоидалари кенг очиб бери-

лади, ўйин жамоасининг таркиби (роллар, топшириқлар) барча босқичларда жорий қилинадиган вазифалари келтирилади.

Учинчи бўлим – ўйинни ўтказиш технологияси. Ўйин давомида амалга ошириладиган ишлар ва ечимлар кетма-кетлиги батафсил баён этилади.

Тўртинчи бўлим – бошқарув гуруҳини шакллантириш. Ўқитувчи учун йўриқнома ва ўйинни бошқариш вазифалари тавсифи, иштирокчилар фаоллигини баҳоловчи гуруҳ, шунингдек эксперт гуруҳини акс эттиради.

Бешинчи бўлим – ўйинни бошқариш тизими. Ўйинни бошқариш бўйича ўқитувчи ва ўйин иштирокчиларига кўрсатмалар ҳамда уларнинг вазифалари тавсифини қамраб олади. Ўқитувчи ва ўйин иштирокчиларининг иш фаоллигини баҳолаш бўйича йўриқнома келтирилади.

Олтинчи бўлим – рағбатлантириш тизими. Ўйин иштирокчилари томонидан қабул қилинадиган ечимлар сифатини баҳолашни, ўйинни амалга оширишга имкон берадиган материалларни ўз ичига олади (масалан, балларда, бироқ бошқа баҳолаш мезонлари ҳам қўлланилиши мумкин).

Еттинчи бўлим – ўйин таҳлили. Ўқитувчи учун тайёргарлик кўриш, иштирокчилар билан ўйин таҳлилинини ўтказиш ва улар фаолиятини асосли баҳолашга имкон берадиган материалларни ифодалайди.

Иловада фойдаланиладиган ҳужжатлар, зарурий тушунтиришлар, тавсия қилинадиган техник воситалар ва жадваллар рўйхати келтирилади.

Ҳар бир иштирокчига ўйиннинг барча босқичларида амалга ошириладиган ишлар кетма-кетлиги баён қилинган йўриқнома берилади. Ўйин давомида таълим олувчиларда қуйидаги кўникмалар шакллантирилади: зарур ахборотларни йиғиш ва таҳлил қилиш; ахборотлар тўлиқ, етарли ёки ишончли бўлмаган шароитда ҳам ечимларни қабул қилиш, қабул қилинган ечимни баҳолаш; муайян турдаги касбий масалаларни таҳлил қилиш; касбий фаолиятнинг турли соҳалари ўртасида боғланишлар ўрнатиш; жамоада ишлаш, бошқариш, умумий фикрлаш усулларида фойдаланиб, биргаликда ечим ишлаб чиқиш; жараён ва ходисаларни тадқиқ қилишда тизимли ёндашувдан самарали ва ижодий фойдаланиш, абстракт ва тимсолий фикрлаш.

2.5. Касбий кўникмаларни ривожлантиришнинг амалий-дидактик воситалари

Бўлажак кичик мутахассисларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантириш анча долзарб масала бўлиб, у амалий фаолиятнинг ўзига хослиги билан белгиланади. Агар ўқувчилар касбий кўникмаларини ривожлантириш борасида тажриба эга бўлишган бўлишса, улар учун бир оз мураккаб топшириқлар, «интеллектуал тренинглар» деб аталган саволлар тузиш мумкин. Барча саволларга ўқувчиларнинг бирданига жавоб топиши мажбурий эмас. Улар анча мураккаб бўлиб, фаол фикрлашни, кўшимча ахборотларни, маълум тайёргарликни талаб этади. Бунда ўқувчилар кўшимча услубий адабиётлар, қўлланмалар, газета ва журналлардан фойдаланиб, шунингдек, ўқитувчи ва мутахассислар кўмагида саволларга жавоб топишлари мумкин.

Касбий таълим самарадорлиги ва ўқувчиларнинг касбий кўникмаларини ривожлантириш таълим жараёнида касбий топшириқларни бажариш ва касбий масалаларни ечиш билан узвий боғлиқ. Улар доимий равишда ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиради, иродасини ривожлантиради, эътиборини оширади. Касбий масалаларни ечиш ўқувчиларнинг касбий билимларни онгли равишда ва пухта ўзлаштиришига ҳамда касб соҳасидаги фаолиятлар билан боғлиқ муаммоларни ечиш кўникмаларини эгаллашида муҳим ўрин тутаяди. Бундан ташқари, касбий масалаларни ечиш ўқувчиларни касбий билимларнинг амалий татбиқи билан таништиради. Касбий топшириқлар эса ўқувчиларнинг амалий касбий фаолият соҳасидаги билимларини бойитаяди.

Касбий масалаларни ҳозирги вақтда касб-хунар таълими тизимида фойдаланилаётган ўқув дастурлари мазмуни доирасида тузиш ва уларни мавзулар бўйича гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқ. Қуйида ўқувчиларга бериладиган касбий топшириқлардан бирини келтириб ўтамиз.

Топшириқ. «Гидромелиоратив машина (бир чўмичли экскаватор) ва жиҳозлардан фойдаланиш ва уларга техник кўрсатиш» мавзуси бўйича қуйида келтирилган касбий тушунча ва ибораларни категориялар бўйича гуруҳларга ажратинг ва уларнинг маъносини изоҳлаб беринг: двигатель, электр тизими, гидравлик тизим, ёнилғи, ёнилғи фильтри, ёнилғи форсункаси, аккумулятор,

узатма дастаги, кичқичлар, генератор тасмаси, ҳаво фильтри, салт юриш, клапан тирқиши, сапун трубкаси, радиатор, мой сатҳи, насос, мой шланги, гидравлик компоненти, цилиндр салниклари, термостат, шланг, ёнилғи сатҳи, совитиш тизими, насадка, балласт, вентилятор, электролит, заряд, тасма таранглиги, тасманинг бўшлиги, электролит сатҳи, сўриш коллектори, ҳимоя клапани, қувур, тебранма сиқиш мосламаси, тебранма тармоз. 2. 5.1-жадвалда касбий тушунчалар категориялар бўйича гуруҳларга ажратилиб, таснифланган.

Касбий кўникмаларни ривожлантиришнинг зарурий шарти бу – ўқувчиларга касбий билим асосларини ўқув фанларининг хилма-хил комплекси, шу жумладан, математика ёрдамида турли нуктаи назардан ўргатиш, шунингдек, улар онгида таянч касбий тушунчаларни ривожлантириш назарда тутилган янги касбий муҳитда тўғри йўналиш ола билишга, таълим шарт-шароитига ва келгусида касбий фаолиятга мослаша олишга имкон берувчи махсус дастурлар яратиш ҳисобланади

2.5.1-жадвал

“Гидромелиоратив машина (бир чўмичли экскаватор) ва жиҳозларидан фойдаланиш ва уларга техник кўрсатиш” мавзуси бўйича касбий тушунчаларни категориялар бўйича гуруҳларга ажратиш

Двигатель ишлаши билан боғлиқ тушунчалар	Электр тизими ишлаши билан боғлиқ тушунчалар	Гидравлика тизими ишлаши билан боғлиқ тушунчалар
ёнилғи, ёнилғи фильтри, ёнилғи форсункаси, ҳаво фильтри, салт юриш, клапан тирқиши, сапун трубкаси, радиатор, термостат, шланг, ёнилғи сатҳи, совитиш тизими, насадка, балласт, вентилятор	аккумулятор, узатма дастаги, кичқичлар, генератор тасмаси, электролит, заряд, тасма таранглиги, тасманинг бўшлиги, электролит сатҳи	мой сатҳи, насос, мой шланги, гидравлик компоненти, цилиндр салниклари, сўриш коллектори, ҳимоя клапани, қувур, тебранма сиқиш мосламаси, тебранма тармоз

Ўқувчиларни касбий масалаларни ечишда ахборот технологияларидан фойдаланишга ўргатиш уларнинг касбий кўникмаларини ривожлантиришнинг муҳим омилларидан биридир. Хусусан, ахборот технологиялари муҳитида математик моделлаштиришдан фойдаланилган ҳолда қарорлар қабул қилиш назариясига таянилган бошқарувнинг янги методларини қўллай оладиган малакали мутахассислар зарур. Бундай масалаларни ечишда Microsoft Excel жуда қулай ҳисобланади.

«Коллеж ўқувчиларида касбий кўникмаларни ривожлантириш методикаси» махсус курсини ўқитишда ўқувчилар олдига мустақил ечишлари учун бир нечта касбий масала қўйдик. Ана шундай касбий масалалардан айримларини келтириб ўтамиз.

Биринчи масала. Айтайлик экскаватор заводи тўрт хил турдаги экскаватор ишлаб чиқаради: W, X, Y, Z. Заводда ҳар ойда камида жами 1000 та экскаватор . Бир ой давомида завод ишчиларининг ҳар бири 150 соатдан ишлайди. Завод бир ойда 900 тоннадан ортиқ пўлат сарфлаши мумкин.

Ушбу касбий масалани ечишда экскаватор моделларининг шундай ассортимент тўпламини ва ҳар бир моделнинг шундай бирлиги миқдорини танлаш керакки, натижада завод энг кўп фойда олсин. Айни бир вақтда ресурслар, яъни вақт, қувват ва маҳсулот (пўлат) тежалиши керак.

Иккинчи масала. Корхона қуйидаги ресурсларга эга: ишчи кучи –2000 киши-соат; материаллар –1800 бирлик; жиҳозлар фонди – 1900 станок/соат.

Бу ресурслар асосида уч хил маҳсулот тайёрланади: А, В, С.

А турдаги маҳсулотни ишлаб чиқиш учун қуйидагилардан фойдаланилади: ишчи кучи – 3,7 киши, материаллар – 2,4 бирлик, жиҳозлар – 2, 6 станок/соат. В турдаги маҳсулотни ишлаб чиқиш учун қуйидагилардан фойдаланилади: ишчи кучи – 3,1 киши, материаллар – 1,4 бирлик, жиҳозлар – 1, 7 станок/соат. С турдаги маҳсулотни ишлаб чиқиш учун қуйидагилардан фойдаланилади: ишчи кучи – 2,2 киши, материаллар – 2,2 бирлик, жиҳозлар – 2, 0 станок/соат. А турдаги маҳсулотни сотишдан 400 минг сўм, В турдаги маҳсулотни сотишдан – 700 минг сўм, С турдаги маҳсулотни сотишдан – 500 минг сўм фойда олинади. Корхона А турдаги маҳсулотдан энг камида 10 бирлик, энг кўпи 25 бирлик, В

турдаги маҳсулотдан энг камида 15 бирлик, энг кўпи 40 бирлик, С турдаги маҳсулотдан факат 15 бирлик ишлаб чиқиши керак.

Касбий масаланинг ечимини топиш учун ишлаб чиқариш бўйича шундай иш режасини аниқлаш керакки, бунда корхона энг юқори фойда олиши ва маҳсулот белгиланган муддатда ишлаб чиқилиши лозим.

Учинчи масала. Қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган СКНК-6А маракли кўчат экувчи машина қатор ораси 70 см ва экиш қадами 70 см масофада кўчатлар экади. Бир гектар ерга қанча кўчат керак бўлишини аниқланг.

Ечиш. Масала математик (арифметик) усул ечилади. Бир гектар ерни томонлари 100 мX100 м бўлган квадрат шаклида тасаввур этиш мумкин. Бу майдоннинг эни ва бўйига бўйлаб қанча кўчат экиш мумкинлигини ҳисобланг. 1 га ер майдонининг узунлиги бўйича (кенглиги бўйича ҳам) $100/0,7 = 142,85$ кўчат жойлаштирилади, жами экилган кўчатлар сони 142 донани ташкил этади. Бутун майдон бўйлаб $132 \times 142 = 20164$ дона кўчат экиш мумкин.

Турли хил касбий масалаларни бошқа ўқув фанларидан ўзлаштирган билимлар ва реал ҳаётдан олинган мисоллар асосида ўрганиш ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини янада ривожлантиради.

Ўқувчиларда мустақил ишлаш малакасини ривожлантириш, шунингдек уларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш мақсадида *иш дафтаридан* фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Иш дафтари дейилганда ўқувчиларнинг мустақил ишини ташкил этиш учун қатъий ўқув дастури асосида ёки факультатив курс машғулоти сифатида бажариладиган топшириқлар (масала ва машқлар, топшириқлар, топшириқли карточкалар) тўпламини ўз ичига олган дафтар тушунилади. Кўп педагоглар иш дафтарлари ўқувчиларнинг мустақил ишини ташкил этишда самарали восита эканини таъкидлайдилар. Педагогик адабиётлардаги маълумотларга қараганда таълим жараёнида иш дафтаридан фойдаланиш қуйидагиларга имкон беради: ўқув машғулоти учун ажратилган вақтдан унумли фойдаланиш; ўқувчиларнинг билиш фаолиятига раҳбарлик қилиш; ўқувчиларнинг мустақил билим олишини таъминлаш; янги ўқув маълумотлари ва қўшимча маълумотларни ўрганиш жараёнида ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва олган билимларини мустаҳкамлаш.

Таянч-маълумот конспектлари - ўқитишнинг дидактик воситаси. Уларда маълум ўқув ахбороти акс этади. Улардан турли таълимий масалаларни ҳал этишда, масалан, янги ўқув материалларини ўзлаштиришда, касбий топшириқлар ва машқларни бажаришда, билимларни ўзлаштириш натижаларини назорат қилишда, илгари ўрганилган тушунчаларни такрорлашда фойдаланилади.

III БОБ. АМАЛИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА КАСБИЙ КЎНИКМАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

3.1. Ижтимоий ҳамкорлик ва мутахассислик билан танишув амалиёти – касбий кўникмаларни ривожлантиришнинг муҳим омили

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашда ҳамда меҳнат бозори талабларидан келиб чиқиб, таълим йўналиши ва мазмунини белгилашда чет эл сармоялари, халқаро донорлик ташкилотлари ва жамғармаларининг маблағларини жалб этиш вазифалари кўрсатилган. Ўзбекистон-Швейцария «Касбий кўникмаларни ривожлантириш» лойиҳаси мазкур йўналишдаги муваффақиятли қадамлардан биридир. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига янги индустриал технологиялар, замонавий машиналар, автоматик воситалар ва турли жиҳозларининг кириб келиши нафақат «Қишлоқ хўжалигида технологик жараёнларни автоматлаштириш», балки бошқа махсус фанларни мукамал ўргатишни, ўқитувчи ва муҳандис-педаголарнинг ҳам касбий кўникма ва малакасини мунтазам ривожлантиришни тақозо этади. Ўзбекистон-Швейцария «Касбий кўникмаларни ривожлантириш» лойиҳа доирасида амалга оширилган ишлар худди ана шундай муаммоларни ҳал этишга қаратилди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган мақсадларга эришиш учун тажриба-синов коллежларида мазкур лойиҳа доирасида, энг аввало, қуйидаги ишлар режалаштирилди ва амалга оширилди:

- танланган таълим йўналиши ишчи ўқув режаларини коллежнинг асосий ижтимоий ҳамкорлари ва иш берувчи корхоналарнинг талаб ва истакларини эътиборга олиб қайта тузиш;

- ўқув режага «Ишлаб чиқариш корхонасида мутахассислик (касб) билан танишув амалиётини киритиш;

- манфаатдор ижтимоий ҳамкорлар билан биргаликда мутахассислар ва ишчи кадрлар тайёрлаш йўналишларни белгилаш ва режалаштириш;

- кадрлар тайёрлашнинг реал лойиҳаларини Ўзбекистон–Швейцария «Касбий кўникмаларни ривожлантириш» лойиҳаси томонидан молиявий-моддий қўллаб-қувватлаш;

– махсус фанлар, хусусан, «Қишлоқ хўжалиги электр жиҳозлари ва уларнинг монтаж ишлари» «Қишлоқ хўжалигида технологик жараёнларни автоматлаштириш» ҳамда «Электр маиший асбоблари ва ускуналаридан фойдаланиш» фанларини ўқитиш ва амалий таълим сифатини ошириш мақсадида янги ўқув режа ва дастурларини ишлаб чиқиш;

– ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари учун кўпроқ вақт ажратиш;

– коллежнинг моддий-техник базасини доимий равишда барқарор ривожлантириш;

– бўлажак мутахассиларнинг касбий тайёргарлигини ошириш, касбий кўникма ва малакаларини ривожлантириш мақсадида меҳнатни ташкил этишнинг илғор усулларида фойдаланиш;

– ўқувчиларда танлаган мутахассислиги бўйича билим олишга, касбни пухта эгаллашга мотивацияни ошириш;

– умутаълим фанларини ўқитишда «касбга йўналтириш» машғулотларини ўтказиш;

– мактаблар билан ҳамкорликда касбга йўналтириш ишларини ташкил этиш ва бошқалар.

Маълумки, ишлаб чиқариш таълими бўйича амалиётининг вазифаси ҳозирги замон ишлаб чиқариш корхоналарига малакали ишчи кадрларни тайёрлаш, ўқувчиларнинг ўрганаётган касблари бўйича билими ва кўникмаларини мустахкамлаш ҳамда такомиллаштиришдан иборат.

Шунинг учун такомиллаштирилган «Қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш» тайёрлов йўналиши ўқув режасида мутахассислик бўйича танишув (ишлаб чиқариш) амалиёти биринчи босқичда ўқув йилининг охириги икки ҳафтаси давомида ўтказилди.

«Қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш» мутахассислиги билан танишув (ишлаб чиқариш) амалиёти ишчи дастури ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу дастур асосида 12 та машғулот ўтказилиши режалаштирилди. Қўйида ана шу машғулотлар мазмуни келтирилган.

1-машғулот. Амалиётни ташкил этиш бўйича йўриқнома. Коллеж директорининг «Мутахассислик билан танишув амалиёти»ни ўтказиш ҳақидаги буйруғи. Амалиёт дастури,

максад ва вазифалари. Амалий топшириқларни бажариш тартиби жадвали ва амалиётни расмийлаштириб бориш хужжатлари. Объектларда амалиётни ўтказиш жадвали. Ўқувчиларни гуруҳларга тақсимлаш. Амалиёт бўйича масъул ишлаб чиқариш таълими усталари ва уларнинг фаолияти билан танишиш. Амалиёт кундалиги ва уни юритиш бўйича тавсиялар. Амалиёт бўйича ҳисобот ва уни тузиш ҳамда тақдимот қилиш тартиби. Амалиётни ўташ даврида ўқувчиларнинг ҳуқуқ ва бурчлари. Амалиётни ташкил этувчининг шахсий иш кийими ва химоя воситалари, экологик-гигиеник талаблар.

2-машғулот. «Қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш» мутахассислиги, касблар ва касбий тавсифнома, мутахассиснинг фаолият доираси ҳақида суҳбат.

«Қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш» таълим йўналишининг умумий тавсифи. Танланган мутахассислик ҳамда эгалланадиган касблар тавсифи. Касбий фаолият йўналишлари бўйича эгалланадиган билим ва кўникмалар. Ўқувчига қўйиладиган ақлий, руҳий ва жисмоний талаблар. Ўқувчининг ўз ўқув фаолиятини ташкил этиш асослари.

3-машғулот. Электрлаштирилган ва автоматлаштирилган қишлоқ хўжалиги объектларида роя қилиниши лозим бўлган техника хавфсизлиги қоидалари, ёнғин хавфсизлиги, меҳнат муҳофазаси, қишлоқ хўжалигидаги экологик муаммолар (умумий йўриқнома).

Амалиёт даврида ўқувчилар роя қилиши лозим бўлган техника хавфсизлиги қоидалари. Ёнғин хавфсизлиги қоидалари. Меҳнат муҳофазаси. Экологик-гигиеник талаблар. Санитария-гигиена қоидалари. Ўқувчиларнинг техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси бўйича билимини текшириш.

4-машғулот. Ўқувчиларни 1,2,3-машғулот натижаларига кўра амалиётга қўйиш. Ўқувчиларни амалиётчи сифатида расмийлаштириш.

5-машғулот. Тўрақўрғон электр тармоқлари корхонаси билан умумий танишув (экскурсия-йўриқлар).

6-машғулот. Амалиёт ўтиладиган Тўрақўрғон электр тармоқлари корхонасининг ишлаб чиқариш участкалари ва бўлимлари билан танишув, ишлаб чиқариш жараёнини кузатиш (экскурсия-кузатув).

Корхонанинг ишлаб чиқариш цехлари ва участкалари билан танишув. Корхона цехлари мутахассисларининг касбий фаолиятини ўрганиш. Касбий вазифалар билан танишиш.

7-машғулот. Иш ўринлари билан танишув (кузатув). Техник-электрик иш ўрни билан танишиш. Иш ўрнининг санитария-гигиена ва меҳнат хавфсизлик талабларига мослигини текшириш. Иш ўрнини ташкилий ва техник тайёрлаш. Асбоб-ускуна ва жиҳозларни ишга тайёрлаш. Иш ўрни ва ишни ташкил этиш. Иш ўрни учун белгиланган махсус техника хавфсизлиги қоидалари билан танишиш.

8-машғулот. Ишлаб чиқариш жараёнини кузатиш. Корхонадаги технологик жараёнларни кузатиш. Жиҳозларнинг вазифалари, иш режимлари ҳамда техник параметрларини аниқлаштириш. Хомашё ва энергия таъминоти. Коллежда олинган назарий билим ва амалий кўникмаларни ишлаб чиқариш корхонасида қўллаш имкониятларини ва келгусида иш фаолиятида зарур бўладиган амалий кўникмалар кўламини аниқлаш. Диспетчерлик бўлими фаолияти билан танишиш.

9-машғулот. «Оҳангар-ТТТ» ишлаб чиқариш компаниясининг бошқарув структураси, ишлаб чиқариш бўлинмалари, ишлаб чиқариш тизими, технологик амаллар кетма-кетлиги, ишлаб чиқариш жараёни ва технологиялари, объектдаги иш вақти, иш режими, дам олиш вақти ва меҳнат интизоми билан танишиш. «Оҳангар-ТТТ» ишлаб чиқариш компанияси таркибида фаолият кўрсатаётган «Тўрақўрғон-штамповка», «Тўрақўрғон-деталмаш», «Тўрақўрғон-гидравлика» кичик корхоналари фаолияти билан танишиш ва улардаги станок ҳамда жиҳозларнинг электр таъминотини ўрганиш. Корхоналарда экологияга оид қонунларнинг қандай бажарилаётганлигини ўрганиш.

10-машғулот. Танланган иш ўрниларида содда амалларни бажариш (амалий иш).

Ўзбекистон-Швейцария «Касбий кўникмаларни ривожлантириш» лойиҳаси томонидан коллежга берилган автоматик бошқарув стенди ёрдамида электр ўлчов асбобларини электр занжирига улаш, улардан амалий фойдаланишни ўрганиш, тестерда мустақил ишлаш. Кабелларни танлашни ўрганиш, кабелларни улаш усуллари, кабелларнинг учларини чиқариш, уларни улашга тайёрлаш, содда электр занжирини тузиш.

11-машгулот. Корхона ва мутахассислик билан танишув яқунлари бўйича ҳисобот тайёрлаш ва уни расмийлаштириш (мустақил иш).

12-машгулот. Мутахассислик билан танишув амалиёти бўйича тайёрланган ҳисобот тақдимоти.

Кейинчалик қишлоқ ва сув хўжалиг коллежларининг “Сув хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаштириш” тайёрлов йўналишининг 3450302-“Гидромелиоратив машина ва жиҳозларидан фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш механизми” касби бўйича танишув (ишлаб чиқариш) амалиёти” ишчи дастури ишлаб чиқилди.

Ўқувчиларда касбий-амалий кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришда «Топшириқларни мустақил бажариш орқали ўрганиш», «Тўрт поғонали» (тушунтириш, нима қилиш кераклигини кўрсатиб бериш, ишни кўрсатилган тарзда қайта бажариш, машқ қилиш), «Касбга мослаштириш», «Йўналтирувчи матн» «Лойиҳа» методларидан фойдаланиш тавсия этилди.

Хулоса қилиб айтганда, ишлаб чиқариш корхоналари ва касб-хунар коллежларининг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги замон талабидир. Шубҳасиз, бу ҳамкорлик малакали кадрлар тайёрлаш имкониятларини янада кенгайтиради. Бўлажак мутахассиснинг касбий тайёргарлиги унинг махсус ва касбий фанларни муваффақиятли ўзлаштиришига боғлиқ. Айниқса, машгулотларни предметлараро боғланиш асосида ташкил этиш, ўқув фаолиятини фаолаштиришда ўқувчиларнинг мазкур фанлардан олган билимларидан фойдаланиш ижобий натижа беради.

3.2. Амалий таълим жараёнида касбий кўникмаларни ривожлантиришнинг илмий-педагогик асослари

Касб-хунар коллежидаги амалий таълимнинг асосий вазифаси бўлажак кичик мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашдир. Ҳар бир касб ўзига хос кўникма ва малакаларни эгаллашни талаб этади. У ёки бу кўникма ва малакани шакллантириш учун амалий иш бажариш, такрор-такрор машқ қилишга тўғри келади. Тегишли топшириқларни бажариш, масала ечиш, ҳисоб-китоб қилиш, вазиятларни таҳлил этиш натижасида ўқувчиларда маълум амалий кўникма ва малакалар шаклланади.

Касб-хунар коллежларидаги амалий таълимнинг асоси амалий машғулотлардан иборат.

Амалий машғулот – бу ўқув жараёнини ташкил этиш шакли. Амалий машғулот жараёнида ўқувчилар ўқитувчининг раҳбарлигида ва берилган топшириқ асосида бир ёки бир нечта амалий ишни бажарадилар. Амалий машғулотнинг дидактик мақсади – ўқувчиларда касбий кўникмаларни, шунингдек келгусида ўқув фанларини мустақил ўрганишлари учун зарур бўладиган амалий кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришдир.

А. Р. Ходжабоев, Ш. У. Қосимовларнинг таъкидлашича[23], амалий касбий таълим методлари дейганда амалий касб таълими ўқитувчиси(ишлаб чиқариш таълими устаси)нинг ҳамкорликдаги фаолиятининг шундай усуллари тушуниладики, улар ёрдамида ўқувчилар амалий билимлар, кўникма ва малакаларни эгаллайдилар. Натижада уларда касбий маҳорат, меҳнатга муносабати асослари шаклланади, ақлий ва жисмоний ва ақлий кучлари, қобилиятлари ривожланади. Амалий метод дейилганда, ўқув материлини машқлар, мустақил топшириқлар, амалий ва лаборатория ишлари асосида ўзлаштириш шакллари тушунилади. Ишлаб чиқариш таълимида бундай метод қаторига иш усуллари амалий қўллаш, меҳнат операциялари, мажмуавий вазифаларни бажариш, мустақилликни ривожлантиришга қаратилган ишлар, жиҳозларни ишлатишга оид машқлар, лаборатория ишларига эса технологик жараённи бошқариш машқлари қиради²³.

Махсус фан бўйича амалий ишлар мазмунини танлашда бўлажак мутахассисда шакллантирилиши лозим бўлган касбий кўникмалар рўйхатига таянилади. Мутахассиснинг малакавий характеристикаси касбий кўникмаларни шакллантиришда асос бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун дастлаб мутахассиснинг малакавий характеристикалари ва ўқув фани мазмуни таҳлил этилади. Кейин айтилган ўқув фанини ўрганишда эгалланиши лозим бўлган кўникмалар аниқланади. Машғулотларда бўлажак мутахассис амалий фаолиятининг барча томонлари эътиборга олинсагина самарали натижаларга эришиш мумкин. Аммо бу

²³ Ходжабоев А. Р., Қосимов Ш. У. Амалий касбий таълимни ташкил этиш ва ўтказиш методикаси.-Т., ЎМКХТТКМО ва УҚТИ, 2007.

иш аниқ ўқув предметларини ўқитиш билан узвий боғлиқ бўлади. Комплекс масалаларни ечиш асосида кўникмаларни шакллантириш предметлараро боғлиқликни тақозо этади. Шунинг учун амалий машғулотлар предметлараро боғлиқлик асосида ташкил этилиши керак.

Ўқувчиларда касбий кўникма ва малакаларни шакллантиришда ўқитишнинг фаол методлари жуда қўл келади. Бундай методлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: ишлаб чиқариш вазиятларини таҳлил этиш, ишлаб чиқариш вазиятига оид масалаларни ечиш, тренажёрларда машқ қилиш, ишлаб чиқариш амалиёти жараёнида амалий топшириқларни, виртуал лаборатория ишларини, иш ўйинлари ёки уларнинг элементларини бажариш ва бошқалар.

Юқорида тилга олиб ўтилган методлардан ўқув жараёнида фойдаланиш ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштиради, касбий фаолиятга қизиқишини оширади. Ўқувчиларни масалаларни ечишга ўргатиш методикаси изчиллик ва кетма-кетлик тамойилига амал қилишни талаб этади: шартларни тўла ва аниқ тушунтириш; масалани ечишда фойдаланиладиган билим ва тажрибаларни аниқлаштириш; амалий масалаларни ечиш режасини тузиш.

Амалий масалани ечиш тартиби қуйидагича бўлиши мумкин: 1. Нима берилганини (таҳлил этиладиган иш-фаолият, жараён, ҳодиса, хатти-ҳаракат моҳиятини) аниқлаш. 2. Ниманинг маълумлиги ва унинг масалани ечишда қай даражада ёрдам беришини билиш. 3. Масалани ечиш бўйича фаразларни илгари суриш. 4. Масалани ечиш методини танлаш. 5. Хатолардан огоҳ қилиш усуллари белгилаш. 6. Хулосалар ва таклифлар.

Амалий таълим методларидан фойдаланиш, биринчидан, ўқув материали мазмунини, иккинчидан, мутахассис касбий фаолиятини таҳлил этишни тақозо этади. Фақат ўқув материали мазмунини таҳлил этиш ва уни ўрганишда фаол методларни қўллаш имкониятини излаш, кўп ҳолларда бевосита касбий фаолият билан боғлиқ бўлмаган амалий иш ва топшириқларни ўйлаб топишга олиб келади. Бу жараёнда ўқитиш методини қўллаш асосий мақсадга айланиб қолади. Фақат мутахассис касбий фаолиятини таҳлил қилиш эса мутахассис ечадиган типик масалалар рўйхатини аниқлашга имкон беради, холос.

Бироқ мазкур масаланинг ўқув жараёнидаги ўрнини аниқлашга бирданига эришиб бўлмайди. Чунки кўплаб типик ишлаб чиқариш масалалари комплекс характерга эга бўлиб, уларни ечишга предметлараро боғлиқлик нуктаи назардан ёндашмоқ керак. Аммо комплекс характерга эга бўлган типик масалаларни фақат биргина ўқув предмети миқёсида ечиб бўлмайди. Ўқув жараёнида комплекс характерга эга бўлган ишлаб чиқариш масалаларини умумий ва хусусий масалаларга ажратиш лозим. Бўлажак мутахассис нафақат хусусий, балки комплекс масалаларни ҳам еча билиши керак ва шунинг учун ўқув жараёнида уларга алоҳида ўрин ажратилади. Ўқув режаси ва дастурини ишлаб чиқувчилар мутахассис касбий фаолияти ва ўқув материаллари мазмунини таҳлил этадилар. Таҳлил натижаларини ҳисобга олиб, ўқув режасига предметлар бўйича амалий топшириқларни, предметлараро практикумларни, ўқув жараёнини ташкил этиш шакли сифтида эса ишбилармонлик ўйинларини, курс лойиҳаларини, ишлаб чиқариш амалиётининг ҳар хил шакллари киритади. Ўқув дастурларини ишлаб чиқувчилар таҳлилларга асосланиб, дастурларга таълим жараёнида ўқувчи ҳар бир предмет бўйича эгаллаши лозим бўлган кўникмалар рўйхатини киритади.

Куйида амалий машғулоти ўтказиш режасини келтириб ўтамиз.

Амалий машғулоти режаси.

Фан: Гидромелиоратив машиналарга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш.

Дарс тури: Амалий машғулоти.

Мавзу: Гидромелиоратив машиналарга техник хизмат кўрсатиш.

Ўқитиш мақсадлари:

Таълимий: ўқувчиларнинг гидромелиоратив машиналарга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашга оид назарий билимларини мустаҳкамлаш ва уларда амалий кўникмаларни шакллантириш.

Тарбиявий: иш жойи билан танишиш, ишни ташкил этиш ва ўз фаолияти натижаларини текшириш ҳамда таҳлил қилиш бўйича тушунчалар бериш.

Ривожлантирувчи: ўқувчиларнинг техник фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, уларни ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётига оид топшириқларни мустақил бажаришга тайёрлаш.

Ажратилган вақт: 80 минут.

Ўтказиш жойи: ўқув устахонаси, ишлаб чиқариш корхонаси, давлат унитар корхонаси, фермер хўжаликлари.

Ўқитиш усуллари: оғзаки, кўргазмали, амалий.

Иш жойини жиҳозлаш: гидромелиоратив машиналар, жиҳозлар, мой, сув, металллар, деталлар, металл қирқувчи асбоблар, чизмалар, кўргазмали материаллар, машғулотнинг технологик харитаси, техника хавфсизлиги бўйича плакатлар, ҳисобот намунаси, топшириқ мазмуни.

Ишнинг мазмуни ва уни амалга ошириш тартиби: гидромелиоратив машиналари ва жиҳозларини кўздан кечириш, мой ва сув сатҳларини текшириш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш учун асбоб-усуналар, металл ва металл бўлакчаларини йиғиш, жамлаш, металл кесиш асбобларини ишга тайёрлаш, ростлаш ва ишлатиш, металлларни кесишга қўйиладиган техник талаблар ва техника хавфсизлиги қоидаларини ўрганиш, металлларни асбоблар ёрдамида кесиш, улардан кичик деталлар тайёрлаш (болт, гайка, шайба ва бошқалар), деталларни йўниш ва силлиқлаш, иш сифатини назорат қилиш.

Амалий машғулот натижалари бўйича ҳисобот тайёрлаш: ўлчов натижаларини жадвалга ёзиш, металл ва деталлар ҳолати бўйича хулоса чиқариш, нуқсонлар ва уларнинг сабабларини изоҳлаш, нуқсонларни бартараф этиш бўйича тавсиялар.

Амалий машғулот натижасида эгалланган билимларни текшириб кўриш. Саволлар: гидромелиоратив машиналарга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашда, деталларни тайёрлашда қандай техник талаблар қўйилади? Гидромелиоратив машиналарнинг бакидаги сув ва мойни алмаштиришда қандай ишлар амалга оширилади? Тайёрланган деталлар сифати қандай аниқланади? Амалий топшириқлар мазмуни ўқувчиларда маълум кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилади. Ўқувчилар бундай топшириқларни амалий машғулотларда, синфдан ташқари мустақил иш сифатида, шунингдек дарсларда билимларини текшириб кўриш мақсадида бажаришлари мумкин.

Замон шуни тақозо этмоқдаки, “ўқитиш мазмун-моҳиятини реал ҳаётӣ эҳтиёжларга максимал даражада яқинлаштириш керак”²⁴[26, – 10 б].

Юқорида кўрсатиб ўтилган масалалар касб-хунар коллежларида амалий таълимни такомиллаштириш йўллариини излашни тақозо этади. О. В. Цаплин фикрича[24], энг мақбули, бу – аниқ корхоналар учун ўқувчиларни мақсадли тайёрлаш, яъни корхона-буюртмачиларга таълим соҳасида хизмат кўрсатишдир. Бунда айни бир вақтнинг ўзида ўқувчининг касбий, интеллектуал, маданий ва ахлоқий жиҳатдан ривожланишга бўлган эҳтиёжи қаноатлантирилади²⁵. Корхона мутахассисларга талабгор ва айни вақтда буюртмачи ҳисобланади. У давлат таълим стандартлари талабларини аниқлаштиради, таълим стандартларига, мутахассислар тайёрлаш талабларига қўшимчалар (худудий компонентлар)ни киритиш бўйича ўз таклифларини билдиради ва уларни амалга ошириш учун моддий-молиявий ёрдам кўрсатади.

3.3. Ўқув ва ишлаб чиқариш амалиёти жараёнида “корхонада ўқитиш” орқали ўқувчиларда касбий қўникмаларни ривожлантириш

Ўқув амалиётини касб-хунар таълими муассасалари, ихтисослашган муассаса ёки ишлаб чиқариш корхоналарида ўтказиш жараёнида бўлажак мутахассисларда касбий қўникмаларни ривожлантириш имкони катта. Бўлажак мутахассисларнинг касбий қўникмаларни эгаллашининг асоси инсоннинг меҳнатга бўлган муносабатини баҳолаш концепцияси материалларига асосланади. Унда инсоннинг меҳнатга бўлган муносабатларининг икки модели тақдим қилинган. Улардан биринчисида «Х» – ташаббускор бўлмаган, масъулиятсиз, фаолиятини доимий назорат қилиш ва батафсил регламинтлаш (бошқариш)

²⁴Юқсак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти. Халқаро конференция материаллари. «Ўзбекистон», 2012. – 12 б.

²⁵ Цаплин О. В. Формирование профессиональных умений у студентов колледжа. Современное общество: территория посмодерна: Сб. науч. трудов. – Саратов: СГТУ, 2005. – 60-65.

талаб қилинадиган шахс кўрсатилади. Иккинчи моделда эса «Y» – ташаббускор, масъулиятли, ўзининг имкониятларини намоён этишга интилувчан, нафсониятли инсонни гавдалантиради U концепцияни учинчи – «Z» – модель билан тўлдириш мумкин. Уни корпоратив маданият ва корпоратив ижод билан шахсни характерлайдиган модели сифатида тасаввур этиш мумкин.

Мазкур модель таълим муассасасида ўқувчиларнинг малакавий амалиётини ўтказишда, шунингдек, муассаса ёки ишлаб чиқариш корхонаси ишини ташкил қилишда устувор аҳмият касб этиши мумкин. Бунда ўқувчилар таълимнинг ўзгача кадриятларини қабул қилади ва уларни таълим жараёнида иккита стратегияни жорий этишда амалга оширадилар: таълимни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари бўйича биринчи стратегия – инновацион фаолият, иш жойида касбий кўникмасини ривожлантириш; иккинчи стратегия – ўқувчиларнинг иш жойида янги функционал вазифаларини ўрганишини “корпоратив таълим”, “коллеж қошидаги ўқув фирмасида ўқитиш”, “фирмада ўқитиш”, бизнинг вазиятимизда, “корхонада ўқитиш” ёки “ташкilotда ўқитиш” сифатида таърифлаш мумкин.

Аслида бу ғоя унчалик янгилик эмас. Бошқа тадқиқотчилар бўлажак мутахассис-ходимларни “фирмада” касбий тайёрлашга борасида қатор ишларни амалга оширишган. Уларнинг тадқиқотларини таҳлил қилиш бизга қуйидагича хулоса чиқариш имконини беради: “фирмада ўқитиш”, “корхонада ўқитиш” ни иш-фаолият сифатида эмас, балки таълим жараёни сифатида тушунмоқ зарур. Бундай жараён корхона, фирма, муассасанинг малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади ва унинг асосини раҳбариятнинг бутун ташкilot ва ҳар бир ходимнинг ягона манфаатига эришиш йўллари излаши ташкил этади.

Ўқув амалиёти жараёнида “корхонада ўқитиш”ни ташкил этиш жараёни вақти ва муддати таълим муассасаси ва ўқувчиларнинг малакавий амалиёти ўтказиладиган корхона билан тузилган шартномага кўра ҳамда малакавий амалиётни ўтказиш муддати бўйича белгиланади. Бу жараённинг тизимли тарзда кечишини ҳамда унинг корхона ёки муассаса ривожланиши стратегиясининг узвий қисмига айланишини инобатга олиш керак. “Корхонада ўқитиш”ни узлуксиз ўқитиш сифатида гуруҳ-

лаш (таснифлаш) мумкин. Бу тезисга мувофик, ўқув амалиёти жараёнида ўқувчиларни “Коллеж ўқув кишлоқ хўжалик фирмаси”да ёки “Корхонада ўқитиш”ни шартли равишда дастлаб “касбий тайёргарлик”, кейин “касбий қайта тайёрлаш” ва ундан “малака ошириш” босқичларига ажратиш мумкин.

Ўқув амалиёти жараёнида дастлабки касбий “*тайёргарлик босқичи*” ўқувчиларни гидромелиоратив машина ва жиҳозлар, техник воситалар ва ахборот-коммуникация технологияларидан амалий касбий фаолият жараёнида фойдаланиш кўникмаларни эгаллашга тайёрлаш вазифасини ўтайди. У таълим муассасасининг ўқув цехида, “Коллеж ўқув кишлоқ хўжалик фирмаси” ёки бевосита бирор ишлаб чиқариш корхонаси базасида ўқитишдан иборат мумкин.

Ўқувчиларни “*касбий қайта тайёрлаш*” да янги касбий функционал вазифаларни бажариши билан боғлиқ таълим дастурлари асосида уларда кўшимча билим, кўникма ва малакалар ривожлантирилади

“*Малака ошириш*” – дастлабки касбий тайёргарликдан кейинги босқич. Ўқувчилар “малакасини ошириш” вариантлари мақсадларга боғлиқ бўлиб, улар асосида малакани сақлаб қолиш, чуқурлаштириш ёки кенгайтириш, юзага келган янги шароитларга мослаштириш (мувофиқлаштириш), “нисбатан юқори лавозимни” эгаллаш учун керакли даражага етказиш ҳақида қарор қилинади.

Ўқув амалиёти жараёнида ўқувчиларни “корхонада ўқитиш” нинг қуйидаги ўзига хосликларини таъкидлаш зарур:

– ўқитишнинг корпоратив технологияси таълим жараёнининг барча катнашчиларини қизиқтиради;

– “корхонада ўқитиш” жараёни ўқувчилар касбий кўникмаларини узвийлаштириш ва долзарблаштиришга имкон беради.

Ўқув амалиёти жараёнида ўқитиш форматларини раҳбар ёки корхона жамоаси ўқувчиларнинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда танлайдилар: касбий ишлар, жиҳозлар ва машиналарга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш техникасини қўллаш шакллари билан танишиш, корхона ходимларининг амалий ишларига ёрдамлашиш, машиналарга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича стендлар тайёрлаш, тажрибали техник-механикларнинг иш фаолиятини кузатиш, иш меъёрлари ва

тартибларини мустақил ишлаб чиқиш, лойиҳаловчи семинарлар, рефлексив семинарлар, ижодий гуруҳлар ишини кузатиш, жамовий бирлашмалар ишини кузатиш.

Ўқувчиларни ўқув амалиёти жараёнида “корхонада ўқитиш” натижалари бўйича илмий-амалий конференциялар, педагогик ўқишлар, турли семинарлар, эксперт кенгашлари йиғилишлари ва бошқаларда тақдирот ўтказилиши мумкин.

“Ўқув-ишлаб чиқариш фирмасида ўқитиш” (“Коллеж ўқув қишлоқ хўжалик фирмаси” ёки “Коллеж қишлоқ хўжалиги ўқув клубида ўқитиш”) нинг қўйидаги ўзига хослигини қайд этиб ўтиш лозим:

– ўқитишнинг корпоратив технологияси таълим жараёни иштирокчиларининг барчасини қизиқтиради;

– “Ўқув-ишлаб чиқариш фирмасида ўқитиш” ўқувчиларда касбий билимларни фаоллаштириш ва қўникмаларни ривожлантиришга имкон беради.

– “Ўқув-ишлаб чиқариш фирмасида ўқитиш” афзаллиги турли фанлардан сабоқ берадиган ўқитувчилар ва таълим иштирокчилари ўқувчилар учун умумий илмий касбий муҳитни ташки этиш ҳисобланади. Бунда алоҳида таълим муассасаси даражасида таълим тизимининг муҳим масалалари ечилиши мумкин. Ўқув амалиёти жараёнида “корхонада ўқитиш” таълим муассасалари касбий бирлашмаларининг ҳамкорликдаги фаолиятини, ўқувчиларнинг техник фикрлаши, маҳоратини аниқлаш бўйича танловлар, “мастер-класс”, семинар, конференциялар ташкил қилиш, қишлоқ ва шаҳарда жойлашган касб-хунар таълими муассасаси профессор-ўқитувчилари билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш имконини беради. Ўқувчиларни “корхонада ўқитиш”нинг ажралмас шарти – бу корхона жамоаси билан ҳамкорликда ишлаш ва педагогик лойиҳаларни амалга оширишдир.

“Корхонада ўқитиш” қатор афзалликларига эга. Ўқувчиларнинг таълимдаги ўзгаришлар билан боғлиқликда уни қайта қуришга қодирлиги, таълимнинг тизимли характери, яъни таълим муассасаларида бўлажак мутахассис – техник-механикларнинг “малакасини ошириш” касбий карьеранинг барча даврларига дахлдор бўлади. Бундай амалиёт жараёнида “Корхонада ўқитиш”нинг навбатдаги афзалликлари бўлажак техник-механикларнинг жамоа-

вий ишлашини ташкил қилиш; муайян масалаларни ҳал қилишда уларга яқка тартибда малакали касбий ёрдам кўрсатиш; ўқувчининг шахсий имкониятлари ва амалиёт ўтказилаётган корхона имкониятларини ҳар томонлама ҳисобга олиш мумкинлиги саналади. Ўқув амалиёти жараёнида “корхонада ўқитиш” жараёни асосан ўқувчиларнинг касбий фаолиятини ташкил этишга амалий кўмаклашиш ёки уни қўллаб-қувватлашдин иборат.

Бўлажак мутахассисларда касбий кўникмаларни ривожлантириш усулларида бири ўқув ва ишлаб чиқариш амалиёти жараёнида «Касбий кўникмаларни ривожлантириш карточкаси»ни жорий этиш. Карточкада тўпланган маълумотлар ёрдамида ўқувчилар шахси, уларнинг касбий кўникма ва сифатлари яхшироқ ўрганилади. Уларга ўз-ўзини, фаолиятини билиш ва таҳлил этиш, такомиллаштириш бўйича амалий ёрдам берилади. Карточка бешта бўлимга ажратилади.

Биринчи бўлим – «Менинг ҳозирги вақтдаги касбий кўникмаларим» деб аталади. Унда мутахассисларга хос бўлган бир қанча касбий кўникмалар тақдим этилади. Ўқувчилар тақдим этилган касбий кўникмалар орасидан танлаган касбига мос ва ўзларига маъқул бўлган кўникмаларни белгилайдилар. Улар ўз-ўзини баҳолаш методидан фойдаланиб, танланган касбий кўникмаларга ўзларида мавжуд бўлган, аммо мазкур карточкада акс этмаган кўникмаларини ҳам қўшиб ёзадилар. Карточканинг бу бўлимида ўқувчиларда ўқув йили бошида шаклланган касбий кўникмалар ҳақида умумий маълумотлар бўлади.

Иккинчи бўлим – «Ўқув йили давомида эгаллашим лозим бўлган касбий кўникмалар» деб аталади. Бунда ўқувчи келгусида (йил охирига қадар) ўзида шаклланишни истаган касбий кўникмаларни қайд этади.

Учинчи бўлим – «Касбий кўникмаларни эгаллаш учун нима қилмоқ керак» деб аталади. Уни ўқитувчи тўлдиради. Психолог эса маслаҳат сифатида ўз тавсияларини ёзади. Бу бўлим ишлаб чиқариш таълими устаси, касб таълими ўқитувчиси учун катта аҳамиятга эга. Унинг ёрдамида ўқитувчи ўқувчиларнинг ўз-ўзини, касбий кўникма ва шахсий сифатларини шакллантириши ҳамда ривожлантириши бўйича кузатишлар олиб бориши мумкин.

Тўртинчи бўлим – «Махсус ёрдам» деб аталади. Бу бўлимда ўқувчиларнинг беҳудага хавотирланишининг олдини олиш мақсадида ўқитувчи-психологик маслаҳатлар беради. Бунда ҳолислик, сир сақлаш тамойилларига амал қилинади. Олинган натижалар ҳар ойда бир марта таҳлил этилади.

Ишлаб чиқариш таълими устаси амалий фаолият жараёнида ўқувчиларнинг асабий ҳолатларга тушмасликларининг олдини олади. Ҳолбуки, асабий ҳолатлар ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ишонч бўлмаган ҳолларда маълум муаммо туғдириши мумкин.

Бешинчи бўлим – «Ўқувчи йил охирида қандай касбий кўникмаларга эга бўлиши керак» деб аталади. Карточканинг бу бўлими ўқитувчи ёки психолог томонидан тўлдирилади ва унда ўқувчилар йил охирида қандай касбий кўникмаларга эга бўлиши лозимлиги тавсифланади. Улар йил охирида ўқувчиларда шаклланган касбий кўникмалар билан таққосланади. Олинган натижаларга асосланиб, ўқувчилар ўз-ўзини баҳолайдилар. Бу эса уларни таълимнинг кейинги босқичларида ўз-ўзини, касбий кўникмалари ва шахсий сифатларини ривожлантириш ҳақида ўйлашга мажбур этади. Бу жараёнда натижага эришишга интилиш муҳим ҳисобланади.

«Битирувчиларда касбий кўникмаларни ривожлантириш карточкаси»га уларнинг қуйи курсларда ўқув фанларини қандай ўзлаштирганлиги тўғрисидаги, шунингдек ўқув фани бўйича келгусида қандай баҳо олиши (у ўша айтган баҳосини олишга ҳаракат қилади), жамоат топшириқларини бажариши, саломатлиги ва бошқалар ҳақидаги маълумотлар; гуруҳ тадбирларида иштирок этиши, кўшимча таълим жараёнида эришган ютуқлари, ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражаси, зиддиятли ҳолатлар даражаси(беш баллик баҳолаш тизими бўйича баҳоланади) ҳақидаги маълумотларни ҳам киритиш мумкин.

Ҳозирги замон жаҳон иқтисодий танглик шароитида ўқув-ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этишда ўзига хос муаммолар туғилиши табиий. Чунки, бугунги кунда мунтазам фаолият юритувчи замонавий йирик ишлаб чиқариш корхоналари жуда кам. Шу боис, таълим олувчиларнинг кўпчилиги асосан кичик корхоналарда касбий тайёргарликдан ўтадилар. Бундан ташқари, таълим жараёнида эски жиҳозлар ва замон талабларига жавоб бермайдиган ўқув-дастурий ҳужжатларга таяниш ҳам қўтилган натижага олиб келмайди.

Касбий кўникма ва малакаларни ишлаб чиқариш амалиёти жараёнида шакллантириш осондек туюлади. Лекин тажрибалар кўрсатадики, бу ишни амалга ошириш анча қийин. Одатда, бирор ишчи касби бўйича ўқувчиларда кўникма ва малакаларни шакллантиришда улар доимий равишда у ёки бу ишни бажарадилар. Лекин улар бирор мутахассис, масалан, техник-технолог учун зарур бўладиган касбий кўникмаларни эгаллашда муваффақиятга эриша олмаслиги мумкин. Чунки диплом олди амалиёти даврида ҳар бир ўқувчи учун комплекс масалаларни ечиш имкони туғилавермайди.

Ўқувчилар ишлаб чиқариш амалиёт жараёнида фақат ўзларининг «касбий вазифаси»дан келиб чиққан ҳолда топшириқларни бажарадилар. Амалиёт ўтаётган ўқувчи фақат техник-механик, бригадир дублёри вазифасини бажаради ва ишлаб чиқариш цикли даврида улар нима иш қилишса, фақат ўша ишни такрорлайдилар. Демак, ишлаб чиқариш амалиёти даврида ўқувчи кўпинча айни вақтда ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ишларнигина бажаради, холос. Ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиёти самарадорлиги яратилган шарт-шароитларга боғлиқ. Энг биринчи навбатда, амалиётни аввалдан режалаштириш ва уни ўтказиш учун тайёргарлик ишларини олиб бориш керак.

3.4. Семинар-тренинглар орқали ўқувчиларда касбий кўникмаларни ривожлантириш

Бугунги кунда таълим жараёнида амалий семинар-амалий семинар-тренинглар жуда кенг тарқалган интерфаол технологиялардан бўлиб, унинг предмети касбий ўзаро таъсир ҳисобланади. Амалий семинар-тренингнинг асосий мақсади – шахснинг психодинамик хусусиятлари, эмоцияси, интеллект, касбий кўникмалари, компетентлигини ривожлантириш йўли билан уни келгусидаги касбий фаолиятга тайёрлашдир. Амалий семинар-тренингда қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

- касбий билим, кўникма ва малакаларни амалда қўллаш;
- мулоқот қилишнинг индивидуал усуллари, муносабат ва муомала услубларини, хулқ-атвор шакллари кашф этиш, англаш ва намоён этиш.

Тренерга маслаҳатлар

Ўқитишнинг учта асосий йўналиши мавжуд.

1. Оғзаки мулоқот: суҳбат, маъруза, муҳокама. 2. Ахборот-маълумотларни кўргазмали тарзда тақдим этиш, касбий кўникмаларни намаён этиш: тақдимот, намойиш этиш, моделлаштириш. 3. Зарур кўникмаларни амалий шакллантириш: хужжатларни тайёрлаш, компьютер билан ишлаш, ўқув цехлари, ишлаб чиқариш ва корхоналардаги амалиёт.

Ўқитишнинг ҳар қандай методи ушбу йўналишлардан бирига тааллуқли бўлади. Уларда, албатта, ё мулоқот элементи, ё намойиш элементи, ёки амалий фаолият элементлари акс этади. Бир компонентдан фойдаланиш бошқаларидан фойдаланиш учун тўсик бўлмайди.

Амалий семинар-тренинг методлари. Амалий семинар-тренинг методлари ва услублари қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: ролли ўйинлар, индивидуал суҳбатлар, гуруҳдаги мунозаралар, психогимнастик машқлар.

Амалий семинар-тренингда энг мақбул методларни, амалий, ижтимоий-психологик услубларни танлаш унинг мақсад ва мазмунига, гуруҳ ва ўқитиш вазиятининг ўзига хослигига, тренернинг имконияти ва қайси йўналишда ихтисослашганлигига боғлиқ. Амалий семинар-тренингни ташкил этиш мақсади, вазифаси ва тамойилларига мувофиқ иш методи танланади.

Одатда, амалий семинар-тренингда таълимнинг уч даражали моделидан фойдаланилади: *эгаллаш – намойиш этиш – қўллаш*.

Белгиланган моделнинг ҳар бир элементи доирасида юқорида санаб ўтилган методлардан фойдаланилади.

Билимларни эгаллаш учун амалий семинар-тренингда ахборот, кичик маъруза, хабар, китоблар; *намойиш этиш учун* ролли ўйинлар, кейслар ва кейс-стади, жонли намойиш ва видео фильмлар; *қўллаш учун* ролли ўйинлар, ишбилармонлик ўйинлари, моделлаштиришдан фойдаланилади.

Касбий тайёрлаш амалиётида амалий семинар-тренингларнинг ҳар хил турлари қўлланилади. Улардан айримларини *ижтимоий-психологик амалий семинар-тренинглар* гуруҳига киритиш мумкин. Улар ўқув жараёнида жуда кўп қўлланилади. Масалан, ижтимоий кўникмалар, хулқ-атворни прогнозлаштириш, коммуникатив, малака ва кўникмаларни ривожлан-

тириш, бағри кенглик(креатив), стрессбардошликни шакллантириш, мулоқот, нотиклик маҳорати, сенситив(хулқ-атвори прогноллаштириш, ҳиссий) амалий семинар-тренинглари. Таълим амалиётида кенг қўлланиладиган бошқа амалий семинар-тренинглари *бошқарув амалий семинар-тренинглари* гуруҳига киритиш мумкин. Масалан, етакчилик, рақобат ва ҳокимлик, жамоа бўлиб қарор қабул қилиш амалий семинар-тренинглари; ғолиблик учун амалий семинар-тренинг; команда шакллантириш; корпоратив амалий семинар-тренинглари – мижоз билан ишлаш, товарларни ҳаракатга келтириш (сотиш ва сотиб олиш) амалий семинар-тренинг лари. Қўйилган вазифага боғлиқ ҳолда амалий семинар-тренинглари икки катта гуруҳга ажратилади:

Ташкилий фаолият самарадорлигини оширишга имкон берувчи касбий кўникма ва малакаларни эгаллаш ва ривожлантиришга қаратилган амалий семинар-тренинглари (ҳамкорлик суҳбати, иш бўйича мунозара олиб бориш, команда шакллантириш, шахслараро зиддиятларни ҳал этиш, иш юзасидан кенгаш ўтказиш телефонда мулоқот қилиш, хизматларни ташкил этиш, маслаҳат бериш ва бошқалар).

Мулоқот вазиятини таҳлил этиш бўйича тажриба оширишга қаратилган амалий семинар-тренинглари (коррекция, шахслараро ва гуруҳлараро мулоқотларни муваффақиятли ташкил этиш учун зарур бўлган қадриятларни шакллантириш ва ривожлантириш, бошқаларни тушуна билиш ва қабул қилиш қобилиятини ривожлантириш амалий семинар-тренинги, мотивацион амалий семинар-тренинг; етакчилик амалий семинар-тренинги). Сенситив амалий семинар-тренинг ини ҳам ўқув жараёнида кенг қўллаш мумкин. У етакчилик, мотивация, коммуникация, гуруҳнинг ривожланиш ғоясига таянади ва бошқаларни тушуниш қобилиятини ривожлантиради ва мустаҳкамлайди.

Ҳозирги замон менежментида *ҳамкорлик муносабатлари амалий семинар-тренинги* муҳим аҳамият касб этади. Чунки амалиётда ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйишга эҳтиёж катта. Мутахассислар амалий семинар-тренингда ҳамкорлик муносабатлари моделининг зарур мезонлари каторига қўйидагиларни киритганлар:

1. Ҳамкорлик тамойили ҳар бир иштирокчининг ўз фикрини баён этиш, ўз хиссиётларини намоён қилиш, таклифлар кири-тиш борасида ҳуқуқи тенг эканлиги қондасига амал қилишни назарда тутати. Шунинг учун тренер ҳаммага бир хилда эътибор ва самимият билан муносабатда бўлиши керак.

2. Амалий семинар-тренинг ҳамкорликдаги ижод сифатида қаралади, ҳар бир иштирокчининг ҳиссаси қадрланади ва алоҳида қайд этилади.

3. Тренер ўзининг мажбуриятларини ва берган ваъдаларини ўз вақтида бажаради.

4. Тренер ўзи эълон қилган қоидаларга қатъий амал қилади ва бошқалардан ҳам уларга риоя этишни талаб этади.

Тренер ўзи учун ноқулай бўлган саволларга ҳеч иккилан-масдан жавоб бериши, ёрдам сўраганларга ёрдам кўрсатиши, иштирокчилар томонидан таклиф этилган техникалар ёки улар-нинг элементлари моделларини намоёиш этиб кўрсатиши ло-зим. Ана шундагина ҳамкорлик юзага келади.

Ўқув жараёнида *етакчилик амалий семинар-тренинги* кўп талаб этилади. У ўйин иштирокчиларининг етакчилик имкония-тини ривожлантириш учун мўлжалланган. Интерфаол таълим жараёнида таълим олувчилар ўзларининг маълум хулқ-атворини намоён этишади. Бундан ўқитувчи самарали фойдаланиб, уларнинг ўйин фаолиятида ёрдам бериши мумкин.

*Таълимий амалий семинар-тренинг*да самарали натижаларга эришиш учун ўқитувчи қуйидаги тавсияларга амал қилиши зарур:

- амалий семинар-тренингни ўз вақтида тамомлаш учун белгиланган вақт регламентига қатъий амал қилиш;

- умумий масалалар бўйича узоқ мунозарага йўл қўймаслик ёки “кейин”га қолдирилган масалаларга яна қайтмаслик;

- бир неча қисқа кескин саволлар бериш (уларга иштирок-чиларнинг барчаси навбат билан жавоб беришлари керак);

- жамоага 3-5 дақиқада ечиладиган топшириқлар бериш ва уларнинг натижалари бўйича тақдимот ўтказиш;

- ўйиннинг охирида тақдим этиш учун муҳим ахборотни «сақлаб» туриш ёки зарур тарқатма материалларни таклиф этиш;

– иштирокчиларнинг қайтар алоқасини таъминлаш(масалан, амалий семинар-тренинг вақтида ёки айна пайтда улар қандай ҳис ва ҳаяжонни бошдан кечиради);

– иштирокчиларга нимага эришганлигини эслатиш ёки кейинги машғулотларда жавоб изланадиган саволларни доскага ёзиш;

– ўқув дастури мақсадига эришишдаги ҳамкорлиги учун ҳаммага миннатдорчилик билдириш.

Нейролингвистик амалий семинар-тренинг. Нейролингвистик амалий семинар-тренинг махсус НЛД (нейролингвистик дастурлаш) технологиясидан фойдаланишга асосланилади. Нейролингвистик дастурлаш(НЛД) фикрлаш, тафаккур қилиш, тил ва хулқ-атворни ўрганишга асосланган. У ҳар қандай кўникма ёки хулқ-атворда учта элемент мавжуд бўлишини назарда тутди. Биринчидан, хулқ-атворнинг ташқи намоён бўлиши, яъни инсоннинг амалда нимани қилиши(ёки бажариши) ва гапиришидир. Иккинчидан, инсоннинг ички режаси бор, яъни у нимадир ҳақида ўйлайди ва ўйлашда қандайдир услубдан фойдаланади. Учинчидан, инсоннинг ички ҳолати – кечинмалари бор, яъни у ниманидир ва қандайдир йўл билан ҳис қилади. Бу уч жараёни таҳлил қилиб, ҳар қандай намунавий хулқ-атворнинг тўлиқ моделини яратиш мумкин. Бу моделдан ҳар қандай компетентли инсон фойдаланиши мумкин. Бунда у жараёни ўзгартиради(моделлаштиради), мос намуналар яратади, овоз тонини янгилайди, янгича ҳис туяди. НЛД-амалий семинар-тренинг иштирокчилари суҳбатдоши билан ҳали мулоқотга киришмасданок у ҳақда ахборот олишни ва инсон хулқ-атворининг ҳақиқий мотивларини(англанмаган) қайд қилишни ўрганади. Ўқитувчи иштирокчиларни хулқ-атвор стратегиясини ва оғзаки сўзлаш репертуарини ўзгартириш усуллариини ўргатади(ишбилармонлик ишлари ва шахслараро муносабатларда; ҳамкорнинг индивидуал ўзига хос психоггеометрик, коммуникатив хусусиятларига боғлиқ равишда). Бундай амалий семинар-тренингларда ҳамкор билан мулоқотга киришишнинг самарали модели ишлаб чиқилади.

Табиат қўйнидаги экстрим-амалий семинар-тренинглар. Бундай амалий семинар-тренингларни кўпроқ қишлоқ хўжалиги йўналишидаги коллежларда таълим олаётган ўқувчилар билан

ўтказиш мақсадга мувофиқ. Она табиат кишига ҳам жисмоний, ҳам ҳиссий жиҳатдан катта таъсир кўрсатади. Табиат қўйнидаги амалий семинар-тренинглар турли хил экспериментларда қатнашиш имконини беради. Табиат ва оддий иш ўринлари ўртасидаги кескин фарқ ҳам кўп нарсани билишга ёрдам беради. Аммо тажрибасиз ўқитувчи экстрим-амалий семинар-тренингдан самарали фойдалана олмаслиги ёки уни нотўғри талқин этиши мумкин.

Командани шакллантириш амалий семинар-тренинги. Кейинги йилларда команда ташкил этиш айниқса оммалашиб бормоқда. Командани ривожлантиришнинг биринчи босқичида амалий семинар-тренинг иштирокчилари коммуникатив компетентликка ўргатилади. Бу уларга дўстона муносабатлар ўрнатиш, самимий муомала қилиш, ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этишнинг этик нормалари ва тамойилларини аниқлаш, соғлом психологик муҳит яратиш, ўзаро ёрдам кўрсатишга имкон беради. Командани ривожлантиришнинг иккинчи босқичида «ҳақиқатни» ҳар ким ўзича ҳимоя қилади, зиддиятлар юзага келади, гуруҳ ичида умумий қарашга эга кичик гуруҳлар, коалиция пайдо бўлади, интерфаол компетентлик ривожланади. Бу команда аъзоларининг барчаси муаммони ечишда иштирок этишини фаоллаштиради. Амалий семинар-тренингда команда етакчиси барча иштирокчиларни муаммони ечишга ва умумий кадриятларни тасдиқлашга йўналтиради.

Командани ривожлантиришнинг учинчи босқичи – нормаллашиш босқичида, одатда, асосий зиддиятлар ечилган бўлади. Гуруҳда бирлик ва уйғунлик юзага келади. Команда аъзолари ўртасидаги фарқлар деярли бартараф этилади, улар янада жипсلاшади. Етакчидан модерация талаб этилади.

Модерация италянча сўз бўлиб, “юмшоқлик, босиқлик” деган маънони англатади. Модерация куйидагиларни назарда тутати: саволлар бера билиш кўникмаси; тинглаш ва ҳис қилиш; диққатни жамлай билиш ва хотирани ривожлантириш; гуруҳни бошқара билиш, команданинг бошқа иштирокчилари фаолияти ва муносабатини кузатиш; гуруҳ эътиборини маълум мавзуга, бир муаммодан иккинчисига йўналтириш; вақтдан унумли фойдаланишга эътибор қаратиш.

Видеоамалий семинар-тренинг. “Видеоамалий семинар-тренинг” сўзи видеоёзувлардан фойдаланишга асосланилган амалий семинар-тренингни билдиради. Ўқув мақсадларида видеоёзувнинг икки асосий услуги қўлланилади: тайёр видео-материалларни кўрсатиш(видеокузатув, видеотомоша) ва ўйин топшириқларини бажариш жараёни, видеоёзувдан фойдаланиш, уни томоша қилиш, кузатиш ва таҳлил этиш(видеоқайтар алоқа). Видеоамалий семинар-тренинг ўқув мақсади – асос бўла оладиган хулқ-атвор ва мулоқот кўникмаларини ривожлантириш, зарурий психологик йўналишларни шакллантириш.

Тайёр видеофильмларни кўриш қуйидаги вазифаларни амалга оширишга имкон беради: ахборот бериш; муаммолар кўйиш; кўникмалар ва малакаларни ривожлантириш.

Бинобарин, ўқитувчи видеоамалий семинар-тренингни бош-лашдан олдин уйда яхшилаб тайёрланиши керак. Видеоамалий семинар-тренинг иштирокчиларга ўзининг имиджини, қарашлари, имо-ишораси, муносабати(реакцияси), ҳолати ва ўзаро таъсир жараёнида кузатиш мумкин бўлган руҳий ҳолатларни таҳлил этиш имконини беради. Уларнинг йиғиндиси инсон ҳақидаги ахборотнинг тахминан 55% ташкил этади. Шундай қилиб, видеоамалий семинар-тренингнинг амалий йўналиши кундек равшан. Аммо шаклланган маданий муҳит кўп ҳолларда инсоннинг хато ва камчиликларига эътибор қаратишни тақозо этади. Шу боис, таълим жараёнида фойда келтирадиган танқид қилиш технологиясидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Қуйида амалий семинар-тренинг асосида қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежлари ўқувчиларида замонавий гидромелиоратив машина ва жиҳозларни ишлатиш бўйича кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш режаси мазмуни, ташкил этиладиган амалий семинар-тренинг ҳақида тўхталиб ўтамиз. Коллеж ўқувчиларида замонавий қишлоқ хўжалик машина ва жиҳозларини ишлатиш бўйича кўникмаларни ривожлантиришда касбий фанлар алоҳида ўрин тутати. Бу эса махсус фанларни ўқитиш методикасини замон талаблари даражасида такомиллаштиришни тақозо этади. Касбий фанларни ўқитишда ўқувчиларга замонавий гидромелиоратив машина ва жиҳозларини ўргатишнинг самарали технологияларидан бири машғулотларни амалий семинар-тренинглар асосида ташкил этишдир. Биз

амалий семинар-тренинглар воситасида коллеж ўқувчиларида замонавий гидромелиоратив машина ва жиҳозларини ишлатиш бўйича кўникмаларни ривожлантириш технологиясини ишлаб чиқдик. Ушбу технологияга билим, кўникма, малака тушунчаларини ўзлаштириш ва фаолият усуллари эгаллаш ғоялари асос қилиб олинди.

Биз лойиҳаланган «Коллеж ўқувчиларида амалий семинар-тренинглар воситасида замонавий қишлоқ хўжалик машина ва жиҳозларини ишлатиш бўйича кўникмаларни ривожлантириш» технологиясининг концептуал асоси психологик ғоялар билан узвий боғлиқ. Ўқув машғулотларини семинар-тренинглар шаклида ўтказиш фаол таълим усуллари назариясига асосланади. 3.5.1-расмда семинар-тренинглар воситасида коллеж ўқувчиларида замонавий гидромелиоратив машина ва жиҳозларини ишлатиш бўйича кўникмаларни ривожлантириш модели келтириб ўтилган. Коллеж ўқувчиларида замонавий гидромелиоратив машина ва жиҳозларини ишлатиш бўйича кўникмаларни ривожлантириш технологиясини ишлаб чиқишда дастлаб унинг лойиҳаси тайёрланади. Мақсад аниқланиб, кейин ўқитиш натижалари шакллантирилади.

Ўқитиш мақсади: Коллеж ўқувчиларида замонавий қишлоқ хўжалик машина ва жиҳозларини ишлатиш бўйича кўникмаларни ривожлантириш.

Ўқитиш натижалари: ўқувчилар замонавий гидромелиоратив машина ва жиҳозларини ишлатишни уддлайди.

Мақсаддан келиб чиққан ҳолда, амалий семинар-тренинг асосида коллеж ўқувчиларида замонавий машина ва жиҳозларни ишлатиш бўйича кўникмаларни ривожлантириш режаси мазмуни ишлаб чиқилади. Бунинг учун эса, дастлаб ўқитувчиларнинг ўзлари тайёргарлик кўришлари ва улар касбий фанларнинг ўқув-услубий таъминоти мажмуини ишлаб чиқишлари зарур. Ўқитувчининг ўқувчилар билан амалий семинар-тренинг ўтказиши учун мустақил тайёрланиш режаси:

1-мавзу: Ўқувчиларга гидромелиоратив машина ва жиҳозларидан фойдаланиш ва уларга техник хизмат кўрсатишни ўргатишда замонавий педагогик технологияларни қўллаш. Мақсадни белгилаш.

2-мавзу: Таълимнинг ташкилий шакллари. Гуруҳларда ишлаш.

3-мавзу: Фаол таълим усуллари. Танлаш ва амалга ошириш.

4-мавзу: Таълим мазмунини белгилаш. Ўқув модули ахборотини ишлаб чиқиш.

5-мавзу: Коллеж ўқувчиларида замонавий гидромелиоратив машина ва жиҳозларидан фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича кўникмаларни ривожлантириш режаси, ўқув машғулотларининг технологик харитасини ва амалий ишлар учун йўриқномалар ишлаб чиқиш.

6-мавзу: Коллеж ўқувчиларида замонавий гидромелиоратив машина ва жиҳозларидан фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича кўникмаларни ривожлантириш жараёнининг ўқув-услубий таъминоти мажмуини ишлаб чиқиш.


Дастлаб ўқитувчилар учун семинар-тренинглар ўтказилади. Ўқитувчилар ўзлари сабоқ берадиган махсус фанларнинг мажмуавий ўқув-услубий таъминотини мустақил ишлаб чиқадилар. Мустақил ишлаш жараёнида улар бир-бирларини “ўқитдилар” ва натижада уларда махсус фанларнинг мажмуавий ўқув-услубий таъминотни яратиш бўйича кўникма шаклланди. Бу ўқитувчиларда янги маълумотларни ўрганишга қизиқиш уйғотади. Белгиланган мақсад ва режалаштирилган натижаларга эришиш учун таълим шакллари, усуллари ва воситалари танланади.

Таълим шакллари: жамоавий(фронтал), жуфт-жуфт ва якка тартибда (индивидуал) ишлаш.

Таълим усуллари: муаммоли диалогик суҳбат, аклий ҳужум, мустақил (амалий иш) ва гуруҳларда ишлаш.

Таълимнинг техник воситалари: кодоскоп, видеоглаз, видеомангитафон, гидромелиоратив машина ва жиҳозлари, трактор қисмлари.

Ўқув материаллари: машғулотга оид тарқатма материаллар, ўқувчиларни замонавий гидромелиоратив машина ва жиҳозларидан фойдаланиш ва уларга техник хизмат кўрсатишга ўргатиш бўйича ўқув-услубий мажмуа намунаси, замонавий гидромелиоратив машина ва жиҳозларидан фойдаланиш ва уларга техник хизмат кўрсатишни ўрганиш учун йўриқномалар ва бошқа ўқув материаллари.



3.4.1-расм. Коллеж ўқувчиларида замонавий гидромелиоратив машина ва жиҳозларни ишлатиш бўйича кўникмаларни ривожлантириш модели

Ўқувчилар учун бир неча кунлик семинар-тренинг машғулотлари ташкил этилади. Бу машғулотлар бир-бирига боғлиқ уч босқичдан иборат: тайёргарлик, шакллантириш, ривожлантириш босқичлари.

Тайёргарлик босқичида ўқувчилар машғулотларга мустақил тайёрланадилар. Улар махсус фанларга оид назарий билимларни ўзлаштирганидан кейин ўқув дастурида ўрганиш кўзда тутилган замонавий гидромелиоратив машина ва жиҳозларидан фойдаланиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш масалалари гуруҳда муҳокама қилдилар. Бунда ўзаро “ўқитиш” ва бир-бирини назорат қилиш имконияти таъминланди.

Шакллантириш босқичида ўқувчиларда гидромелиоратив машина ва жиҳозларидан фойдаланиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича билим ва кўникмалар шакллантирилади.

Ривожлантириш босқичида эгалланган янги билим ва кўникмаларни мустаҳкамлаш учун ўқувчилар замонавий гидромелиоратив машина ва жиҳозларидан фойдаланиш ва уларга техник хизмат кўрсатишга оид ўқув материаллари асосида касбий тайёргарликнинг турли йўналиши доирасида, хусусан, гидромелиоратив машина ва жиҳозларидан фойдаланиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича амалий семинар-тренинглار ўтказилади.

Амалий семинар-тренинглardan сўнг коллеж ўқувчиларида замонавий гидромелиоратив машина ва жиҳозларидан фойдаланиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича кўникмаларнинг ривожланганлиги даражаси ва уларнинг касбий тайёргарлиги аниқланади ва муҳокама қилинади.

IV БОБ. КОЛЛЕЖ ЎҚУВЧИЛАРИДА КАСБИЙ КЎНИКМАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ

4.1. Коллеж ўқувчиларида касбий кўникмаларни ривожлантириш модели

Таълим жараёнида ўқувчиларда касбий кўникмаларни ривожлантириш масалалари бўйича муайян тадқиқот ишлари олиб борилган бўлса-да, лекин ушбу муаммо кўп ҳолларда фақат ўқувчиларда касбий сифатларни шакллантириш мисолида қараб ўтилган, ҳолос. Педагогик адабиётлар ва илмий тадқиқот ишларида ўқувчиларда касбий кўникмаларни компетенциявий ёндашув асосида шакллантириш ва ривожлантиришнинг мазмуний ва методик аспектларини ишлаб чиқиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмаган. Бундан келиб чиқадики, касбий кўникмаларни ривожлантириш муаммосини бутун қўлами билан тўлиқ тасаввур қилиш учун уни ўрганишга тизимли ёндашувни таъминлаш зарур.

Ўқувчиларда касбий кўникмалар назарий ва амалий билимлар асосида ривожлантирилади. Шундай экан, касбий кўникмаларни ривожлантириш муаммоси моҳиятини тўла англаб етишга имкон берувчи асосий таянч тушунчалар ва уларнинг маъно-мазмунини ҳақида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Ўқувчиларда касбий кўникмаларни ривожлантириш жараёни компонентлари ва унинг асосий тушунчалари ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Касб таълими – шахснинг шаклланишига таъсир этувчи касбий билим, кўникма малакаларни узлуксиз ва изчил ўзлаштиришга ёрдам берувчи, унинг эҳтиёж ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда турли услуб, режа ва дастурлар, методикалар ёрдамида касбий билим беришга йўналтирилган педагогик жараён. Касб таълими – шахснинг касбий ривожланиши жараёни ва унинг натижаси. Бунда таълим олувчилар меҳнатга ҳақ тўланадиган соҳада махсус вазифаларни бажаришлари учун аниқ касблар ва мутахассисликлар бўйича билим, кўникма ва малакаларни эгаллайдилар. Касб таълими умумий таълимдан ўзига хослиги билан фарқ қилади. Касблар ва мутахассисликлар, мутахассисларни тайёрлаш шакллари хилма-

хил. Илмий-техника тараққиёти натижасида касб таълими мазмуни, унга оид ўқув-дастурий ҳужжатлар тез ўзгаради.

Касбий билим – касбий фаолиятда иштирок этишга тайёргарлик, ҳўжалик фаолиятининг назарий асосларини билиш, касбий алоқалар ва муносабатлар моҳиятини тушуниш, аниқ касбий вазиятларни таҳлил эта билиш. Касбий билим – бу меҳнат фаолияти учун зарур маълумотлар. Таълим муассасаларида бўлажак мутахассислар катта ҳажмдаги ахборотга эга бўлишади. Аммо улар бу билимлардан амалиётда самарали фойдалана олмай-дилар. Унинг сабабларидан бири ўқитиш методикасининг билимларни амалий қўллашга мўлжалланмаганлигидир. Кўп ҳолларда бу билимлар имтиҳон вақтида юзаки ёдга олинади ёки ўтилганлар шунчаки такрорланади, холос. Шунинг учун бўлажак мутахассислар ўқишни ишлаб чиқаришда ёки бевосита иш жойида давом эттиришлари керак. Бунда таълим олувчилар касбий маълумотга эга бўлишади.

Амалий таълим – ишлаб чиқариш амалиётини, амалий машғулотларни ўтказиш, лаборатория ишилари, курс лойиҳалари ва курс ишларини бажариш жараёнида касбий кўникмаларни эгаллашга йўналтирилган фаолият. Амалий таълим коллежларидаги педагогик жараённинг муҳим ташкил этувчиси бўлиб, унинг асосий мақсади ўқувчиларда маълум соҳа бўйича касбий маҳорат асосларини шакллантириш ва ривожлантириш ҳисобланади.

Касбий тайёргарлик – фаолиятнинг маълум соҳасида ишни бажаришга имкон берувчи билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш жараёни. Касбий тайёргарлик – мутахассиснинг меҳнат фаолиятини амалга оширишга тайёргарлигининг муҳим босқичидир. Касбий тайёргарлик – шахснинг талаб, эҳтиёж ва имкониятига қараб, танланган соҳаси ёки касби бўйича назарий ва амалий касбий билимни эгаллаши ҳамда касбий фаолиятга тайёргарлиги ҳолати.

Касбий тайёргарликнинг мақсади ўқувчиларнинг маълум ишни ёки ишларни бажариш учун зарур бўлган кўникмаларни эгаллашини тезлаштиришдир. Касбий тайёргарликнинг малакага боғлиқ бўлган асосий тўрт даражаси мавжуд. Ҳар бир даража тегишли касбий таълимни талаб этади. Касбий тайёргарлик даражалари қуйидагилардан иборат: олий, ўрта махсус, бошланғич ва элементар(малакаси паст бўлган ходимларни ишлаб чиқаришда

курсларда бригада-индивидуал усулида тайёрлаш). Давлат зарур ҳолларда касбий маълумотга эга бўлмаган шахсларнинг касбий тайёргарликдан ўтишлари учун шарт-шароитлар яратади.

Касбий тайёргарлик меҳнат фаолият воситаларини ўзлаштириш имконини беради. Меҳнат фаолият воситаларисиз эса ҳеч қандай фаолиятни амалга ошириб бўлмайди. Фаолиятнинг аниқ бир турида унинг мазмуни ва йўналишига боғлиқ равишда фаолият воситалари (билим, кўникма ва малака) махсус бўлади. Бу махсус воситаларни ўзлаштириш (эгаллаш) касбий тайёргарлик орқали таъминланади ва инсон таълимининг асоси ҳамда шарт-шароити ҳисобланади, шу боис педагогика назарияси ва амалиётида ушбу тушунчалар жуда муҳим аҳамиятга эга.

Касбий кўникма – касбий-меҳнат фаолиятини энг мақбул даражада (оптималь) бажариш мақсадида маълум изчилликда амалга ошириладиган билиш, умуммеҳнат фаолияти ва махсус фаолиятлар мажмуаси.

Касбий маълумот – касбий фаолият, касб, ишлаб чиқариш, меҳнатни тақсимлаш, амалий иш, мутахассислик, тажриба алмашиш, касбий фаолият жараёнлари ва бошқалар ҳақидаги маълумот.

Касбий тарбия – бўлажак мутахассисларда касбий сифатлар касбий билим, кўникма ва малакалар билан бирга шакллантирилади. Бу эса ўқувчиларни касбий тарбиялаш жараёни мазмунини ташкил этади. Касбий тарбия – ўқувчиларнинг касбий онгини ривожлантириш мақсадида ташкил этилган педагогик фаолият бўлиб, бу жараёнда ўқувчилар қатор касбий тушунчаларни ўзлаштирадиган ҳамда касблар, касбий самарадорлик, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши, ишлаб чиқариш муносабатлари, хўжалик юритишнинг мавжуд тартиб-қоидалари тўғрисида тасаввурга эга бўлишади. Касбий тарбия ўқувчиларда касбий тафаккурнинг ўсишига, ахлоқий ва шахсий, масалан, фаоллик, тadbиркорлик, хўжалик юритиш, тежамкорлик, ижтимоий қадриятларга ҳалол муносабат, масъулиятлилик каби сифатларнинг шаклланишига, технологик жараёнларни ва жиҳозларни янгилашга, юқори сифатга, шахсий фаолиятда муваффақият ва фаровонликка эришишга имкон беради. Касбий тарбия барча асосий предметлар бўйича ташкил этилган дарсларда, амалий фаолият жараёнида, касбий фао-

лиятнинг аниқ муаммоларини муҳокама қилишга бағишланган суҳбатларда амалга оширилади..

Касб маданияти – кадриятлар тизими ва ҳўжалик фаолиятига рағбат, мулкчиликнинг ҳар қандай шаклига ва катта ижтимоий муваффақият сифатидаги тижорий ютукқа ҳурмат билан муносабатда бўлиш, «мослашиш» кайфиятини қабул қилмаслик, амалий касбий фаолият учун ижтимоий муҳит яратиш ва ривожлантириш.

Биз юқорида айтилган мулоҳазаларга таянган ҳолда, касбий кўникмаларни ривожлантиришни қуйидагича таърифлаймиз: касбий кўникмаларни ривожлантириш – шахснинг мустақил касбий фаолият кўрсатишида зарур бўладиган барча касбий билим, кўникма ва малакаларни эгаллаши, касбий соҳадаги ўзгаришларни ва касб таълими борасидаги сиёсатини англаши, ўз турмуш тарзини яхшилаш ҳамда шахсий эҳтиёжларини қондиришга ёрдам берувчи касбий таълим-тарбиянинг қоида ва усуллари, шакл ва методларини амалда қўллаб касбий билим олиши.

Илмий адабиётлар таҳлили, олий таълим муассасаларининг иш тажрибасини ўрганиш ва касб-хунар коллежларида касбий кўникмаларни ривожлантириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, ўқитувчи қатор илмий-амалий, услубий ишларни амалга ошириши лозим:

– ўқувчиларда касбий кўникмаларнинг шаклланганлигини аниқлаш бўйича сўровномалар тайёрлаш, тестлар ишлаб чиқиш ва ўтказиш;

– ўқувчиларда касбий кўникмаларни ривожлантириш бўйича махсус курсларни ташкил этиш ва олиб бориш;

– умумкасбий ва махсус фанларни ўқитиш ва амалий касбий таълим натижалари бўйича ўқувчиларда касбий кўникмаларнинг ривожланганлиги даражасини баҳолаш ва бошқалар.

Ўқув жараёнида касбий фаолият таҳлили, башоратлаш, касбий ўзгаришларни олдиндан кўра билиш, ижодкорлик, янги-ча касбий фикрлаш ўта зарур. Ушбу тушунчаларни чуқур тушунмасдан ҳамда ўзининг амалий касбий фаолиятига жорий этмасдан туриб, педагог ўқувчида касбий билим ва амалий кўникмаларни ривожлантира олмайди.

Мазкур вазифани амалга ошириш учун умумкасбий фанлар дастурларига, қўлланмалар ва дарсликларга касбий кўникмаларни ривожлантиришнинг назарий ва амалий асосларини киритиш зарур.

Касбий кўникмаларни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари педагогдан маълум тайёргарликни талаб этади. Бизнинг назаримизда тайёргарлик мазмуни қуйидагилардан иборати бўлиши зарур:

- янги касбий тушунчаларни киритиш учун тушунчалар захирасини яратиш;

- таҳлил натижалари асосида янги касбий тушунчаларни киритиш ва муаммоли вазиятларни яратиш;

- касбий кўникмаларни ривожлантириш мақсадида изчиллик тамойилига амал қилган ҳолда касбий масалаларни танлаш;


- аниқ касбий билимлар мазмунини аниқлаш ва шу асосда махсус курс ишлаб чиқиш;

- ўқувчиларда касбий кўникмаларни ривожлантириш жараёнини фаоллаштириш.

Албатта, бу ишлар ўқувчиларда касбий кўникмаларни ривожлантиришда асосий замин ҳисобланади. Касбий кўникмаларни ривожлантиришга эса босқичма-босқич тайёргарлик кўрилади.

Касбий кўникмаларни ривожлантиришга тайёргарлик босқичлари қуйидагилардан иборат: 1. *Умумий тайёргарлик* (умумий кўникма ва малакаларни ривожлантириш, ўқув фаолиятини тизимлаштириш). 2. *Махсус тайёргарлик* (таянч ўқув материалларини ўрганиш даражасини аниқлаш, касбий кўникмалар ривожланганлиги даражасини аниқлаш). 4.1.1-расмда ўқувчиларда касбий кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнининг умумий модели келтирилган. Касб-хунар коллежларининг тайёрлов йўналишлари талаблари ва мазмунидан келиб, ижодий қўллаш мумкин.

Ўқувчиларда касбий кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш жараёни модели тузилмасига мувофиқ дастлаб уларда касбий билим ва кўникмаларнинг шаклланганлиги даражаси тестлар, сўровномалар, анкетаар, амалий топшириқлар ва бошқа синов усуллари асосида аниқланади.



4.1.1-расм. Ўқувчиларда касбий кўникмаларни ривожлантириш жараёни модели

Кейин ўқувчиларда касбий кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи омиллар ва шарт-шароитлар аниқланади (ўқувчиларда касбий кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришнинг дидактик жараёни самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омиллар ва шарт-шароитларга ҳақида

монографиянинг 1.1-бандида батафсил тўхталиб ўтилган эди). Шундан сўнг “Касб таълими” мазмуни ишлаб чиқилади. Бунда “Коллеж ўқувчиларида касбий кўникмаларни ривожлантириш методикаси” махсус курс дастури ва амалий машғулотларни ташкил этиш алгоритми(лойиҳалаштириш)га таянилади.

Қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежларининг 3450300 – “Сув хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаштириш” тайёрлов йўналиши ўқувчиларида касбий кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш воситалари(гидромелиоратив машиналар, трактор, “экскаватор-симулятор” ўқув тренажёри, ўқув методик мажумалар, методик ишланмалар, кўрсатмалар, амалий машғулот лойиҳалари) ва амалий машғулотларнинг турли шакллари(ўқув ва ишлаб чиқариш амалиёти, тренинглар, топшириқлар, мустақил ишлар, ишбилармонлик ўйинлари)дан фойдаланиб, махсус курс мазмуни жорий этилади. Коллеж ўқувчиларида касбий кўникмаларнинг шаклланганлик ва ривожланганлик даражалари ишлаб чиқилган мезон ва кўрсаткичлар асосида баҳоланади, натижалар таҳлил қилиниб зарур ҳолларда методикага тузатишлар киритилади.

Ўқувчиларда 3450302- “Гидромелиоратив машина ва жиҳозларидан фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш механиги” касби бўйича умумий кўникмаларнинг шаклланганлик даражалари ва уни аниқлаш мезонлари қуйидагича:

1-даража (бошланғич). Ўқувчи 3450302-Гидромелиоратив машина ва жиҳозларидан фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш механиги касби бўйича умумий касбий тушунчаларни ўқитувчи ёрдамида ўзлаштирган, аммо уларнинг бир-бирига ўзаро мазмунан боғланишларини англай олмайди.

2-даража (қуйи). Ўқувчи 3450302-Гидромелиоратив машина ва жиҳозларидан фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш механиги фалолияти билан боғлиқ касбий тушунчалар, воситалар, объектларни билади, лекин уларни ўқувчи ёрдамисиз яхши аниқлай олмайди.

3-даража (ўрта). Ўқувчи 3450302-Гидромелиоратив машина ва жиҳозларидан фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш механиги фалолиятига оид касбий тушунчаларнинг бир-биридан фарқини

билади, уларнинг айримларидан амалда фойлана олади, лекин уларни тўлиқ ўзлаштирмаган, умумлаштира олмайди, ўқитувчи ёрдамида амалий топшириқлар ва масалалар ечимини топади, лекин саволларга берган жавобларини асослаб бера олмайди.

4-даража (ўртачадан юқори). Ўқувчи гидромелиоратив машина ва жиҳозларидан фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш механиги касбий фаолияти бўйича умумий тушунчалар, воситалар, объектларни ўқитувчи ёрдамида яхши ўзлаштирган, аммо уларнинг қаерларда ва нима мақсадларда ишлатилишини тушунтириб бера олмайди. Ўқувчи касбий тушунчаларни бир-биридан фарқлайди, улардан амалий масалаларни ҳал этишда фойдалана олади, тушунчалар орасидаги боғланишларни аниқлай билади.

5-даража (юқори). Ўқувчи гидромелиоратив машина ва жиҳозларидан фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш механиги касбий фаолияти бўйича умумий тушунчалар, воситалар, объектларни ўқитувчи ёрдамида яхши ўзлаштирган, уларнинг қаерларда ва нима мақсадларда ишлатилишини тушунтириб бера олади. Ўқувчи касбий тушунчаларни умумлаштира олади, тушунчалар орасидаги боғланишларни аниқлайди. У мустақил эгаллаган билимининг янги амалий фаолиятда, касбий масалаларни ҳал этишга татбиқ эта олади, жавобининг тўғрилигини асослай билади.

Хулоса қилиб айтганда, ўқувчиларда касбий кўникмаларни ривожлантириш муаммосини ҳал этиш учун касб-хунар коллежларида қуйидаги ишлар амалга оширилиши зарур: ўқувчиларда касбий билимларни чуқурлаштириш ва амалий кўникмаларни ривожлантиришнинг мажмуавий-мақсадли дастурини ишлаб чиқиш; касбий таълим бериш, инновацион экспериментал (янги тажрибавий) ишларни ўтказиш; самарали касбий таълим ўқув-услубий тизимини ташкил этиш; ўқувчиларнинг касбий билимининг мунтазам назорат қилиш (текшириб кўриш); энг мақбул касб таълими муҳитини шакллантиришга ёрдам берувчи ўқув-моддий базани ривожлантириш; ишлаб чиқариш корхоналари билан ўзаро фойдали ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйиш ва бошқалар.

4.2. Касбий кўникмаларни ривожлантириш методикаси

Узлуксиз таълим тизимини жорий этишнинг алоҳида хусусиятларидан бири таълимнинг мустақил тури сифатида касб-хунар таълимининг киритилиши ҳисобланади. Бу ҳозирги замон шароитида фаолият кўрсатадиган малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашга йўналтирилгандир. Биз касб-хунар коллежлари ўқувчиларида касбий кўникмаларни ривожлантириш мақсадида факультатив машғулотлар учун мўлжалланган махсус «Коллеж ўқувчиларида касбий кўникмаларни ривожлантириши методикаси» курси ва унинг дастурини ишлаб чиқдик. «Коллеж ўқувчиларида касбий кўникмаларни ривожлантириш методикаси» дастурини ишлаб чиқишда қуйидагилар асос қилиб олинади:

1. Дастурни ишлаб чиқиш учун касб-хунар коллежлари учун яратилган замонавий ўқув-услубий қўлланмалардан, шунингдек хорижий мамлакатларда нашр этилган адабиётлардан фойдаланиш зарурияти.

2. Дастур бўйича ишлаш ҳозирги замон статистик маълумотлар ва касбий кўрсаткичлардан фойдаланишни, амалий касбий фаолиятларни таҳлил этишнинг амалга оширилиши.

3. Дастур бўйича ишлашда замонавий техник воситалар (компьютерлар, проекторлар ва видеотехникалар, телекоммуникациянинг янги воситалари, Internet тармоғи, мультимедиа дастурлари ва махсус дастурий воситалар) дан фойдаланилиши.

4. Ўқитишнинг замонавий методлари (ролли ўйинлар, кичик гуруҳларда ишлаш, компьютерда моделлаштириш ва бошқалар) ва кўникмаларни эгаллаш мониторингининг замонавий услублари (берилган амалий топшириқларни бажариш натижасини тест орқали ва амалий иш орқали текшириб кўриш ва натижаларни компьютерда қайта ишлаш, касбий фаолиятни ташкил этиш бўйича диктантлар, касбий масалалар ечиш, рефератлар ёзиш, эссе, ўйин жараёнида мустақил қабул қилинган бошқарув қарорларини баҳолаш ва бошқалар)дан кенг фойдаланилган ҳолда дастур билан ишлаш натижасида юқори самарага эришилиши.

«Коллеж ўқувчиларида касбий кўникмаларни ривожлантириш методикаси» курси бўйича бир неча дастур вариантлари ишлаб чиқилиши мумкин. Ўқитувчи ўз таълим муассасасида предмет (курс)ни ўқитишнинг аниқ шарт-шароитлари (ўқув

соатлари, ўз малакаси даражаси, ўқувчиларнинг тайёргарлиги даражаси, таълим муассасасининг моддий-техник таъминоти, тегишли ўқув материалларининг мавжудлиги)ни ҳисобга олган ҳолда дастур вариантларидан бирини танлаши мумкин. Мавзулар бўйича ўқув вақтини тақсимлашнинг таклиф этилган варианты йўналтирувчи характерга эга бўлиб, ўқитувчи дастурнинг у ёки бу бўлимига кўпроқ эътибор қаратиши мумкин. Бунда ўқувчиларнинг билишга бўлган қизиқиши ва тайёргарлик даражасини ҳисобга олади.

«Коллеж ўқувчиларида касбий кўникмаларни ривожлантириш методикаси» дастурида ўқитишнинг фаол шаклларида фойдаланиш назарда тутилади. Педагогик тажрибалар кўрсатадики, улардан кенг фойдаланиш ўқувчиларнинг назарий ва амалий билимларини чуқурлаштиради. Ўқувчилар олган касбий билимларини амалда қўллаш бўйича амалий малакага эга бўладилар, бошқа предметларни осон ўзлаштиради.

4.2.1-жадвалда «Коллеж ўқувчиларида касбий кўникмаларни ривожлантириш методикаси» махсус курснинг намунавий ўқув дастуридаги мавзулар режаси келтирилган.

4.2.1-жадвал

«Коллеж ўқувчиларида касбий кўникмаларни ривожлантириш методикаси» махсус курснинг намунавий ўқув режаси²⁶

№	Мавзулар	Ажратилган соатлар сони		
		Жами	Маъруза	Амалий машғулот
1.	Курсининг предмети ва вазифаси.. Коллеж ўқувчиларида касбий кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш муаммоси.	1	1	—
2.	Ривожлантирувчи таълимнинг умумий методик тамойиллари	1	1	—

²⁶ Ушбу режага коллежларнинг ўқув-моддий базаси, ижтимоий ҳамкор корхоналарнинг имкониятлари, бўлажак мутахассисларга қўйиладиган малакавий талаблар ва педагогик амалиёт шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда ўзгартиришлар киритилиши назарда тутилади.

3.	Ўқувчиларда касбий кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришнинг психологик-педагогик асослари	1	1	–
4.	Ўқувчиларда касбий кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари	1	1	–
5.	Касбий кўникмаларни ривожлантиришда компьютер ва “Экскаватор-симулятор” ўқув тренажёридан фойдаланиш	4	1	3
6.	Машқлар воситасида касбий кўникмаларни ривожлантириш	4	1	3
7.	Лаборатория машғулотларида бўлажак мутахассисларда касбий кўникмаларни ривожлантириш	3	1	2
8.	Ўйин технологияси асосида ўқувчиларда касбий кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш	4	1	3
9.	Касбий кўникмаларни ривожлантиришнинг амалий-дидактик воситалари	4	1	3
10	Семинар-тренинглار орқали ўқувчиларда касбий кўникмаларни ривожлантириш	3	1	2
11	Касбий кўникмаларни ривожлантириш методикаси	4	2	2
12	Замонавий гидромелиоратив машина ва жиҳозларидан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатишни ўргатиш технологияси	3	1	3
13	Ўқувчиларда касбий кўникмаларнинг шакллланганлиги ва ривожланганлигини аниқлаш	3	1	2
	Жами: 36	36	14	22

«Коллеж ўқувчиларида касбий кўникмаларни ривожлантириш методикаси» махсус курсини ўрганишда қуйидаги вазифаларни ҳал этиш кўзда тутилади:

- битирувчиларда реал касбий фаолият ҳақида тасаввур ҳосил қилиш;

- жамият тараққиётини жадаллаштиришда умумкасбий ва махсус фанларнинг аҳамиятини тушунтириш, ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш; касблар тарихининг миллий илдизлари билан таништириш;

- ўқувчиларнинг реал касблар, касбий тушунчалар, қонунлар, назариялар, умумкасбий фанларнинг методлари, касбий фаолият турлари, касбий фаолият моделлари ҳақидаги тушунчаларини кенгайтириш;

- ўқувчиларни касбий кўникмалар тушунчаси, унинг ижтимоий-педагогик аҳамияти билан таништириш;

- бўлажак кичик мутахассисларни мустақил касбий билим олиш ва мушоҳада юритиш усуллари билан қуроллантириш;

- меҳнат муносабатлари, касбий фаолият касбий меҳнатни ташкил этиш бўйича қонун ва қарорларни ҳаётда қўллаш бўйича амалий кўникмаларни ривожлантириш;

- ўқувчиларни умумкасбий ва махсус фанларда ўрганиладиган тушунчалар, қонун-қоидалар, касбий ҳодиса ва воқеалар мазмунини таҳлил қилишга ўргатиш;

- ҳозирги замон шароитида ишлатилаётган замонавий гидромелиоратив машина ва жиҳозлари, уларга хизмат техник кўрсатиш ҳақида маълумот бериш;

- гидромелиоратив машина ва жиҳозларидан фойдаланиш, уларга хизмат техник кўрсатишнинг амалий асосларини ўргатиш;

- реал ҳаётдаги технологик жараён ва ҳодисаларни кузатиш ва уларнинг сабабларини тушунтириш, шунингдек, дарслик ва қўлланмалардан ташқари, яна қўшимча адабиётлар, даврий нашрлар, маълумотномалар, луғатлардан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантириш;

- ўқувчиларни ҳисоб-китоб ишларига, касбий масалаларни ечишга ўргатиш, касбий фаолият жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланиш малакаларини ривожлантириш;

- ўқувчиларнинг умумкасбий ва махсус фанларга қизиқишини ривожлантириш, умумкасбий фанларни ўқитишни амалиёт

билан узвий боғлаш ўқувчиларни онгли равишда касбий ўз-ўзини белгилашга ўргатиш ва ўқув мотивларини ривожлантириш;

– ўқувчиларда касбий кўникмаларни боскичма-боскич ривожлантириш.

«Коллеж ўқувчиларида касбий кўникмаларни ривожлантириш методикаси» махсус курси бўйича ўқувчилар билимига қўйиладиган талаблар дастурга киритилган ҳар бир мавзу бўйича уларнинг мустақил фикр юритиши ва амалий машғулотларда фаол иштирок этиш даражаси билан белгиланади. «Коллеж ўқувчиларида касбий кўникмаларни ривожлантириш методикаси» махсус курси бўйича ташкил этиладиган машғулотларнинг технологик харитаси ишлаб чиқилади. Унда ўқитувчи ва ўқувчилар иш фаолиятининг кетма-кетлиги, қўлланиладиган ўқитиш методлари, гидромелиоратив машина ва жиҳозларидан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатишни ўргатиш шакли ва воситалари келтирилади.

Касбий кўникмаларни ривожлантиришнинг энг муҳим ва аҳамиятли усулларидан яна бири – бу ўқув ва ишлаб чиқариш амалиёти жараёнида ўқувчиларнинг амалий касбий фаолиятини ташкил этишдир.

Умумкасбий ва махсус фанларни ўрганиш жараёнида бўлажак мутахассисларда касбий кўникмаларни ривожлантиришда амалий фаолиятни боскичма-боскич ташкил этиш назариясига таянилади. Таълим олувчиларнинг ўқув фаолияти қуйидаги боскичлардан иборат: мақсад-мотивацион; фаолият йўналишининг асосларини тузиш (йўналиш олиш); белгиланган фаолиятни амалга ошириш.

Касбий кўникмаларни ривожлантиришнинг ҳар бир босқичини амалга ошириш учун мақсадга эришиш методлари ва уларнинг таркибига кирувчи услублар аниқланади. Ўқитиш методи – педагог ва таълим олувчининг таълим масалаларини ечишга қаратилган ўзаро боғлиқ фаолиятлари усули. Услуб – методлар таркибига кирувчи алоҳида элементдир.

Касбий кўникмани ривожлантиришнинг мотивацион босқичи. Бу босқичда, яъни умумкасбий ва махсус фанларни ўқитишнинг илк даврларидаёқ ўқувчиларда уларни ўрганишга ижобий мотивацияни шакллантириш ва ривожлантириш зарур. Ўқиш мотивациясини ривожлантириш бўйича иш бошлашда,

энг аввало, унинг ўқувчиларда қай даражада шаклланганлиги ва характерини билиш зарур. Умумқасбий ёки махсус фанларни ўрганишга қизиқиш (мотивация) даражасини шкалалаштириш методи орқали аниқлаш мумкин. Шкалалаштириш методи умумқасбий ва махсус фанларни ўрганишга бўлган мотивация ҳолатини, шунингдек, унинг ривожланиш динамикасини аниқлашга имкон туғдиради.

Мотивация даражасини билиш бизга унинг ўқув гуруҳидаги ҳолатини қайд этиш имконини беради. Гуруҳда умумқасбий ва махсус фанларни ўрганишга мотивациянинг шаклланганлиги даражасига қараб, ўқувчиларда уни ривожлантириш вазифалари танланади.

Ўқувчиларда мотивацияни ривожлантириш метод ва услубларини танлашда ўқув материалининг мазмуни, предметлараро алоқадорлик, ўқитиш шакллари ва бошқаларга эътибор қаратилади. Қараб ўтиладиган мотивацион босқичда ўқувчилар дастлаб ўқув ахбороти билан таништирилади. Бу ўқувчиларни фикрлашга, қабул қилинадиган ўқув материалининг мазмунини англаш ва тушунишга мажбур этади. Мотивацияни ривожлантириш методлари сифатида ахборот-маълумот бериш, яъни ривожлантириш (маъруза, хикоя, суҳбат, тушунтириш), ўқув материали мазмунини қизиқарли маълумотлар билан бойитиш орқали ўқувчиларни касбий билим олишга қизиқтириш, “муваффақият” вазиятини яратиш методларидан фойдаланилди.

Педагогик тажриба натижалари шуни кўрсатадики, ўқувчиларда умумқасбий ва махсус фанларни ўрганишга мотивация уйғотишнинг самарали методларидан бири «Ўқишни ўрган» суҳбатлар курсидан фойдаланишдир. Бу суҳбатлар курсини таълимнинг дастлабки икки ҳафтасида биринчи босқич ўқувчилари учун, шунингдек, янги касбий фанларни ўрганишда ташкил этилади. Суҳбат жараёнида қуйидаги масалалар муҳокама этилади: аниқ умумқасбий фанларни ўрганишда қандай умумий услублар қўлланилди; китоблар ва ўқув ахборотининг бошқа манбалари ҳамда Интернет билан қандай ишланади, матнларни қайтартибда ёзиш керак (тезислар, конспектлар, режа тузишлар, ахборотларни қандай йўл билан кодлаштириш мумкин (схемалар, графиклар, жадваллар), ўқув ва ишлаб чиқариш амалиёти қандай ташкил этилади, амалий топшириқлар қандай тартибда бажа-

рилади, касбий фаолиятни нимадан бошлаш керак. Бундай мавзуларда суҳбатлар ташкил этишдан мақсад – ўқувчиларни умумкасбий ва махсус фанларга, энг муҳими, касбни эгаллашга кизиқтириш, уларни ўрганишда ўқув ва касбий фаолиятнинг асосий турлари ҳақида ҳикоя қилиб бериш.

Суҳбат маълум кетма-кетликда қуйидаги мавзуларда ўтказилиши мақсадга мувофиқ:

1. Умумкасбий ва махсус фанларни ўрганиш мақсади (айни касбий фанларни ўрганиш нима учун зарур, махсус фанларни ўзлаштиришда ва келгусидаги меҳнат фаолиятида касбий билимлар қандай аҳамиятга эга).

2. Умумкасбий ва махсус фанларни ўрганиш учун зарур бўладиган билимлар ва ўқув кўникмалари.

3. Умумкасбий ва махсус фанларни ўрганишда эгалланадиган касбий билимлар ва кўникмалар.

4. Ўқув фаолиятини ташкил этиш (дарсликлар ва бошқа ўқув ахборотлари билан қандай ишлаш керак, ёзма ва оғзаки тарзда баён этилган матнларни ёза билиш, ахборотларни кодлаштириш ва кодлаштирмаслик, схемалар, чизмалар, графиклар, расмлар билан ишлаш).

5. Амалий топшириқларни бажариш.

6. Ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётида фаол иштирок этиш.

7. Ишлаб чиқариш корхоналарида мураббийларга иш фаолияти жараёнида ёрдам бериш.

8. Ишлаб чиқариш корхоналарида ўқувчиларнинг мустақилиш фаолиятини ташкил этиш.

9. Ўқувчиларда касбий кўникмаларнинг ривожланганлик даражасини аниқлаш ва баҳолаш.

Бундай суҳбатлар ўқувчиларда нафақат касбий ва махсус фанларни ўрганиш ва касб эгаллашга мотивация ўйғотишнинг самарали воситаси ҳисобланади.

Фаолият йўналишининг асосларини тузиш (йўналиш олиш) босқичи. Иш-фаолият ва уни амалга ошириш шарт-шароитлари фаолият йўналишининг асосларини тузиш босқичи касбий кўникмаларни назарий даражада аниқ мақсад асосида ривожлантириш имконини беради. Бу босқичда таълим олувчилар касбий кўникма таркибига кирувчи фаолият-амалларни бажариш тартиби билан танишишни давом эттирадилар. Бундан асосий мақсад

уларга машқлар ва уларни келгусидаги амалий фаолиятда қўллаш усуллари батафсил тушунтиришдир.

Ўқитувчи ўқувчиларни иш-амалларни бажариш тартиби билан таништириш асносида, ахборот манбаларини аниқлайди. Қуйидагилар ўқувчилар учун ахборот манбалари бўлиши мумкин: ўқитувчининг ўзи (маълумотларни кўрсатиш, тушунтириш, зарурий изоҳлар бериш); машиналар ва жиҳозлар, техник воситаларни ўз ичига қамраб олган кўргазмали воситалар; дарсликлар ва бошқа ўқув адабиётлари, кўникмаларни изоҳлаш учун зарур бўладиган воситалар (эслатмалар, алгоритмлар, йўриқномалар, услубий материаллар, жиҳозлар, ускуналар, ўлчов асбоблари ва бошқалар), танишув амалиёти, ишлаб чиқариш амалиёти. Кейинги ҳолатларда ўқитувчи фақат ташкил этувчи вазифасини бажаради, холос. Шу боис, таълим олувчиларга тегишли воситаларни тақдим этади. Улар ўқув адабиётларидан фойдаланган ҳолда воситалар билан мустақил танишадилар ва ўз билимларини назорат қиладилар. Қараб ўтиладиган ушбу босқичда ўқитувчининг вазифаси ўқувчиларни иш-фаолият йўналишининг асослари мазмуни билан; иш-фаолият таркибига кирувчи амалларни бажариш (йўналиш олиш, ижро этиш, назорат қилиш) тартиби билан таништиришдан иборат.

Шакллантирилган фаолиятни амалга ошириш босқичи. Бу босқичда машқлар бажарилади ва касбий кўникмалар амалда қўлланилади. Айни босқичда ўқувчиларнинг фаолияти шундай тарзда ташкил этиладики, дастлаб иш-амалнинг барча қисмлари – йўналиш олиш, ижро этиш ва назорат қилиш (компонентлари) бажарилади, кейин умумлаштирилади ва қисқартирилади. Фаолиятни умумлаштириш учун дастлаб айни фаолиятнинг намунавий ҳолатини акс эттирувчи машқлар ва масалалар, кейин – номаълум шарт-шароитларни ўз ичига қамраб олувчи янги намунавий вазиятлар, ундан кейин эса нотипик вазиятлар қамраб олинади. Турли индивидуал топшириқлар, машқларни бажариш ва масалаларни ечиш натижасида кўникмалар, амалий иш-фаолият алгоритми ривожлантирилади, унинг таянч элементларидан кенг фойдаланилади.

4.3 Замонавий гидромелиоратив машина ва жиҳозларидан фойдаланиш ва уларга техник хизмат кўрсатишни ўргатиш технологияси

Коллеж ўқувчиларида замонавий гидромелиоратив машина ва жиҳозларидан фойдаланиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича кўникма ва малакаларни ривожлантириш янги ёндашувларни талаб этади. Бу эса ўқувчиларда кўникма ва малакаларни ривожлантиришнинг янги технологияларини лойиҳалаш, ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш билан узвий боғлиқ.

Таълим технологиясида мақсадга эришишга олиб келадиган ўқув фаолияти назарда тутилади. Ўқитиш босқичма-босқич амалга оширилади. Ҳар бир кейинги ўқитиш босқичи ўқитишнинг умумий технологик стратегиясига киритилади.

Ўқув жараёнини технологик ёндашув (педагогик технология) асосида ташкил этиш ва амалга ошириш орқали таълим мақсадига эришиш, билишнинг илмий усулини эгаллаш мумкин. Таълим технологияси – бу бутун педагогик фаолиятни лойиҳалаш ва амалга ошириш, ўқитувчи ва ўқувчилар учун қулай шароитни тўла таъминлаш орқали таълим жараёнини ташкил этиш модели.

Л. В. Голиш[10], Файзуллаева Д. М. [22] фикрича, таълим технологияси – бу ўқитиш моделини технологик ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёни бўлиб, бунда аниқ ўқув-тарбия мақсадини амалга ошириш таъминланади. Таълим технологияси – берилган вақт мобайнида олдиндан белгиланган натижаларга кафолатли эришишни таъминлаш йўллари ва воситаларининг тизимли йиғиндиси (ўқитиш усуллари, шакл ва воситалари). Бу – технологик харита, мақсад ва олдиндан белгиланган натижаларга эришишни кафолатлайдиган педагогик ва ўқув фаолиятини амалга ошириш лойиҳаси²⁷.

Олиманинг фикрича, янги таълим технологияларини лойиҳалашда педагогик тизим моделидан келиб чиқадиган қуйидаги бир гуруҳ саволлар ўз аксини топиши зарур:

²⁷ Голиш Л.В. Современные технологии обучения: содержание, проектирование и реализация // Проект ТАСИС «Содействие реформированию профессионального образования в Узбекистане». – Т.: 2001.-20 б. .Файзуллаева Д.М. Қишлоқ хўжалик машина ва жиҳозларидан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш.Услубий қўлланма. – Т.: ЎМКХТРИ, 2002

Биринчи гуруҳ саволлар:

– таълимнинг қандай мақсадлари(таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи) белгиланиши лозим?

– таълим олувчиларда қандай муайян ўзгаришлар кутилмокда, яъни қандай натижалар режалаштирилмокда?

Бу саволлар таълим жараёнининг бошланиши ва якунланишини ифода этади ва шунинг учун таълим технологиясини ишлаб чиқишда муҳим ҳисобланади. Модомики, мақсадни белгилаш бошланғич вазият билан таълим жараёнининг бошланғич босқичи ҳолатига чамбарчас боғлиқ бўлса, у ҳолда қуйидаги иккинчи гуруҳ саволлар ҳам жуда муҳим саналади.

Иккинчи гуруҳ саволлар:

– таълим олувчи ўқишга киришишдан аввал қандай таянч билимлар, қандай ўқув кўникма ва малакаларни эгаллаган бўлиши лозим?

Учинчи гуруҳ саволлар мақсадни белгилаш ва бошланғич вазият билан бевосита боғлиқ:

– ўқув фанининг қандай мазмуни мақбул бўлади? Яъни нимани ўрганиш, қай даражада ва қандай кетма-кетликда ўрганиш керак? Қандай ўқув ва таълимий воситалар(китоблар, қўлланмалар, луғатлар, сўровномалар, аудио-видео воситалар) ёрдамида ўқув ахборотлари тақдим этилади?

– ўқитишнинг қандай технологияси (ўқитиш усуллари, воситалари, йўллари ва шакллари) қўйилган мақсадни амалга оширишни (бошланғич вазиятни ҳисобга олган ҳолда), белгиланган натижаларга эришишни мақсадга мувофиқ ҳолда кафолатлайди?

Демак, бу саволлар таълим олувчига ўқув фаолиятини қандай амалга ошириш лозимлиги ва шунга кўра таълим беришга қаратилган қандай педагогик ишларни бажариш зарурлигини кўрсатади.

Ва ниҳоят, охирги гуруҳ саволлар:

– таълим самарадорлиги қандай?

– таълим олувчилар таълим жараёнининг натижалари сифатида қандай билим, кўникма ва малакаларни эгаллайдилар?

– эришилган натижаларнинг таълим стандартларига, режалаштирилган натижаларга мувофиқлигини нима учун ўлчаш ва баҳолаш зарур?

Юкоридаги технология ҳақидаги концептуал ёндашувларга асосланиб, замонавий гидромелиоратив машина ва жиҳозларидан фойдаланиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича ўқувчиларда кўникма ва малакаларни ривожлантириш имконини берувчи технология ишлаб чиқилди. У ўзида психологик-педагогик тадбирларни акс эттиради. Технологиянинг таркибий қисмлари ўзаро боғлиқ бўлиб, унда назарий ва амалий таълимнинг узвийлиги таъминланади.

Ўқувчиларда замонавий гидромелиоратив машина ва жиҳозларидан фойдаланиш бўйича кўникма ва малакаларни ривожлантириш технологиясини қўллашда қуйидагилардан фойдаланилади:

- ўқув материаллари: модулли ўқув ахборотлари, ўқув адабиётлари, йўриқномали хариталар, плакатлар, ўқув топшириқлари мажмуалари;

- ўқитишнинг техник воситалари: кодоскоп, видеоглаз;

- ўқув жиҳозлари: гидромелиоратив машина ва жиҳозлари.

Замонавий гидромелиоратив машина ва жиҳозларини ўрганишдан олдин қуйидаги асосий техник тушунчаларни аниқлаштириш зарур: машина, қурол, жиҳоз, мослама, инвентарь, аппарат, агрегат.

Машиналар учун ҳаракат, узатиш ва ижро механизмлари хосдир. Қишлоқ хўжалик ва сув хўжалиги ишларини бажариш учун ишлатиладиган механизмлар ёки жиҳозлар замонавий машина деб юритилади. Замонавий машиналарда энергия манбаи (двигатель) билан узвий боғланган узатиш механизми воситасида ишчи (ижрочи) қисмлар ҳаракатга келтирилади. ”Машина деталлари” бўлимини ўрганишда ўқувчиларга машиналар вазифасига кўра бир неча гуруҳларга бўлиниши ҳақида маълумот бериш мақсадга мувофиқ.

Дарс жараёнида машина қурилмаси механизмларининг ўзаро боғлиқлигини очиб берувчи схемадан фойдаланиш мумкин. Схемадан турли техник қурилмаларни ўрганишда машина тушунчасини ойдинлаштириш учун асос сифатида, шунингдек машина ва жиҳозлар ўртасидаги фарқларни аниқлаш учун фойдаланилади.

Механизм тушунчаси мазмунини очиб беришда машинада энергияни бир турдан бошқасига айлантириш ва узатиш ҳаракатни ўзгартириш ва бир қисмдан бошқасига узатиш ҳисобига амалга оширилишини тушунтириш зарур. Ҳаракатни

режали ўзгартириш ёки узатиш учун мўлжалланган курилма механизм деб аталади. Шу маънода, ҳар қандай машина бир ёки бир неча механизмлардан ташкил топиши эътироф этилади.

Ўқувчилар механизмлар ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши ва ҳаракатнинг узатилишини таъминловчи механизмларнинг асосий турларини бир-биридан фарқлашлари учун қуйидагилар ҳақидаги билимларни ўзлаштиришлари зарур: двигатель узатган кинетик энергияни қабул қилгич – юриш ғилдираги, шкив, кардан вал, ўтказгич, дастак; двигатель энергиясини ишчи қисмларга узатиш механизмлари – тишли, шарикли, занжирли, тасмали механизмлар; олинган энергия ҳисобига машинада технологик жараёнларни амалга оширадиган ишчи қисмлар – дисклар, барабанлар, панжаралар ва бошқалар. Бунинг учун қуйидаги саволларга жавоб излашни таклиф этиш мумкин.

1. Қандай механизмлар гидромелиоратив машина двигателлари қаторига кириди?

2. Қандай машиналар ишчи машиналар деб аталади? Уларнинг вазифалари нимадан иборат?

3. Гидромелиоратив машиналарнинг электр қисми, энергия аккумулятори ва қабул қилгич деганда нима тушунилади?

4. Замонавий гидромелиоратив машина механик энергияни қандай қилиб бошқа турдаги энергияларга айлантиради?

5. Замонавий гидромелиоратив машиналари механик энергияни қабул қилгич ҳисобланадими?

6. Қандай механизмлар двигателдан энергияни замонавий машиналарининг ишчи қисмларига узатилишини таъминлайди?

7. Замонавий машинанинг иш бажарадиган ишчи қисмларига мисоллар келтиринг?

Техник механиканинг “Машина деталлари” бўлими бўйича ташкил этиладиган машғулотларда “деталь” тушунчаси винт, гайка, вал, шкив, ғилдирак, подшипник, муфта, диск, занжир ва бошқаларни тушунтириш ва намойиш этиш жараёнида шакллантирилади. Бироқ бу машғулотларда уларни ягона машина мисолида биргаликда қўллашнинг ўзига хос томонлари қараб ўтилмайди. Шунинг учун ўқувчилар қўпинча ” Техник механика» умумтаълим фани бўйича ташкил этиладиган дарсларда деталларнинг конструктив шакллариининг ўзига хослиги ва уларнинг у ёки бу ҳолатларда қўлланилишини тушунтиришда қийинчиликларга дуч келадилар. Бундан ташқари, машиналар

компоновкасининг умумий ғоясини билмасдан туриб ўрганилган элементларни машинада фарқлай олмайдилар.

Хар бир машинада ҳаракатланадиган ва ҳаракатланмайдиган бирикмалар кенг қўлланилади. Бу бирикмаларда универсал, шунингдек фақат айни машинада ишлатиладиган ва ўзига хос хусусиятга эга деталлар қўлланилади. Бундай умумийликни кўрсатиш ва деталларнинг қўлланилишидаги ўзига хосликни таъкидлаш жоиз. Бу техникани ўргатадиган ҳар қандай курснинг вазифасидир.

Таълим-тарбиянинг бошланғич ва айни ҳолатдаги диагностикаси. Бу таълим жараёнининг барча томонларини ойдинлаштиришга хизмат қилади, Диагностика ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади:

- назорат: аниқлаш, ўлчаш, баҳолаш;
- статистик маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш;
- ўзгаришлар ва мақсадларни аниқлаш;
- воқеаларнинг кейинги ривожланишини олдиндан айтиш.

Назорат. Назорат таълим олувчиларнинг билими, кўникма ва малакаларини аниқлаш, ўлчаш ва баҳолашни билдиради. Текширув қайтар алоқани, ўқув материални ўзлаштириш даражасини, ўқувчиларнинг билими, кўникма ва малакаларидаги камчиликларни ўз вақтида аниқлаш ва тўлдиришни таъминлашга хизмат қилади. Технологияни ишлаб чиқишда назоратнинг яқка тартибда ўтказиладиган тест ва амалий топшириқларни бажариш, ўз-ўзини назорат қилиш турларидан фойдаланилади.

Биз ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолашда қуйидаги назорат турларини қўлладик: 3 даражали тест саволлари ва амалий топшириқларни бажариш.

1-даражали тестлар (ўқувчининг ўқув материали билан танишиши). Тест саволларига тўғри жавоблар «қаноатлантирарли» мезони бўйича баҳоланади.

Ўқувчилар ўқув материали билан танишув даражасида бир қанча жавобдан биттасини танлайди. Эсида қолганларини тиклайди. Масалан:

Экскаваторнинг алмашувчан ишчи жиҳозлари қаторига нималар киради?

1. Тескари чўмичли алмашувчан ишчи жиҳоз, тўғри чўмичли алмашувчан ишчи жиҳоз.

2. Грейфер, стерла, гидроцилиндр, стрела, даста.

3. Чўмич гидроцилиндри, чўмич, грейфер қисқичларини очиш ва ёпиш гидроцилиндри.

4. Юқорида кўрсатилганларнинг барчаси.

2-даражали тестлар. Бу тест саволларига тўғри жавоблар «яхши» мезони бўйича баҳоланади. Бунда ўқувчилар билимларни хотира бўйича тиклайдилар. Масалан:

Экскаваторнинг электр тизимининг ишламаслигига сабаб нима?

1. Аккумулятор қисқичлари бўшаган ёки занглаган (ейилган).

2. Аккумулятордаги электролит сатҳи пасайган.

3. Мос ёнилғи танланмаган.

4. Юқорида кўрсатилганларнинг барчаси.

3-даражали тестлар. Бу махсус тестлар ўқувчиларнинг амалий (ўқув-ишлаб чиқариш) ишларини мустақил бажара олиш қобилиятларини текширишга мўлжалланган, яъни бўлажак мутахассиснинг касбий тайёргарлиги текширилади. 3-даражали топшириқни тўғри бажарганларга «аъло» баҳо қўйилади. Масалан:

Ҳолатни аниқлашда қандай йўл тутасиз?

1. Экскаватор ёрдамида тупроққа 0,5 м чуқурликда ишлов бердингиз. Бир марта ковланигиздан кейин иш сифатини текшириб, юмшатиш чуқурлиги сизнинг режангиздан анчагина камлигини аниқладингиз. Сиз бунда қандай йўл тутасиз?

А – ер тупроғининг қаттиқлиги текшириб кўрилади.

В – экскаваторнинг алмашувчан ишчи жиҳози ёрдамида қайта ишлов берилади.

Ўқитиш технологияси бир-бирига боғлиқ «Кириш», «Асосий» ва «Якуний» босқичлардан иборат педагогик тизимдан иборат (4.3-1-расмга қаранг).


Кириш босқичи. Ушбу босқич бир-бирига боғлиқ ташкилий-бошланғич, мақсад ва вазифаларни белгилаш, таянч билимларни фаоллаштириш босқичларига ажратилади.

Ташкилий-бошланғич босқичи. Бунда ўқитувчи ўқувчилар билан саломлашиб, синф давоматини аниқлайди. Ўқувчиларнинг дарсга тайёргарлигини текшириб кўради.

Мақсад ва вазифаларни белгилаш босқичи. Ўқувчилар машғулот мавзуси, мақсади, ишнинг вазифалари ва баҳолаш усуллари билан таништирилади. Вазифалар аниқлаштирилади ва ўқув фаолияти ҳолати яратилади.

Таянч билимларни фаоллаштириш босқичи. Ўқувчиларнинг ўтилган мавзу бўйича назарий билимлари тест орқали баҳоланади.

Асосий босқич ўзаро боғлиқ бўлган 1) янги материални ўрганиш, 2) ўрганилган ўқув материални мустаҳкамлаш каби таркибий қисмларни ўз ичига олади.



4.3.1-расм. Ўқитиш технологияси

Янги материални ўрганиш. Янги мавзуни ўрганишнинг мантикий тузилиши схемаси бўйича ўрганиладиган ўқув материалнинг асосий унсурлари юзасидан ўқувчиларга тушунча берилади.

Янги ўқув материали кичик ўқув гуруҳларида топшириқ саволлари орқали ўрганилади. Ўқувчиларга бир-бирларини ўқитиш бўйича йўл-йўриқлар тақдим этилади. Ўқувчилар кичик ўқув гуруҳларида иш олиб борадилар.

Ўқувчилар бунда гидромелиоратив машина(экскаватор)нинг вазифалари, тузилиши, уни ишга тайёрлаш, ишга тушириш, хизмат кўрсатиш, саклаш ва бошқалар ҳақидаги) назарий билимларни ўзлаштирадилар. Шу билан бирга, матнлар, материаллар (адабиётлар, ўқув қўлланмалар) билан ишлаш кўнималарига эга бўладилар.

Ўқувчилар ўқув материални мустақил ўзлаштиришлари жараёнида ўқитувчи асосий саволлар, атамаларни изоҳлаб, қўшимча маълумотлар беради. Ўқувчиларнинг мустақил ишларини кузатади.

Ўқувчи топшириқ саволи бўйича дастлаб янги мавзу материали билан мустақил танишиб, уни ўрганади, сўнгра уни гуруҳ аъзолари билан савол-жавоб қилиш орқали ўрганади. Ундан кейин эса барча гуруҳлар олдида ўз билимини намойиш этади, яъни «ўқитувчи» вазифасини бажаради. Бу пайтда эса, унинг сўзини бошқа ўқувчилар тинглайдилар, кузатадилар, таҳлил қиладилар. «Дарс»дан сўнг «ўқитувчи»нинг таълим бериш фаолияти баҳоланади.

Ўқув материални мустаҳкамлаш. Ўрганилган назарий билимларни мустаҳкамлаш учун ўқитувчи томонидан ўқув-ишлаб чиқариш фаолияти ташкил этилади.

Ўқув-ишлаб чиқариш фаолиятининг вазифалари, амалий топшириқлар мазмунини, иш ўринлари ва уларда амалга ошириладиган ишларни бажариш тартиби ва йўллари тушунтирилади.

Айрим ҳолларда ишлар бажариб кўрсатилади. Шу билан бирга, техника хавфсизлиги қоидалари ва машғулот жараёнида уларга риоя этиш бўйича йўриқномалар берилади. Ўқувчилар иш ўринларида экскаваторнинг тузилишини, ростлаш ва созлаш усуллариини ўрганадилар; экскаваторнинг техник ҳолатини текширадилар; ишчи қисмларини ажратадилар ва жойлаштирадилар; бажарилган иш юзасидан ҳисобот тузадилар.

Ўқитувчи машғулот мобайнида ўқувчилар томонидан ишларнинг тўғри бажарилиши, жорий йўриқномаларга амал қилишлари, асбоблардан тўғри фойдаланиш, ростлашларни тўғри бажаришларини изчил кузатиб боради, йўл қўйилган хатоларни кўрсатади, ўқувчиларнинг саволларига жавоб беради. Шу билан бирга, қийин ўзлаштираётганларга алоҳида эътибор беради, уларни яхши ва тез ишлашга йўналтиради. Яхши бажарилган ишларни бошқаларга намуна қилиб кўрсатади.

Аксинча, ишларни бажаришда технологик кетма-кетлик ёки техника хавфсизлиги бузилса, машғулот тўхтатилади. Ўқув гуруҳларига йўл қўйилган хатолик қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги тушунтириб берилади. Машғулот тугашидан ярим соат олдин ўқитувчи ва ишлаб чиқариш устаси томонидан ўқув-иш ўринларида ўқувчиларнинг билим ва кўникмалари аниқ ва қисқа саволлар орқали текширилади.

Машғулот охирида ўқув жойларини ўқувчилар тартибга келтирадилар. Ўқитувчи ёрдамчилар билан назорат қилиб туради. Ўқув жойлари ва асбоблар кичик гуруҳ етакчилари томонидан «қабул қилиб олинади».

Яқуний босқич. Ўқув гуруҳида шахсий кузатишлар ва ишлаб чиқариш устасининг мулоҳазалари асосида машғулот таҳлили ўтказилади. Ўқувчиларнинг топшириқларни бажариш сифати ва машғулот вақтидаги уюшқоқлиги гуруҳлар ишини баҳолаш учун мезон ҳисобланади.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг иш жараёнида аниқланган умумий ва алоҳида камчиликларига эътибор қаратади ва кейинги машғулотларда ушбу хатоларни такрорламасликларини уқтиради.

4.4. Ўқувчиларда касбий кўникмаларнинг ривожланганлигини аниқлаш мезонлари

Дастлаб касб-хунар коллежи ўқувчиларида шаклланган касбий билим ва кўникмалар даражасини аниқлаш мақсадида тест-сўровномалар, яъни ташхис ўтказилади. Бу ташхис касбий кўникмаларни ривожлантириш жараёнини тўғри режалаштириш, ўқувчиларнинг психологик-педагогик тайёргарлиги даражасини аниқлаш, касбий профилактика ишларини олиб боришга имкон беради.

Ташхислаш жараёнида ўқувчиларда касбий кўникмаларнинг шаклланганлиги ва ривожланганлиги динамикасини назарий асослаб бериш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Чунки-илмий асосланган диагностика методларисиз ва баҳолашларсиз ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигини аниқлаш ва касбий кўникмалари даражасини билиш мумкин эмас. Ташхислаш касбий кўникмаларнинг шаклланганлиги бўйича амалий ҳулосалар чиқаришга ва касб таълим методларининг самарадорлиги борасида фикр юритишга имкон беради. Ташхис натижалари ўқувчиларда касбий кўникмаларни ривожлантиришда фойдаланилган методларнинг қайси бири афзал эканини билиш ҳамда касб таълими шакл ва воситалари рейтингини аниқлаш учун муҳим асос бўлади.

Бунинг учун: а) диагностик методлар билан ўқувчиларнинг касбий кўникмалар борасидаги билими аниқланади; б) касбий кўникмаларни ривожлантиришда ўқувчиларга индивидуал ёндашиш учун уларнинг индивидуал хусусиятлари ҳақида ахборотлар тўпланади. Ўқув-тарбия жараёнини бошқаришни такомиллаштиришда, касбий кўникмаларни ривожлантиришда илмий жиҳатдан асосланган психологик-педагогик ташхиснинг ўрни ва аҳамиятини инкор этиб бўлмайди.

Янги ижтимоий-касбий шароитда касб-ҳунар таълимининг мақсад ва вазифалари мураккаблашиб, вазифалари ортмоқдаки, бу ҳол рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш сифатини бошқариш, касбий таълимни ривожлантириш ва назорат қилишнинг янги механизмлари ишлаб чиқилишини талаб этади. Шу боис янги бозор муносабатлари шароитида касбий кўникмаларни пухта эгаллаган кадрларни тайёрлаш талабларига, қишлоқ ва сув ҳўжалигини ривожлантириш ва бошқариш назарияси қонуниятлари ва томойилларига мувофиқ ташхислаш механизмини яратиш зарур.

Ўқувчиларда амалий-касбий кўникмаларни ривожлантириш тўрт босқичда амалга оширилади: тайёрлов, ўзлаштириш босқичи, машқ ва мустақамлаш босқичи.

Биринчи босқичда ўқувчиларга нима учун амалий касбий кўникмаларни эгаллашнинг зарурлиги тушунтирилади, уни қандай амалга ошириш ва бунинг учун қандай ишлар бажарилиши изоҳланади.

Иккинчи босқичда ўқувчилар амалий-касбий кўникмаларни амалда ўзлаштиришга йўналтирилди. Аниқ назарий билимлар ва амалий топшириқлар, мустақил ишлар берилди.

Учинчи босқичда ўқувчилар ўқитувчи ёрдамида ўқув материалларини ўзлаштиришга имкон берувчи топшириқларни бажардилар. Ўзлаштирган билим ва эгаллаган кўникмани ўқув вазиятларида такрор қўллайдилар. Бу босқич ўқув фаолияти усуллари эгаллаш жараёнида ҳал этувчи босқич ҳисобланди.

Тўртинчи босқичда ўқувчиларнинг амалий фаолияти уларнинг ижодий фаолияти билан узвийликда ташкил этилади. Ўқувчилар ўзлаштирган билимларини амалда қўллаш талаб этиладиган ишларни мустақил бажардилар, ўзларининг амалий фаолияти учун зарур бўладиган касбий масалаларни танлаб, уларни ижодий ҳал этдилар.

Ўқувчиларда касбий кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш бир-бирининг ўрнини босувчи босқичлардан иборат узлуксиз жараён эканлигини, ушбу жараённинг сифати аниқ педагогик шароитлар ва вазиятларга боғлиқлигини эътиборга олиб, ўқув ва амалиёт жараёнида касбий кўникмаларни ривожлантиришни таъминлаш умумкасбий ва махсус фанларни ўқитиш шарт-шароитларидан келиб чиқилади.

Баҳолаш мезонларига таяниб, ўқувчиларда касбий кўникмаларнинг шаклланганлик ва ривожланганлик даражасини аниқлаш уларнинг умумий ва касбий муаммолар ҳақидаги билимларини ўрганишдан бошлаш мақсадга мувофиқ.

Масалан, ўқувчиларга касбий кўникмалар моҳиятини акс эттирувчи таклифлар бериш тавсия қилинди. Шунингдек, касбий маҳорат, касб имкониятлари, касбий фаолиятда муомала маданияти, технологик маданият, ўқувчи этикаси ва одоби, қизиқувчанлик, касбий кўникмалар, амалий-касбий фаолиятдаги ижодий фаоллик, янгича фикрлаш, суҳбатлашиш маданияти, методологик ва методик маданият, ор-номус ва виждонлилик борасида саволлар берилди.

Саволларга берилган жавобларни баҳолаш қуйидаги тарзда ташкил этилди: тўғри ва тўлиқ жавоб – 3 балл, тўлиқ бўлмаган тўғри жавоб – 2 балл, нотўғри жавоб – 1 балл. Назорат ва тажриба-синов гуруҳлари ўқувчилари жавобларининг фарқига қараб, улар баҳоланади.

Қишлоқ хўжалиги йўналишдаги касб-хунар коллежларида тайёрланадиган бўлажак кичик мутахассисларнинг касбий кўникмаларини аниқлаш учун кўникмаларни даражалаштириш ва жуфт-жуфт қилиб қиёслаш орқали экспертлаш усулидан ҳам фойдаланиш мумкин. Экспертлар гуруҳига қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаси мутахассислари, турли фан ўқитувчилари, оналар киритилиши мумкин. Ўқувчиларда касбий кўникмаларнинг шаклланиши ва ривожланганлигига аниқ баҳо бериш методик ишнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Мазкур вазифани ҳал этиш учун экспертлар гуруҳи томонидан бўлажак кичик мутахассисларнинг касбий кўникмалари қуйидагича баҳоланди:

– амалий ишлар жараёнида касбий кўникмалар кучли ва доимий равишда намоён бўлади-3 балл;

– амалий ишлар жараёнида касбий кўникмалар бир хил даражада изчил намоён бўлмайди-2 балл;

– амалий ишлар жараёнида касбий кўникмалар кучсиз намоён бўлади ёки умуман сезилмайди-1 балл.

Ўқувчилар касбий кўникмаларини аниқлаш ва баҳолаш учун улар олган баллари йиғиндиси бўйича даражалаштирилди, яъни гуруҳларга ажратилди

Даражалаштириш турларидан бири бу – ўқувчиларни амалий-касбий билими даражасига кўра бир-бирлари билан таққослаш. Касбий маҳорати шаклланишига кўра ҳам ўқувчилар бир-бири билан қиёслаб кўрилди.

Баҳолаш қуйидаги тартибда ўтказилди: агар тадқиқ этилаётган амалий-касбий сифат ёки кўникма иккинчи ўқувчидагига қараганда биринчи ўқувчида яхшироқ ривожланган бўлса, биринчи ўқувчига 3 балл берилди, иккинчи ўқувчига эса балл берилмайди, агар бу сифатлар ҳар иккала ўқувчида бир хил даражада намоён бўлса, улар 3 баллдан олишади. Сўнгра ҳар бир ўқувчи олган баллар тўпланади. Натижада ўқувчининг касбий кўникмалари шаклланишининг рақамли ифодасига эга бўлинади. Ушбу тадқиқот усули ҳолислиги анча юксак. Бу ҳолда тасодифларга йўл қўйилмайди.

Шунингдек, умумий баллар йиғиндисини ҳисоблаб, ҳар бир ўқувчининг муносиб ўрни аниқланади. Ўқувчиларда касбий кўникмаларнинг шаклланиш даражасини баҳолашнинг ҳолисли-

гини аниқлаш мақсадида экспертлар мезонлари ўртасида умумийлик мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ўрганилади.

Биз қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежларининг 3450300 – Сув хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаштириш” тайёрлов йўналиши ўқувчиларининг гидромелиоратив машина ва жиҳозларини ишлатиш ва уларга техник хизмат кўрсатишга оид топшириқларни бажариш ва масалаларни ечиш ишларини қуйидаги даражаларга ажратдик: 1-даража – жуда оддий касбий топшириқлар; 2-даража – қийинлиги кичик касбий топшириқлар; 3-даража – қийинлиги ўртача касбий топшириқлар; 4-даража – қийин касбий топшириқлар; 5-даража –анча қийин касбий топшириқлар.

1-даража (жуда оддий касбий топшириқлар). Бунда ўқувчилар гидромелиоратив машина ва жиҳозлар, гидромелиоратив иншоотлар, техник объект (буюм, жараён, ҳодиса)нинг ташқи кўринишига қараб, улардаги камчиликлар ёки ноаниқликларни аниқлайди. Уларни бошқалари билан таққослаб, улар орасидаги айрим фарқларни кўрсатади. Бунда ўқувчиларда таққослаш, таҳлил қилиш, энг яхши вариантни танлаш кўникмалари намоён бўлади. Масалан, гидромелиоратив ва бошқа машиналар, турли вазифаларни бажарадиган трактор ва экскаваторларнинг ташқи кўриниши, тузилиши, ишлаш принципи, вазифалари қиёсланади. Уларнинг техник кўрсаткичлари таққосланиб, таҳлилий хулосалар чиқарилади.

2-даража (қийин бўлмаган кичик касбий топшириқлар). Мазкур даражадаги касбий топшириқларни бажариш учун фақат битта гидромелиоратив машина ёки жиҳози, техник объектнинг конструкцияси ҳақидагина эмас, балки фаннинг турли соҳаларига оид билимлар лозим бўлади.

Мазкур даражада гидромелиоратив машина ва жиҳоз, объектни кўздан кечиришнинг ўзи етарли эмас, унинг бирор қисмини ечиш, ўрнатиш ёки унинг учун мослама ишлаб чиқиш зарур. Бу даражада ўқувчиларда фаннинг бошқа соҳаларига оид билимлардан фойдаланиш кўникмалари кузатилади. Масалан, трактор, экскаватор ёки автомобилнинг бирор қисмининг ишлаш тартиби ўрганилиб, унинг кўрсаткичларини аниқлаш учун махсус ўлчов асбоблари ёки мосламалар танланади.

3-даража (қийинлиги ўртача топшириқлар). Мазкур даражада топшириқларни бажариш учун бутун объект ёки жараён тузилиши таҳлил қилинади. Объектнинг яхши ишламаётган бирор қисми аниқланиб, уни мукаммалироғи билан алмаштириш лозим. Агар топшириқни бажариш учун керакли мослама бўлмаса, у ҳолда уни тайёрлаш назарда тутилади. Машғулотда йўналтирувчи саволлари ёрдамида ўқувчилар механизм ёки жиҳоз конструкциясининг янги вариантларини таклиф этади. Бунда объектни фақат қисмлари бўйича эмас, балки яхлит тарзда таҳлил қилиш кўникмаси намоён бўлади.

4-даража (қийин касбий топшириқлар). Мазкур даражада касбий топшириқларни бажариш учун фаннинг турли соҳаларига оид чуқур билимлардан фойдаланилади. Ўқувчи маълум бўлган мослама ёки конструкциянинг янги вариантини ёки бирор касбий масалани ечишнинг бошқача (одатдан ташқари) йўлини таклиф этади. Масалан, кимё соҳасидаги билимлар ёрдамида трактор, гидромелиоратив машина ва жиҳоз, бирор техник объектни, машина деталлари мустаҳкамлигини оширишга имкон берувчи мойлаш материалларини текшириш, шунингдек уларга қисмлар, қурилма ёки мосламани ўрнатиш ва ишлатиш талаб этилади. Бу даражада ўқувчида фаннинг бирор соҳасига оид билимлардан унинг бошқа соҳасида фойдаланиш кўникмалари намоён бўлади.

5-даража (қийинлиги анча катта касбий топшириқлар). Ўқувчининг ўзи ўқитувчининг ёрдамисиз муаммони излайди ва касбий фаолият муаммосини кўяди. Уни ечиш вариантларини мустақил таклиф этади. Аммо касбий фаолиятда коллежда ўрганилган махсус фанлар, масалан, “Гидромелиоратив машиналарга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш” фанига оид билимлардан фойдаланиш керак. Касбий масалани ечиш вариантлари бир қанча бўлиши мумкин (мосламалар, объектлар, жиҳозларни ечиб олиш, созлаш, ўрнатиш, ишлатиш, кичик деталлар тайёрлашнинг содда ва мураккаб вариантлари). Бу даражада ўқувчида касбий муаммони кўйиш, ифодалаш ва ҳал этиш кўникмалари намоён бўлади(4.4.1-жадвал).

4.4.1-жадвал

Ўқувчиларда касбий кўникмаларнинг ривожланганлиги даражасини аниқлаш мезонлари

Касбий кўникмаларнинг ривожланганлиги даражалари	Касбий кўникмаларининг ривожланганлиги даражасини аниқлаш мезонлари
1-даража-паст	Ўқувчи касбий фаолиятга оид билим ва кўникмаларни ўзлаштирмаган.
2-даража – ўртача даражадан паст	Касбий ва махсус фанлар бўйича тайёргарлиги анча паст. Касбий билимларни эгаллаган, касбий кўникмалари қисман шаклланган
3-даража – ўртача даража	Касбий билим ва кўникмалари ривожланган, аммо амалда ўқитувчининг ёрдамисиз қўллай олмайди
4-даража ўртачадан юқори	Касбий билим ва кўникамалари ривожланган, амалда уларни эркин қўллайди
5-даража – юқори	Касбий билим ва кўникмаларни мукамал эгалланган, амалда уларни хатосиз қўллай олади

Шунингдек, ўқувчиларнинг лаборатория ишларини бажариши бўйича кўникмаларини 5 баллик тизим асосида баҳолаш мумкин.

Агар ўқувчи фаннинг турли соҳаларига оид билимлардан фойдаланиб, ўқитувчининг ёрдамисиз касбий топшириқни белгиланган муддатда сифатли ва юқори савияда бажарган бўлса, унинг иши “аъло” баҳоланади. Ўқувчи ўқитувчининг йўналтирувчи саволлари ёрдамида фаннинг бирор соҳасига оид билимлардан фойдаланиб, ишини сифатли ва белгиланган муддатда бажарган бўлса, унинг иши “яхши” баҳоланади.

Агар ўқувчи ўқитувчининг йўналтирувчи саволлари ва маслаҳатлари ёрдамида ишини белгиланган муддатдан бир оз

кечикиб, сифатсизроқ бажарган бўлса, у ҳолда бу иш “қоникарли” баҳоланади.

Ўқувчиларда касбий кўникмаларнинг ривожланганлиги даражасини аниқлашнинг юқорида қайд этиб ўтилган мезонлари касб-хунар коллежларида қишлоқ ва сув хўжалигини механизациялаштириш йўналишида таълим олаётган бўлажак мутахассисларнинг касбий тайёргарлиги ва ўқитиш методикасининг самарадорлигини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги «Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳалари учун техник-механик кадрлар тайёрлашни янада ривожлантириш оид чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3003-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

3. 2018 йил 25 январдаги ПФ-5313-сонли “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й.

4. Альтшуллер Г. С., Верткин И. М. Как стать гением: Жизненная стратегия творческой личности. –Минск: «Беларусь», 1994. -С. - 5.

5. Атажонов У., Бекжонов Ф.Ф «Мелиорация машиналари» фанидан лаборатория ишларини бажариш учун методик кўрсатмалар. – ТИМИ, 2008.

6. Батышев С.Я. Производственная педагогика: Учебник для работников, занимающихся профессиональным обучением рабочих на производстве. 3-е изд. перераб. и доп. –М.: Машиностроение, 1984. – 672 с.

7. Бобокулов С. Иқтисодий таълим: технология, тренинг, маҳорат. –Т., Иқтисод-молия, 2008.

8. Валеева Н. Х., Валеев. Личностно ориентированное профессиональное образование: Сб. науч. труд. Екатеринбург: Из-во РГППУ, 2004. – С. – 56-59.

9. Вишнякова С.Я. Профессиональное образование. Словарь. М.: Новь, 1999. -538 с.

10. Голиш Л.В. Современные технологии обучения: содержание, проектирование и реализация. Проект ТАСИС «Содействие реформированию профессионального образования в Узбекистане». – Т.: 2001.–20 б.

11. Давидов В. В. Проблемы развивающего обучения – М.: Директ-Медиа, 2008. – 613 с.

12. Давидов В. В. Теория развивающего обучения. – М.: Академия, 2004. – 288 с.

13. Замонавий мелиоратив техникалардан фойдаланиш. Профессор Ҳ. Ҳамидов таҳрири остида. Тошкент, 2016.

14. Занков Л. В. Избр. пед. Труды. –М., 1990. С. 102–115.

15. Зеер Э. Психология профессионального образования: Учебное пособие для студентов, аспирантов, педагогов. – М.: 2006. – 480 с.

16. Иппалитова Н., Стерхова Н. Анализ понятия “педагогические условия”: сущность, классификация. Central Profecconal Education. 1|2012. pp 8-14.

17. Кудрявцев Т. В. Психология технического мышления. Учебное пособие. – М.: Педагогика. 2005. – 304 с.

18. Новикова. М. Динамика формирования трудовых умений и навыков: монография. – М.: Б. И. – 2003. – 135 с.

19. Олимов Қ. Т. Абдуқуддусов О. А. Узоқова Л. Аҳмеджонов Ҳ. Жалолова Д. Касб таълими услубиёти. Тошкент, «Iqtisod-moliya» 2006.

20. Решетова З. А. Психологические основы профессионального образования. – М.: Из-ва Московского университета, 2001. – 207 с.

21. Сорокин Н. А. Дидактика: учебное пособие. – М. – М.: Просвещение. – 1994. – 250 с.

22. Файзуллаева Д.М. Қишлоқ хўжалик машина ва жихозларидан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш. Услубий қўлланма. – Т.: ЎМКХТРИ, 2002.

23. Ходжабоев А. Р., Қосимов Ш. У. Амалий касбий таълимни ташкил этиш ва ўтказиш методикаси. Тошкент, 2007.

24. Цаплин О. В. Формирование профессиональных умений у студентов колледжа. Современное общество: территория посмодрена: Сб. науч. трудов. – Саратов: СГТУ, 2005. С. – 60-65.

25. Шибата Я., Пўлатов О., Мурашев Ф. 10 турдаги машина ва жихозларни ишлатиш ва уларга техник кўрсатиш бўйича йўриқнома. Тошкент, 2004 й.

26. Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти. Халқаро конференция материаллари. «Ўзбекистон», 2012. – 12 б.

27. Қодиров Ҳ. Ш. Касб таълими ўқитувчиларининг билим ва кўникмаларини шакллантиришда ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш методикасини такомиллаштириш. Пед. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. 2017.

28. Jasqueline S.Golberg, Bryan R.Cole, Quality Management in Education: Building Exellence and Equity in Student Perfomance.QM.J Vol.9, № 4/2002.

29. Gilbert J. (2004). The model for the development of teachers' (p. 258–278). New York: RoutledgeFalmer.

МУНДАРИЖА

I. БОБ. КАСБИЙ КЎНИКМАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

- 1.1. Коллеж ўқувчиларида касбий кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш муаммоси ва унинг педагогик талқини
- 1.2. Ривожлантирувчи таълимнинг умумий методик тамойиллари
- 1.3. Ўқувчиларда касбий кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришнинг психологик-педагогик асослари
- 1.4. Ўқувчиларда касбий кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари
- 1.5. Касбий кўникмаларни ривожлантиришнинг ташкилий-педагогик бос-кичлари

II. БОБ. КАСБИЙ КЎНИКМАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ШАКЛ ВА ВОСИТАЛАРИ

- 2.1. Касбий кўникмаларни ривожлантиришда компьютер ва “Экскаватор-симулятор” ўқув тренажёридан фойдаланишнинг ташкилий-методик асослари
- 2.2. Mashklar vositasida kasbiy kўnikmalarни rivojlan-tirish
- 2.3. Лаборатория mashgulotlarida бўлажак мутахассисларда касбий кўник-маларни ривожлантириш
- 2.4. Ўйин технологияси асосида ўқувчиларда касбий кўникмаларни шакл-лантириш ва ривожлантириш
- 2.5. Касбий кўникмаларни ривожлантиришнинг амалий-дидактик воси-талари

III. БОБ. АМАЛИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА КАСБИЙ КЎНИКМАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

- 3.1. Ижтимоий ҳамкорлик ва мутахассислик билан танишув амалиёти – касбий кўникмаларни ривожлантиришнинг муҳим омили
- 3.2. Амалий таълим жараёнида касбий кўникмаларни ривожлантиришнинг илмий-педагогик асослари
- 3.3. Ўқув ва ишлаб чиқариш амалиёти жараёнида “корхонада ўқитиш” орқали ўқувчиларда касбий кўникмаларни ривожлантиришнинг педагогик асослари
- 3.4. Семинар-тренинглар орқали ўқувчиларда касбий кўникмаларни ривож-лантириш

IV. БОБ. КОЛЛЕЖ ЎҚУВЧИЛАРИДА КАСБИЙ КЎНИКМАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ

- 4.1. Коллеж ўқувчиларида касбий кўникмаларни ривожлантириш модели
- 4.2. Касбий кўникмаларни ривожлантириш методикаси
- 4.3. Замонавий гидромелиоратив машина ва жиҳозларидан фойдаланиш ва уларга техник хизмат кўрсатишни ўргатиш технологияси
- 4.4. Ўқувчиларда касбий кўникмаларнинг ривожланганлигини аниқлаш мезонлари

Нажмиддинова Ёқутхон Руҳиддиновна

**КОЛЛЕЖ ЎҚУВЧИЛАРИДА КАСБИЙ
КЎНИКМАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
МЕТОДИКАСИ**

Монография

Муҳаррир:	А. Тилавов А. Абдужалилов
Техник муҳаррир:	Ю. Ўринов
Мусахҳиҳа:	Н. Муҳаммедова
Бадий муҳаррир:	И. Захидова

Нашр.лиц. № АІ 245, 02.10.2013.

Теришга 13.04.2018 йилда топширилди. Босишга 25.04.2018 йилда рухсат этилди. Бичими: 84x108 1/32. Офсет босма. «Times New Roman» гарнитураси. Шартли б.т. 12.0. Нашр б.т.11.16. Адади: 300 нусха. Буюртма № 129. Баҳоси шартнома асосида.

«Sano-standart» нашриёти, 100190, Тошкент шаҳри, Юнусобод-9, 13-54. E-mail: sano-standart@mail.ru

«Sano-standart» МСНҲ босмахонасида босилди. Тошкент шаҳри, Широқ кўчаси, 100-уй. Телефон: (371) 228-07-96, факс: (371) 228-07-95